На протяжении 193-215 текстовых страниц пакистанского образца можно встретить рифму типа «failun ... mefailun». Вероятно, сведения о стихотворениях и размере стихосложения на указанном отрезке текста являются непосредственно отрывками авторского произведения Бабура «Aguz gisalesi», при сличении данной рукописи со стамбульским вариантом, в продолжении расположенной на 216 странице текста стихотворения-газели «Duşmany jan oldy» встречаем:

نى قلاى طوبىنى قد خوش خرامينک باريدا
 نى قىلاى سنبلنى خط مشک فامينک باريدا

Ne kylaý tubyny, kaddy hoş hyramyň baryda,
 Ne kylaý sünbüli, hatty müşk famyň baryda.

Сравнительный анализ «Дивана» со стамбульским образцом выявляет отклонения в порядке последовательности расположения газелей. В частности, в пакистанском образце 251 страница завершается бейтом:

چنک غم دين فوتولمادی بابر
 نيجه کيم ناله زیر و بم قیلدی

Jeňi gamdan gutulmady Babyr,
 Niçe kim nala zir-u bem kyldy –

тогда как 252 страница стамбульского варианта стихотворное повествование продолжается очередными бейтами стихотворной газели:

کورماکای ایردیم جمال عالم ارا کاشکی
 بولماغای ایردیم باری عالمغه رسوا کاشکی

Görmegeý erdim jemaly älem era, kâşki,
 Bolmagaý erdim bary äleme ryswa, kâşki –

Обратимся к 252 странице пакистанского текста. Она содержит последовательность бейтов следующей газели:

شام هجرانين منكا اول بيوفا كورساتماكاي
 هجر شامی اسرو مهليک تور خدا كورساتماكاي

Şamy hijranyn maňa ol biwepa görkezmegeý,
 Hijr şamy esru mühlikdir Huda görkezmegeý –

Таким образом, по результатам сравнительного анализа стамбульского и пакистанского образцов рукописи в общей сложности выявлены существенные вариации в текстах 17 стихотворений-газелей. Бейты, приводимые на странице 267, также резко отличаются от стамбульского варианта. В подтверждение сказанного можно обратиться к примеру:

Köñül mähnet-u gam herne bolsa idi,
Ki yara gatylyp, gaýydan gutulsa idi.

Habyр bolsa idi, ýa rakyp ölse idi,
Rakyp ölse idi, ýahabyр bolsa idi.

Кроме того, меняется также местоположение бейтов в стамбульском и пакистанском вариантах Месневи. В частности, в обоих вариантах Месневи прослеживается полная идентичность вплоть до бейта «Kylmadyň bir zerre istygnany kem». Затем в стамбульском образце рукописи поэтическое повествование продолжается строками: «Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jepa, Niçe, kim gördüm jepa, kyldym wepa» и «Sen bi ýaly mest husnuň jamyndan, Men munuň dek aýgy waslyň käminden». В пакистанском варианте местоположение двух бейтов меняется следующим образом: «Sen bi ýaly mest husnuň jamyndan, Men munuň dek aýgy waslyň käminden» и «Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jepa, Niçe, kim gördüm jepa, kyldym wepa».

1 (1) Kylmadyň bir zerre istygnany kem, Bu ne istygna durar, eý, jan, kim.	قىلمادينىك بىر ذره استىغانى كىم بو نه استىغنا دورور اى جانكىم
2 (3) Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jepa, Niçe, kim gördüm jepa, kyldym wepa.	نىجه كىم قىلدىم وفا كوردوم جفا نىجه كىم كوردوم جفا قىلدىم وفا
3 (2) Sen bu ýaly mest husnuň jamyndan, Men munuň dek aýgy waslyň käminden.	سین بوینكلیغ مست حسنونك جامی دین مین مونینك دیک ایر وصالینك کامی دین

В пакистанском варианте стихотворение-месневи на 279 странице текста завершается следующими строками:

Gäh bir guly patyşa kylar,
Şany bende gäh-gäh kylar –

В начале 280 страницы рукописи встречаем четверостишие-рубайи следующего содержания:

Gaýgyňy çeke-çeke gargaрdyр Babуr,
Rehm eýle ki özüden baryрdyр Babуr,
Naryң iberdi saña kim bile sen,
Ýagny ki bu reňk sargaryрdyр Babуr.

Поэтические рубайи на 284 странице венчает следующее четверостишие:

Eşgaryň kim şygyр ady tä bolgaý,
Tabg ähli oña waleýi şeýda bolgaý,
Her lafzy dür-ru bahry magany onda,
Kim gördi dürri ki onda deryа bolgaý.

Окончание рубаи на 280 странице плавно переходит в продолжение поэтических месневи «Gäh big guly patyşa kylar, // Sany bende gäh-gäh kylar» (следующими строками: «Gäh jahlyly serbelent eýlär, // Gäh aklyly paýubent eýlär»). Указанные месневи завершаются стихом:

– Gaýru yhlas-u doga bile salam,
Ne diýeýin özge, sözüм boldy tamam –

В рассматриваемом варианте после приведенного выше стихотворения-месневи идет очередное четверостишие-рубаи:

Eý, gül, ne üçin gaşyňda men har boldum,
Ýüz mähnet-u enduh bile ýar boldum.

Waslyň bile bisýar söýüdim owwal,
Hijriň bile akybet giriftar boldum.

Месневи в Стамбульском варианте:

– Nатыrum saklar iseň gel, gorgul,
Bu sözümi eşiт eý, til, gorgul –

В пакистанском варианте рукописи рубаи завершаются следующим отрывком:

Gyş gerçi, zamany mangal-u ataşdyr,
Läkin, bu şita Hintde köp dilkeşdir,
Heňňamy neşat-u badaýu bigyşdyr,
Meý bolmasa, mäjun dagy bolsa hoşdur.

В стамбульском образце «Дивана» помимо указанных выше содержатся дополнительно ещё 3 четверостишия-рубаи. 336-345 страницы рукописного текста выполнены в стихотворном размере «muammar», 345-350 страницы занимают стихотворения «kytga», «tuýug» и неоконченные газели, а также строфы-«Yzhar ulmuzmer» (художественный приём алитерации, творческая метафора).

Здесь нами была проведена текстологическая экспертиза на основе сравнительного анализа поэтического сборника «Диван» Бабура с рукописными образцами, хранящимися в фондах библиотеки Стамбульского университета (папка № 3743) и Пакистанской национальной библиотеки, признаваемой учеными в качестве наиболее полного варианта авторского произведения. Отметим, что такая текстологическая экспертиза творчества Бабура в истории туркменского литературоведения была осуществлена впервые.

Стамбульский образец начинается строкой: «Janymdan özge wepadar tarpadym». Первая строка пакистанского варианта звучит следующим образом: «Il rугanymdan bijan-u men bu jandan eý, ajal». Первая страница рукописи, начинающаяся строкой «Janymdan özge wepadar tarpadym» отсутствует. Идентичные по своему содержанию страницы стамбульского и пакистанского вариантов содержат в общей сложности 11 строк. Однако текстологический анализ этих двух образцов позволяет выявить некоторые различия. В частности, газель:

نی کورای طوبینی قد خوش خرامینک باریدا

Ne göreý tubyny, kaddy hoş hygramyň barynda –

В пакистанском варианте изложена в следующем виде:

نی قلاى طوبینی قد خوش خرامینک باریدا

Ne kylaý tubyny, kaddy hoş hygramyň barynda –

Иными словами, в стамбульском варианте рукописи – نی کورای

в пакистанском варианте – نی قلاى

Здесь налицо различия типа «göreý», «kylaý». Далее текстовое содержание газели и в стамбульском, и в пакистанском варианте практически идентичны. В обоих случаях газель завершается строкой:

نی قیلاى سنبلى خط مشك فامینک باریدا

Ne kylaý sünbüli, hatty müşk famyň barynda –

1. Ne göreý	نی کورای	}	в стамбульском варианте
2. Ne kylaý	نی قیلاى		

1. Ne kylaý	نی قلاى	}	в пакистанском варианте
2. Ne kylaý	نی قلاى		

Первоначально в стамбульском образце рукой каллиграфа выведена фраза «göreý». Позднее слово было зачёркнуто и исправлено на «kylaý». Возможно, исправление было внесено для обеспечения точности копируемого материала. С другой стороны, исправление могло быть целенаправленной орфографической или стилистической правкой, внесенной в основной текст каллиграфом, в частности, для предотвращения тавтологии. Подобные разночтения встречаются и в некоторых других газелях двух рукописных вариантов.

Возьмем для примера стихотворную строфу в стамбульском варианте:

ای کونکول جون بخشى دین کوردونک یمانیلیغ اسرو کوب
ایمدی کوز توتماق نی یعنی هر یماندین یخشیلیغ

بارى ایلکا یخشیلیغ قیلقل که موندین یخشى یوق
کیم دیکای لار دهر ارا قالدی فلاندین یخشیلیغ

یخشیلیغ اهل جهاندين ایستاما بابر کیبی
کیم کورونبور ای کونکول اهل جهاندين یخشیلیغ

Eý köňül, çün ýagşydan gördüň ýamanlyk esru-köp,
Imdi göz tutmak ne, ýagny her ýamandan ýagşylyk.

Bary ilge ýagşylyk kylgyl, ki mundan ýagşy ýok,
Kim diýgeýler “Dähr era galdy, pylandan ýagşylyk.

Ýagşylyk ähli jahandan isteme, Babyr kibi,
Kim görüpdür eý, köňül, ähli jahandan ýagşylyk.

В пакистанском образце рукописи фраза «Ýagşylyk», завершающая изложенный выше стих-газель, отсутствует вовсе.

Троки стамбульского варианта:

اغيار كوز اليدا و اول يار عيان يوق
غم خارى كونكول ايجره و غمحوار تاپيلماس

Agýar göz alnynda-ýu ol ýary aýan ýok,
Gam hary köňül içre-ýu gamhor tapylmaz.

в стамбульском варианте.

غم خارى كونكول ايجره و غمحوار تاپيلماس

Gam hary köňül içre-ýu gamhor tapylmaz

в пакистанском изложении приводятся как:

غم خوارى كونكول ايجره و غمحوار تاپيلماس

Gamhory köňül içre-ýu gamhor tapylmaz.

В этом месте в стамбульском варианте «Дивана» используется рифма фраз «gam hary» (غم خارى) и «gamhor» (غمحوار). Здесь слово «gam hory» применено в значении «заноза печали», «gamhog» - в значении «наперник грустных дум, близкий по духу».

В пакистанском образце также словосочетание «gam hary» (غم خوارى) использовано как «gamhor» (غمحوار), иными словами допущена грамматическая погрешность. В стамбульском варианте рукописи данная погрешность полностью отсутствует.

Зримые различия выявляются также в 36-й газели стамбульского и пакистанского вариантов. В частности, в стамбульской рукописи:

نچه ديوانه كونكولمنى قيلورسين نفى اى عاقل
اگرچه تيلبه دور بارى سنينكديك خودپسند ايرماس

Niçe diwana köňlümi kylar sen nefi, eý a:kyl,

Egerçe telbedir bary, seniň dek hud pisint ermes.

В пакистанском варианте венчающее стих слово «ermes» пропущено. Точно также слово «ermes» опущено и в следующих строках: в пакистанской рукописи 43-я газель завершается строками:

معلومى خليفه باشد كه بمن جرخ اين كرد بيت اول را بخانه مرا....

Maglumy halyfa başed, ki be men çarh in kerd. Beyt owwal ra behane....

Halyra mälüm bolsun ki çarh maña şeýle etdi: Beyt....

Похоже, поэт пожелал изложить 44-й бейт на фарси. Теперь подвергнем анализу изложение этого же бейта в «Диване» Бабура:

جرخ نينک مين کورماکان جور و جفاسى قالديمو
خسته کونکولوم جيکماکان درد و بلاسى قالديمو

Çarhyň men görmegen jibr-u jepasy galdymy,
Hassa köňlüm çekmegen derd-u belasy galdymy.

Приведенные выше строки содержат в себе слова «ṣarḥ»(جرخ)и «ṣekmeḡen»(جيكماكان), при этом для переложения звука «ṣ» автор использует слог «jīm» арабского алфавита. В пакистанском и парижском вариантах рукописи в указанных местах используется не арабский «jīm», а традиционное буквенное обозначение «ṣ».

В работе упоминается целый ряд рукописных вариантов поэтического «Дивана» Бабура. Важно отметить, что именно пакистанский вариант предоставляет наиболее полный материал для текстологического изучения, так как здесь можно встретить и прочесть некоторые строки и строфы, которых в других вариантах полностью отсутствуют либо стерты настолько, что не предоставляется возможным их прочесть и разобрать.

Целом в мире текстологическое изучение рукописных вариантов произведений Бабура ведется достаточно продуктивно. В числе активно работающих исследователей в данном направлении Билал Джуджел. Ученый тщательно изучил рукопись, хранившуюся в хранилищах Стамбульского университета в папке № 3743. В работе «Babur Diwanı» в качестве объекта анализа ученый обращается к следующим стихам-газелям, соблюдая при этом определенную их последовательность:

Habur bolsa idi, ya rakur olse idi,
Rakur olse idi, ya habur bolsa idi.

Köñül mähnet-u gam herne bolsa idi,
Ki yara gatylyp, gaýrydan gutulsa idi.

Исследуя стих-газель, начинающийся фразой «Wysalyň ...» профессор Б. Джуджел отмечает, что «после указанного первого слова продолжения стих-бейд продолжен не был». В ходе сравнительного анализа изучаемого и пакистанского образцов ученый выявил существенные изменения в изложении отдельных строк, некоторые же строки в рукописных вариантах были до крайности стёрты либо отсутствовали вовсе. Приведённые выше строки в пакистанском варианте, в частности, полностью отсутствуют:

كونكولكا محنت و غم هر نى بولسه ايدى
كه يار غه قابليت غير دين قوتولسه ايدى

Köñülge mähnet-u gam herne, bolsa¹ idi,
Ki yara gatylyp, gaýrydan gutulsa idi.

حبيب بولسه ايدى يا رقيب اولسه ايدى
رقيب اولسه ايدى يا حبيب بولسه ايدى

Habur bolsa idi, ya rakur olse idi,
Rakur olse idi, ya habur bolsa idi

وصالينك بولسه ايدى عارضينك كوره سه ايدى
تيلينك سورولسه ايدى ليلارينك اوبولسه ايدى

**Wysalyň bolsa idi, arzyň görse idi,
Tiliň sorulsa idi, lebleriň öpülse idi.**

¹Stambur nusgada “bolsa” sözi iki gezek gaýtalanypdyr. Bu kätibiň säwligi bolmalý.

В стамбульском и пакистанском образцах меняется местоположение четверостиший-бейтов. Рассмотрим изложенные выше строки. В стамбульском варианте бейт начинается строкой:

“Набур bolsa idi ...”

В пакистанском варианте соответственно строкой:

“Köñülge mähnet-u ...”

По нашему мнению, с содержательной точки зрения здесь в пакистанском образце было бы более целесообразно предварять стих первыми строками.

В обоих вариантах стихотворения-месневи начинаются одинаковыми бейтами. При этом, первые две строки стиха-месневи «Еў, реўки saba» в пакистанском варианте встречается. В стамбульском варианте данный бейт излагается в следующем виде:

هجر و غمینک اپتی ظلم و بیداد
ای جان و جهان فغان و فریاد

ایرلغالی ای نکار سنندین
ایریلدی هوش و قرار میندین

کوزومدا اگر جه یوق جمالینک
کونکومدا دوررولی خیالینک

Hijr-u gamyň etdi zulm-u bidat,
Eў, jan-u jahan, pygan-u perýat.

Aўrylgaly eў, nigär, senden,
Aўryldy huş-u karar menden.

Gözümde egerçe, ýok jemalyň,
Köñlümde durar weli, hyýalyň.

В пакистанском варианте приводимый ниже бейт каллиграфом вписан не был. Возможно, бейт отсутствовал в копируемом каллиграфом более раннем рукописном варианте:

Aўrylgaly eў, nigär, senden,
Aўryldy huş-u karar menden.

Наблюдается также местоположение бейтов 11, 12, 13-го, включенных в состав стиха-месневи, начинающегося словами: «Еў, saba ýelmegi gopgul, jezm ku!» В стамбульском варианте:

قىلمادىنك بىر ذره استغنانى كيم
بو نه استغنا دورور ای جانكيم

سین بوینکلېغ مست حسنونک جامی دین
مین مونینک دیک ایرو وصالینک کامی دین

نیجه کیم قیلدیم وفا کوردوم جفا
نیجه کیم کوردوم جفا قیلدیم وفا

Kylmadyň bir zerre istygnany kem,
Bu ne istygna durar, eý, jan, kim.

Sen bu ýaly mest husnuň jamyndan,
Men munuň dek aýry waslyň käminden.

Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jera,
Niçe, kim gördüm jera, kyldym wepa.

В пакистанском варианте рукописи после строки «Kylmadyň bir zerre istygnany kem» располагается бейт, начинающейся строкой «Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jera», затем следует строка: «Sen bu ýaly mest husnuň jamyndan»:

قیلمادینک بیر ذره استغانی کیم
بو نه استغنا دورور ای جانکیم

نیجه کیم قیلدیم وفا کوردوم جفا
نیجه کیم کوردوم جفا قیلدیم وفا

سین بوینکلایغ مست حسنونک جامی دین
مین مونینک دیک ایر وصالینک کامی دین

Kylmadyň bir zerre istygnany kem,
Bu ne istygna durar, eý, jan, kim.

Niçe, kim kyldym wepa, gördüm jera,
Niçe, kim gördüm jera, kyldym wepa.

Sen bu ýaly mest husnuň jamyndan,
Men munuň dek aýry waslyň käminden. –

Здесь автор говорит, скорее всего, о жестокосердии и холодности своей возлюбленной. Поэт сетует на то, что несмотря на всё своё усердие и преданность, в ответ получает лишь суровую отповедь, однако он не теряет надежды и сохраняет в своем сердце верность своей избраннице. На наш взгляд, в пакистанском варианте содержательная последовательность соблюдается более полно и строго. В продолжении рассматриваемого стиха-месневи, в частности, в стамбульском и пакистанском рукописных вариантах меняется местоположение строки, начинающейся словами «Ger seniň waslyň». В стамбульском образце, в частности, оно обретает следующий вид:

گر سیننک وصلینک امیدى بولماسه (وصلینکا یتماک نویدی بولماسه)
(گر سیننک وصلینک امیدى بولماسه)

Ger seniñ waslyñ umydy bolmasa, (Waslyña ýetmek nuwidi bolmasa,) Waslyña ýetmek nuwidi bolmasa. (Ger seniñ waslyñ umydy bolmasa)., при этом строки, заключенные в фигурные скобки, выполнены в стиле «куфий».

В пакистанском варианте указанные строки излагаются уже в другом порядке:

كر سيننك وصلينك نویدی بولماسه
وصلينكا يتماک امیدی بولماسه

Ger seniñ waslyñ nuwidi bolmasa,
Waslyña ýetmek umydy bolmasa.

В этой строке слова nuwidi и umydy поменяны местами.

В нижней строке присутствуют и Стамбульский и Пакистанский варианты.

Reftary-ýu kaddyna rowanym sadaka,
Bir bakyşyna iki jahanym sadaka,
Agzy-ýu biline bud-u nä-budum sarp,
Gözi-ýu lebine jism-u janym sadaka.

Кроме того, еще в одном стихе-«касий» пакистанского варианта мы встречаем четверостишие-рубаи, написанное поэтом на фарси:

بر روی تو افتاب تابان صدقه
بر قامت تو سرو خرامان صدقه
عسل لبت چشمه حیوان صدقه
ای دوست بهر موی تو صد جان صدقه

Другим значимым образцом следует указать парижский вариант рукописи поэтического сборника «Диван» Захиреддина Мухаммета Бабура. В него включены стихотворения, написанные в период пребывания автора в Средней Азии. Копия рукописи была выполнена каллиграфом Абдыл Мухамметом Баки в особом эпистолярном стиле «nestag». Текст рукописи предваряется эпитафией: «Я повелел так». В последовательности размещения стихов алфавитный порядок не соблюдается. Не учитывается также жанровая группировка стихов, поэтому стихотворные размеры «туяог», «фельд», «муамма» и другие часто перемежаются между собой. Со ссылкой на данную особенность ученый-исследователь творческого наследия С.Хасанов заключает, что, вероятно, данная копия была выполнена с авторского оригинала. В текстологии вообще использования метода сравнительного анализа стихотворных произведений на основе рукописного оригинала было и остаётся важным и неотъемлемым требованием. Это правило сохраняет свою актуальность и в глубинном, скрупулёзном текстологическом изучении бесценного наследия Бабура, чьё творчество по праву признаётся весомым вкладом в развитие тюркоязычной литературы.

Литература

1. Захиреддин Мухаммад Бабур. Избранная лирика. Поэзия Бабура. /Предисловие - Хасанов С. – Ташкент, 1982. – С.4.
(Zahireddin Muhammad Babur. Selected lyrics. Poetry of Babur. / Preface - Khasanov S. – Tashkent, 1982. – P.4.)
2. Zahyreddin Muhammet Babyr. Diwan. Çapa taýýarlan Kurenow R. Türkmenistanyň milli medeniýet «Miras» merkezi, 2005, 71 sah.
(Zahireddin Mohammad Babur. Diwan. By: Kurenov R. Ashgabat "Miras", 2005, p.71)
3. Magtymguly. Eserler ýygyndysy, I jilt. Çapa taýýarlan A.Aşyrow.- Aşgabat, «Ýlym» neşirýaty 2013, 69 sah.
(Magtymguly. I volume. Prepared by: A.Ashyrov. – Ashgabat, «Ýlym» 2013, p.69)
4. Dr.Bilal Yücel. Babür diwanı.- Ankara, 1995, 19 s.
(Dr. Bilal Yucel. Babür diwan.- Ankara, 1995, p. 19.)
5. Захириддин Мухаммад Бобур Энциклопедияси. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси баш тахририяти. Тошкент. – 2014, 123-125 сах.
(Babur's Encyclopedia «Sharq» Tashkent – 2014, pp. 123-125)
6. Ali Fuat Bilkan. Babür Risale-i Validiye Tercümesi. – Istanbul, 2001, 9 sah.
(Ali Fuat Bilkan. Babur Risale-i Validiye Translation. – Istanbul, 2001, p. 9)
7. Milli golyazmalar instituty, “Diwan” Pakistan nusga mikrofilim, № 29, 188 sah. Национальный институт рукописей АН Туркменистана. Микрофильм пакистанского образца рукописи «Диван». – № 29. – С. 188.
(National Institute of Manuscripts of the Academy of Sciences of Turkmenistan. A Pakistani microfilm of the “Divan” manuscript. – № 29. – p. 188.)
8. Şol yerde, 189 sah. Там же. – С. 189.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

XV АСР ШЕЪРИЯТИДА МАВЛОНО ГАДОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

Ҳафиза Асланова

СамДУ Филология факультети Мумтоз адабиёт тарихи кафедраси таянч докторанти. hafi@mail.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: H. Aslanova. The role of Mavlono Gadoiy in the poetry of XV century. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 45-53



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-6>

Келиб тушган сана 12 август, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Мақолада XV аср туркий ижодкорларидан Гадоий лирикаси ҳақида сўз боради. Шоирнинг ягона девони - "Девони Гадо" (ديوان كادا) Париждаги "Bibliotèque Nationale" ("Миллий кутубхона")нинг "Departament des. Manuscrits Suppl turc" ("Турк қўлёзмалари бўлими")да 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келинмоқда ва унинг фотонусхаси эса 1968 йилда профессор Ҳ.Сулаймон томонидан келтирилиб, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига топширилган. Гадоий ижоди ва унинг бошқа девони ҳақида маълумотлар йўқ. "Девони Гадо"нинг ҳам бошқа қўлёзма нусхалари мавжудлиги ҳозиргача аниқланмаган. Мавлоно Гадоийнинг девони XV аср девон тартиби бериш аънанасига биноан таркиб топган, яъни араб алифбоси асосида газаллар кетма-кетлиги жойлаштирилган. Гадоий шеърияти таркиби жанрига кўра газал, қасида, мустаҳзод ва туюқ деб эътироф этилади. Жами 237 та шеър. Шундан 230 та газал, 1 та мустаҳзод, 1 та қасида ва 5 та туюқ. Девонда "Гадоий" тахаллусида 9 та газал, 197 та газал ва 1 қасида ҳамда 1 та мустаҳзод ва 1 та туюқ "Гадо" тахаллуси билан ёзилган ва 28 та газал тахаллусиз битилган. Гадоий ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" номли тазкирасида ҳамда "Муҳокаматул-луғатайн" номли асаригагина учрагамиз. Мақолада XV аср биринчи ярмидаги ўзбек шеъриятининг поэтик хусусиятлари ва унда Гадоий шеъриятининг аҳамияти; Гадоий ва "Девони Гадо" девонининг жанр поэтикаси; Гадоийнинг образ яратиш маҳорати; Гадоий шеъриятида вазн ва қофия; Гадоий шеъриятида услуб масаласи ва аънавийлик ҳамда новаторлик хусусиятлари таҳлиллари баён этилди.

Калит сўзлар: илми бадеъ, девон, тахаллус, санъат, тазод, талмеҳ, ташбеҳ, таносуб, ҳусни таълил, ирсолу масал, тажохул-ул-ориф, лафф ва нашр, тарсеъ, тарди акс, тажнис, ийҳом.

РОЛЬ ТВОРЧЕСТВА МАВЛОНО ГАДАИ В ПОЭЗИИ XV ВЕКА

Ҳафиза Асланова

Докторант кафедрасы классической литературы филологического факультета СамГУ

АННОТАЦИЯ

Эта статья рассматривает лирику Гадаи творца тюркской поэзии XV века. Единственный девон писателя - "Девони Гадо" (ديوان كادا) находится в Парижской библиотеке "Bibliotèque Nationale"

№3 (2018)

("Национальная библиотека"), в отделе "Department des. Manuscrits Suppl turc" (отдел: "Турецких рукописей") за инвентаризационным номером 981 и его фото копия в 1968 году была привезена профессором Х.Сулаймановым в Узбекистан и предоставлена в фонд литературного музея Алишера Навои. О творчестве Гадаи, а также о другом его "девоне" достоверных фактов нет. А также другие рукописные варианты "Девони Гадо" нам не известны. Девон Мавлоно Гадаи составлен согласно традициям составления девонов, XV века, то есть последовательность газел расположены на основе арабского алфавита. Жанр поэзии Гадаи подразделяется на газел, касиду, мустахзод и на признание. Всего насчитывают 237 стихов, из них 230 газел, 1 мустахзад, 1 касида и 5 туюк. Под псевдонимом "Гадаи" были написаны: 9 газел, 197 газел, 1 мустахзад, а также 1 туюк под псевдонимом "Гадо", и в то же время 28 газел даны без псевдонима. Мы можем найти информацию о жизни и творчестве Гадаи в творчестве Алишера Навои, которая называется - "Мажолис унафоис", а также в его произведение "Муҳокаматул-дугатайн". В статье анализируются особенности узбекской поэзии первой половины XV века и значимость поэзии Гадаи; поэтика жанра "Девони Гадо" и творчество Гадаи, мастерство Гадаи по созданию образов, ритм и рифма в поэзии Гадаи, новаторские особенности, стиль и традиционность в поэзии Гадаи.

Ключевые слова: илими бадеъ, деван, псевдоним, искусство, тазод, талмех, ташбех, таносуб, хусни таълил, ирсолу масал, тажохул-ул-ориф, лафф и издательство, тарсеъ, тарди акс, тажнис, ийхом.

THE ROLE OF MAVLONO GADOIY IN THE POETRY OF XV CENTURY

Hafiza Aslanova

Doctoral student of the Department of history of Classical Literature of the Philological Faculty of SamSU

ANNOTATION

The article deals with the lyrics of Gadoiy, one of the Turkic authors of XV century. The only divan of the poet - "Devoni Gado" (دېۋان گادا) is being kept in the "Department des. Manuscrits Suppl turc" ("Department of Turkic manuscripts") in "Bibliotèque Nationale" ("National Library") in Paris under the inventory number 981 and its photocopy was brought by the professor H. Sulaymon in 1968 and delivered to the fund of Alisher Navoiy Literature museum. There is not any further information about Gadoiy's works and other divans. The existence of other manuscript copies of the "Devoni Gado" are not known yet. Mavlon Gadoiy's divan is structured according to the tradition of divan formation of the XV century, and namely the gazelles are placed in Arabic alphabetical order one after another. It is considered that the genre of Gadoiy's poetry consists of gazelle, qasida (ode), mustakhzod (poetic genre created by Alisher Navoiy) and tuyuq (quatrain based on homonyms). There are 237 works altogether, of these 230 are gazelles, 1 mustakhzod, 1 qasida and 5 tuyuq. There are 9 gazelles composed under the penname "Gadoiy" in divan, 197 gazelles, 1 qasida, 1 mustakhzod, and 1 tuyuq were written under the penname "Gado", and 28 gazelles were written without any penname. Information about Gadoiy's life and works were given in anthology of Alisher Navoiy "Majolis un-nafois" as well as in his work "Mukhokamatul-lug'atayn". The article describes poetic features of Uzbek poetry of XV century and the role of Gadoiy's verses; Gadoiy and the poetry genre of divan "Devoni Gado"; Gadoiy's skill in creating images; rhyme and rhythm in Gadoiy's poetry; the issues of style and conventionality as well as analyses of innovative peculiarities in Gadoiy's poetry.

Key words: poetic art, divan, penname, art, tazod (poetic art of using antonyms), talmekh (stylistic device of describing former events), tashbekh (poetic art of using comparison), tanosub (poetic art of using the words of the same semantic field), khusni ta'lim (poetic art of praising the beloved), irsolu masal (poetic art of using aphorisms), tajokhul-ul-orif (poetic art of using exaggerated comparison), laff-nashr (poetic art of using words with their epithets), tarse' (poetic art of using concordant words), tardi aks (poetic art of using the same words in different word order), tajnis (stylistic device of using homonyms), iykhom (stylistic device of using figurative meaning).

Гадоийни етиштирган давр, яъни XV асрдаги Мовароуннаҳр ва Хуросондек улкан мамлакатлардаги ниҳоятда мураккаб тарихий шароит, ижтимоий тузум, маданий ва адабий ҳаёт шарқшунос, адабиётшунос олимлар асарларида, илмий тадқиқотларида ёритилган. Маълумки, теурийларнинг аксарияти бевосита илм ва шеърят билан шуғулланганлар. Амир Темурнинг ўзи, Навоийнинг хабар беришича, шеърни яхши ўқир ва англади эди. Ўғли Шоҳруҳ Мирзо ўқтин-ўқтин байтлар битарди. Темурнинг набираси Султон Искандарнинг Ҳайдар Хоразмийдан ўтказиб туюқ айтганини Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида қайд этган эди. Шаҳзода Ҳалил Султон девон тартиб қилган шоир ҳам эди. Бойсунғур Мирзо Фирдавсий "Шоҳнома"сини ўз қўли билан кўчирган.

XV асрнинг биринчи ярмида сермаҳсул ижод қилган адиблар сифатида "Латофатнома" муаллифи Хўжандий, "Даҳнома"ни ёзган - Юсуф Амирий, "Таашшукнома" (1436) муаллифи соҳибқироннинг набираси Саййид Аҳмад, "Ўқ ва Ёй" мунозараси билан шуҳрат қозонган Яқиний, Навоий туркийгўйларнинг "машоҳири" (машҳури) деб тилга олган Гадоий кабиларни кўрсатиш мумкин. Лекин ўз даврининг атрофлича тан олинган шоирлари "Юсуф ва Зулайҳо" достони муаллифи Дурбек, Атойи, Саккокий, Лутфийдир.

Адабиёт XV асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ҳар томонлама ривожланди. Унга, аввало, ҳикмат ва санъат тажассуми деб қаралди. Унинг мавзу ва гоёлари кенгайди. Шоирлар Чиқиш шеърлятидаги барча жанрлардан самарали фойдаландилар. Масалан, Алишер Навоийнинг шеърли меросида ўн олти хил жанр учрайди. Булар ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий,

қасида, таърих, муаммо, мустаҳзод, фард, таркиббанд, таржиъбанд, мувашшаҳ, мураббаъ, мухаммас, мусаддас кабилардир. Буларнинг барчаси бир хил мавқега эга эмас.

Шеърли жанрлар орасида энг кенг тарқалгани ғазал бўлди. Девонларда асосий ўринни ғазал эгаллади. Ғазал VIII-IX асрларда араб адабиётида майдонга келган бўлиб, ишқий шеър деган маънони англатади. У X асрда форс адабиётига ўтди. Рўдакий унинг ажойиб намуналарини яратди. XIV аср бошларида у туркий адабиётга кириб келди. Ғазалчиликни юксак босқичга кўтарган Алишер Навоий бўлди. Унинг "Ҳазойин ул-маъоний" асаридан 2600 ғазал ўрин олган. Мақсуд Шайхзода Навоийни "ғазал мулкининг султони" деб атаган эди. Навоийнинг ўзи Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийдан иборат уч ғазалнависни эҳтиром билан тилга олади. Шоирнинг фикрича, улардан ҳар бирининг ўз йўли, услуби бор.

Рубоий жанри ҳам такомил топди. Навоий ва Бобур бу жанрнинг бетимсол намуналарини яратдилар. Айниқса, муаммо жанрига алоҳида эътибор берилди. Муаммо арабчада "кўр қилинган", "беркитилган" деган маъноларни беради. Унинг асосий хусусияти бирор фикр, ном ёки хусусиятнинг яшириб берилишидир. Кўпинча, муаммо икки маъно асосига қурилади. Биринчиси - ташқи - чалгитувчи маъно, иккинчиси - ички - асосий маъно.

Бу даврда маснавий жанри ҳам ривож топди. Мажлисийнинг халқ оғзаки ижодидан олиб ёзилган "Қиссаи Сайфулмулк" каби достони билан бир қаторда, Муҳаммад Солиҳнинг реал ҳаёт ҳодисаси - теурийлар билан шайбонийлар орасида кечган кураш воқеалари ёритилган "Шайбонийнома" асари сингари ўзига хос жангномалар

майдонга келди. Шарқ адабиётидаги ҳамсачилик анъаналари давом эттирилди. Алишер Навоий Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий изидан бориб, биринчи марта туркий тилда "Хамса" яратди. У биргина XV асрнинг эмас, балки умуман туркий адабиёт тараққиётининг энг муҳим ҳодисаси эди. Назм билан биргаликда наср ҳам ривожланди. Айниқса, унинг тарихий-бадий мемуар жанри тараққий топди. Адиблар ўз кўрган-кечирганлари, буюк замондошлари ва улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида асарлар ёздилар. Навоийнинг Абдурахмон Жомий ҳақидаги "Хамсат ул-мутаҳаййирин", Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", Паҳлавон Муҳаммадга аталган "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарлари, Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" мемуари майдонга келди.

Ижодкорлар, асосан, хон ва беклар саройларида, адабиётни севган, эътиборли амалдорлар атрофида уюшган эдилар. Хон ва бекларнинг аксарияти эса шеър, мусиқа, илм-фан ва меъморчиликка ҳавасманд эди. Баъзилари бадий ижод кишилари эдилар. Уларнинг ташаббус ва рағбати билан йиғинлар, анжуманлар тез-тез бўлиб турар, шеърлар ўқилар, адабий суҳбатлар гоят қизгин кечар эди. Бу суҳбатларда қатнашиш маълум тайёргарликни ҳам талаб қилган. Чунончи, адабий давраларда иштирок қиладиган ҳар бир киши салаф (ўтган)лардан 40 минг мисра, замондош шоирлардан 20 минг мисра шеърни ёд билиши шарт бўлган.

Гадоий ижоди ана шу муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Гадоий

(тахаллуси; асл исми ҳозирча номаълум) (1403/04 - XV аср охири) - шоир. Фазал жанри, аруз илми ва шеърят қоидаларини яхши билган. Асосан туркий (ўзбек) ва қисман форс тилида газал, қитъа-туюқ, мустазод, қасидалар яратган. Гадоий ўз ижоди билан XV аср ўзбек мумтоз шеърятни ривожига катта ҳисса қўшган. Хусусан, унинг газаллари мазмунан ҳаётийлиги, бадий ва шаклан баркамоллиги билан ажралиб туради. Айрим газал ва қитъаларида шоирнинг ўз ҳаёти лавҳалари ва руҳий кечинмалари акс этган. Шеърятда "чарх жафоси", "рўзгор жаври"дан фиғон, "гурбат меҳнати"дан шикоят оҳанглари сезилади. Гадоий шеърлари арузнинг халқ кўшиқларига яқин рамал, ҳазаж баҳрларида ёзилган; тили халқона содда, вазни энгил, шўх ва ўйноқи. Гадоийнинг XV аср 2-ярми - XVI аср бошларида номаълум котиб томонидан кўчирилган "Девони Гадо" асари бор. Унга 2974 мисрадан иборат 230 газал, 1 мустазод, 1 қасида, 5 қитъа-туюқ кирган. "Девон"даги қасида темурий шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Халил Султон мадҳига бағишланган. Девон қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида (инв. № 981), микрофильми ва фотонусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади. Девондаги газаллар араб алфавитига мос равишда? (алиф) билан бошланган (девондаги илк газал ҳамд ва кейинги наъф газал бундан мустасно, чунки улар ä -ҳ ва ÷ -нун ҳарфлари билан бошланган) ҳамда ى -ё ҳарфи билан адоланган. "Девони Гадо"да газаллар қуйидагича сон бирлигига эга:

Араб алифбоси	Ғазаллар сони
ا	27
ب	7
ت	3
ث	1
ج	2
ح	1
د	3
ر	47
ذ	5
ط	3
ظ	3
ع	2
ف	2
ق	10
ك	7
ل	21
م	19
ن	23
ه	11
و	28

Ғадой қасидаси (ҳе), мустаҳзоди (алиф), қитъаларидан бири (ё), иккитаси (қоф), биттаси (алиф) ва (ре) ҳарфига келтирилгандир. Девондаги алифбо тартибидан кўриниб турибдики, фақат туркий тилига хос бўлган ҳарфларга (араб тилига хос бўлган айн ҳарфи бундан мустасно) ғазаллар битиб девонга киритилган экан. Араб ва форс тили учун хос ҳарфларга доир ғазаллар Ғадойда учрамайди. Алифбодаги барча ҳарфларга ғазаллар битиб девонни мукамал ҳолга келтириш адабиётимиз тарихида биринчи марта Алишер Навойга насиб бўлгандир. Айтиш мумкинки, Ғадой девони Лутфий девони билан бир муқовада бирлаштирилганлиги учун кўпгина фикрларга ҳам сабаб бўлди. Бу ҳақида Э.Аҳмадхўжаев шундай ёзади: "Ғадойнинг девони Лутфий девони билан бирга китобат қилинганлиги учун

биз Лутфий девонига Ғадой ғазалларидан кириб қолганмикин деган мулоҳаза билан Лутфийнинг девонини ҳам кўздан кечирдик. Аммо, гумонимиз исботланмади" [2, 22]. Ғадойнинг форсийдаги шеърлари Фаҳри Ҳиратийнинг "Радойиф ул-ашъор" тазкирасига киритилган. Ғадой шеърлари Туркия (1960) ва АҚШ (1971)да босилиб чиққан.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида чуқур из қолдирган шоирлардан бири Мавлоно Ғадой ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни, юқорида айтилганидек, Алишер Навойнинг "Мажолис ун - нафоис" номли тазкирасида ҳамда "Муҳокаматул-луғатайн" номли асаригагина учрагамиз.

Унинг шахсиятига алоқадор бўлган ёзма ва бошқа хил манбалар ҳозирча деярли йўқ даражада бўлганидек, лирик мероси, яъни ғазаллар девони ҳам

мамлакатимиздан ташқарида эди. Шоирнинг 1960 йилда Туркияда, 1965, 1966 йилларда Ўзбекистонда эълон қилинган лирик девонидан парча, намуналар шоир ижодига бўлган қизиқишни кучайтирди. Шоир девонининг тўлиқ нашр этилиши Гадоий ижоди билан янада кенгрок, чуқурроқ танишиш имконини берди.

Мамлакатимиз ва чет эллардаги айрим тадқиқотчи олимларнинг баъзи асарларида шоир Гадоий ва унинг ижоди тилга олинган бўлса-да, улардаги маълумотлар жуда қисқа ва мунозарали бўлган. Гадоийнинг салкам бир асрлик баракали ҳаётининг айрим моментларини ва у яшаган даврни ёритишда Алишер Навоий ёзиб қолдирган, илмий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо маълумотларга суянилади. Гадоийнинг ўз даври, ҳаёти ва умуман ижоди тўғрисида девонида келтирилган қисқа бўлсада гоят қимматли маълумотлар, факт ва далиллар шоирнинг ҳаётини ёритишда асосий манба ҳисобланади.

Шоир Гадоий тахминан XV асрнинг бошидан охирига қадар бўлган бир асрга яқин даврда Хуросонда яшаб ижод этган. Гадоийнинг номи, ота-онаси, унинг қандай оиладан эканлиги, унинг болалик ва ўсмирлик йиллари номаълум бўлиб, "Гадоий" - "Гадо" эса шоирнинг адабий тахаллусидир.

Шоирнинг тахаллуси чет эл ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан турлича талқин этилган. Адабиётшунос Э.Рустамов шоирнинг адабий тахаллуси - "Гадоий" кўпроқ унинг нақшбандийлик билан алоқада бўлганлигидан дарак беради, деган фикрни илгари суради [10, 126].

Гадоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида озгина маълумот сақланиб қолган. Ҳатто, унинг номи маълум эмас, Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" номи асарида унинг фақат Гадоий

тахаллусини келтирган, холос. Шоир эса Гадо (камбагал, қашшоқ маъносини англатувчи) тахаллусини истифода қилган. Алишер Навоий "Муҳокаматул-луғатайин" асарида Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Яқиний, Юсуф Амирий, Лутфий каби туркигўй шоирлар ҳақида сўз юритиб, яна Гадоий тўғрисида шундай ёзади: "Ҳулоғухон замонидир Султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳрух Султоннинг замонанинг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш табъ салотине зуҳурга келди: шуаро Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий ва Муқимий (бу ўринда XV асрда ҳам Муқимий тахаллусли шоир ҳақида сўз юритилмоқда) ва Яқиний ва Юсуф Амирий ва Гадоийдеклар" [1, 128]. Алишер Навоий айна шу ўринда ўзининг Гадоийга бўлган самимий ҳурматининг ифодаси сифатида шоирнинг номига "Мавлоно" сўзини рутба (мумтоз адабиётимизда замонасининг энг кўзга кўринган, машҳур олим ва фозил кишиларга нисбатан бўлган ҳурматини ифодаловчи, юксак мартаба, даражани англатувчи сўз)ни кўшиб ёзади.

Гадоий ҳақида Навоийдан сўнг маълумот берувчилардан бири турк адабиётшунос олими Муҳаммад Фуод Кўпрулу бўлиб, у 1914 йилда ёзилган ("Тўққизинчи ва ўнинчи асрлардаги Чигатой шоирлари") номи мақоласида шоир Гадоий номини ҳам зикр этиб, у Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайин" асарида келтирилган Гадоий ҳақидаги маълумотгагина таянади.

Яна М.Ф.Кўпрулу 1945 йилда "Ислом энциклопедияси"да "Чигатой адабиёти" номи каттагина мақола эълон қилди. Кўпрулунинг бу мақоласида келтирилган маълумотлар ҳақида Я. Экман шундай ёзади:

"Кўпрулу ўзининг 1945 йилда "Ислому энциклопедияси"да нашр қилинган Чигатой адабиёти тарихи ҳақидаги мукамал мақоласида шоир ҳақида кўпроқ маълумот беради. Кўпрулунинг ўзи Гадоийнинг "Девон"ини кўрган эмас. Унга Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис"и ва Блошенинг котологи манба сифатида хизмат қилган. Шоир ўзининг узок йиллик ҳаётида бошқа асарлар ҳам ёзган, айниқса, улар ҳақидаги айрим фрагментлар баъзи бир эски Чигатой лугатларида сақланганлиги кўрсатилади. Афсуски, Кўпрулу ўзининг шундай хулосага келишига асос бўлган манбаларни кўрсатмайди" [5, 10].

Маълумки, Гадоийнинг ниҳоятда гўзал, бадиий тасвирга бой ижоди билан қисман бўлса-да, бизни дастлаб таништирган киши туркшунос олим Я.Экман бўлади. У 1960 йилда Туркияда "Турк тили ва адабиёти" журнаlining 10-сонида шоир Гадоийнинг Париж "Миллий кутубхона"сида сақланаётган девонидан парча эълон қилади.

Я.Экман Гадоий девонидан парчаларга ёзган сўз бошиси охирида шоирнинг бутун девонини нашр этиш ниятидамиз деб ёзган эди. У ўзининг бу ниятини орадан ўн бир йил ўтгандан сўнг, яъни 1971 йилда амалга оширди. Гадоий шеърларидан намуналарни китобча шаклида нашр эттирган олима Суйима Фаниева тўпلامга ёзган кириш сўзида шоирнинг ҳаёти ва ижодига алоқадор бўлган айрим маълумотларни келтиради.

1966 йилда "Ўзбек адабиёти" китобининг тўрт жилдликка илова тариқасида нашр этилган бешинчи жилднинг биринчи китобида шоир Гадоий газаллари ҳам берилган эди. "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг бешинчи томига Гадоийнинг 33 газали ва бир мустазоди киритилган.

Гадоийнинг лирик газаллари чет тиллари, жумладан, рус тилига ҳам

таржима қилинган. Уни туркшунос олим, Шарқ мумтоз адабиётининг катта билимдони проф. С.Н.Иванов бошлаб берган. У ўзи таржима қилаётган шоир газалларидан дастлабки ўн донасини "Звезда Востока" журнали ҳамда тўпلام саҳифаларида эълон қилади ва қардош халқлар китобхонларини бу истеъдодли шоир ижоди билан таништириш ишига муҳим ҳисса қўшади.

Ўз замонасининг ўқимишли кишиси бўлган Гадоий, фақат туркигўй адибларнинг асарларини яхши билибгина қолмай, ўз салафлари бўлмиш Рудакий, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Камол Хўжандий, айниқса Ҳофиз каби форс-тожик шоирларининг ишқий газаллари билан ҳам яхши таниш бўлган ва улар шоирнинг ижодига катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Гадоий Лутфий, Атоий, Саккокий каби замондошлари билан бир сафда туриб салафларининг дунёвий ҳаётни куйловчи энг яхши традицияларини ўзлаштириб, уларни давом эттириш ва бойитиш ишида фаол қатнашди. Гадоий ўзбек адабиёти тарихида газалнинг шаклланиши ва газал жанри тараққиётига катта ҳисса қўшди. Унинг ижодида дунёвийлик, ҳаётийлик, инсоний муҳаббатни куйлаш етакчи асосий мавзулардан бирига айланди. Шоирнинг киши қалбини сеҳрлаб мафтун этувчи, фусункор газаллар девони бу фикрга далилдор.

Гадоий лирикаси мавзуий жиҳатдан замондошлари лирикаси билан ҳамоҳанг. Унинг лирик меросининг мундарижасини ишқий мазмундаги шеърлар ва уларга боглиқ ҳолда турли ўринларда келган ижтимоий-сиёсий, фалсафий мотивларни ташувчи газаллар, байт ва мисралар ташкил этади. Бироқ Гадоий етук санъаткор сифатида ҳаётни кенг ва чуқур, ёрқин ва ранг-баранг акс эттира олди.

Гадоийнинг туркий-ўзбек тилидаги бизга маълум бўлган мероси жанрий таркиби ва миқдори қуйидагичадир:

т/р	Жанр номи	Миқдори
1	Ғазал	230
2	Мустазод	1
3	Қасида	1
4	Қитъа	5
Жами		237

Шоир Гадоий ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намояндаси сифатида забардаст ғазалнавис замондошлари Лутфий, Атоий, Саккокийлар сингари ўзбек мумтоз адабиётининг лирик жанрлари, айниқса "туркий" деб аталувчи арузнинг рамал баҳридаги дунёвий руҳдаги ғазалнинг ривожланиб, бойиб, тематик доираси ва образлар силсиласининг кенгайишига, унинг янада юқори тараққиёт босқичига ўсиб чиқишига, такомил топишига ўз қимматли ҳиссасини қўшди. Гадоий ғазаллари композицион жиҳатдан 4 байтдан 9 байтгача бўлган доирада ёзилган бўлиб, шоир шеърларининг ихчам бўлишига эътибор қилган.

Гадоийнинг халқ қўшиқлари йўлида, аруз вазнининг энг ўйноқи, таъсирчан ҳажаж баҳридаги мустазоди зўр маҳорат билан яратилган бўлиб, унинг тили ва услуби жуда рагондир.

Гадоий ушбу мустазодида ҳам дунёвий, инсоний севгини қуйлайди. Севгига садоқатли, вафодор бўлишга даввад этади. Шоир гўзал маҳбубани "шоҳи ягона"га, ошиқни эса ожиза бечорага ўхшатади.

Гадоий ўзбек қасидачилигига маълум ҳисса қўшган қасиданавис шоир ҳамдир. Унинг қасидасининг бош қисми, яъни матлаъ" ва "насиб" қисмлари тушиб қолган, жами 13 байтдан иборат, Гадоийнинг бу қасидаси замондошлари қасидасидан анча фарқ қилади. Илгари

қайд этилганидек, у ҳали тахтга ўтирмаган ёш шаҳзода, яъни Шохрухнинг набираси Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Халил Султонга бағишланган.

Гадоийнинг қитаъларида қулай шакл, ўйноқи усул, сўз ўйини ва содда халқ тилига кўпроқ аҳамият беради.

Шоир аруз вазнининг ҳажаж, рамал, мужтассе, музореъ, хафиф баҳрларида ижод қилди.

Гадоий ғазалларида Шарқ поэтикасининг фикрни рагон ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадий санъатларнинг турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи соҳаси бўлмиш илми бадеъ ҳам ўзининг чиройли ифодасини топган. Шоир илми бадеънинг мазмуннинг таъсири ва ҳаяжонлилигини оширадиган, фикрни бўрттириб, оҳангдорликни кучайтирадиган тазод, талмеҳ, ташбеҳ, таносиб, итфоқ, ҳусни таълил, ирсолул масал, тажохул-ул-ориф, лаф ва нашр, тарсе, тарди акс, тажнис, ийҳом каби қатор поетик шаклларида маҳорат билан фойдаланган.

Гадоий ўзбек адабиёти тарихида ғазалнинг шаклланиши ва ғазал жанри тараққиётига катта ҳисса қўшибгина қолмай, ўзбек адабиётида ишқий мавзунинг ишланишига ҳамда унинг етакчи мавзуга айланишига адабиётнинг равнақиға катта таъсир этди. Унинг ижодида дунёвийлик, ҳаётийлик,

инсоний муҳаббатни куйлаш етакчи, мафтун этувчи, фусункор газаллар асосий мавзулардан бирига айланди. девони шундан далолатдир.

Шоирнинг киши қалбини сеҳрлаб

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 16-том. Мажолис ун-нафоис. - Тошкент: ФАН, 2000. (Alisher Navai. MAT. 20 Volumes. 16th Volume. "Majolis un-nafis". - Tashkent: Science. 2000).
2. Аҳмадхўжаев Э. Гадоий ҳаёти ва ижоди. - Тошкент, 1978. (Akhmadhujayev E. Gadoi's life and works. - Tashkent. 1978).
3. Воҳидов Р.Ж., Эшонқулов Ҳ.Р. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Тошкент 2006. (Vokhidov R. J., Eshankulov H. R. "The History of Turkish Classical Literature". Tashkent. 2006).
4. Гадоий. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Ғаниева). - Тошкент, 1965. (Gadai. Devon. (The author and publisher S. Ganiyeva) - Tashkent, 1965).
5. Гадоий. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Аҳмадхўжаев). - Тошкент, 1973. (Gadai. Devon. (The author and editor of the edition E. Akhmadhodjayev. - 2006).
6. Гадоий девонининг лугати ва матни. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи М. Рустамов). - Тошкент, 2007. (The dictionary and text Gadai's devon. (The author and editor of the edition M. Rustamov). - Tashkent, 2007).
7. Носиров О. Ўзбек адабиётида газал. - Тошкент: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. (Nosirov O. Gazal in Uzbek Literature. - Tashkent. Publishing house named after Gafur Gulyam, 1972).
8. Муҳиддинов М. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. - Тошкент, 1990. (Muhiddinov M., Literary tradition and creative personality. Tashkent, 1990).
9. Орзобеков Р. Ўзбек шеърининг жанрлари. - Самарқанд, 1998. (Orzbekov R. The genres of Uzbek Poetry. - Samarkand, 1996).
10. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине 15 века М., ИВЛ, 1963. (Rustamov E. R. Uzbek Poetry at the beginning of XV century. M. IVL, 1963).
11. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Бешинчи том. - Тошкент, 1978. (The History of Uzbek Literature. 5 Volumes. 5th Volume. - Tashkent. 1978).

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ФРАНЦИЯДА ТАРИХИЙ РОМАН ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Дилфуза Тоирова

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали "Тиллар" кафедраси мудири
dilfuza.toirova@mail.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: D. Toirova. The formation of the historical novel as a genre in France. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 54-63



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-7>

*Келиб тушган сана 6 январь 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018.*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада учта тарихий роман жанрининг аспекти, яъни муаммолари, алоқалари ҳусусан таъсири, муаллиф роман ва қиссалар қаҳрамонлари ва сюжет линияси талқиқ этилган. Бадиий асар тарихининг муҳим специфик томонларини детально ўрганиш ушбу жанр эволюцияси тарихи шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий роман, узоқ ёки яқин ўтмиш ҳақида китобхоннинг кўнглини очиши ҳам бадиий ҳикоя сифатида, француз адабиётида кўп асрлар давомида мавжуд бўлиб, даврга қараб ўзгарди ва турли шакллarga кирди. XIX асрнинг 20-йилларида у муҳим ижтимоий вазифани бажара бошлади ва долзарб сиёсий ва фалсафий маънога эга масалаларни ҳал эта бошлади. Бу янги ҳодиса эди, олдинги давр тарихий романидан шунчалик фарқ қилардики, уни бемалол ўзига хос, даврнинг муайян шарт-шароити ва вазифалари тақозо этган жанр тарзида кўриб чиқиш мумкин. Даврнинг Альфред де Виньи, Оноре де Бальзак, Проспер Мериме ва Виктор Гюго каби йирик адиблари ушбу жанр қадрига етиб, унга ўз ижодида муносиб жой ажратишди.

1820-йиллар француз адабиёти ва ўша даврда романтизм ривожланиши сон-саноксиз мақола ва алоҳида талқиқотларда чуқур ўрганилди. Бироқ, ҳозирги кунга келиб ҳам француз романтизми тараққий этиши билан боғлиқ кўпгина асосий масалалар етарлича ўрганилмаганлигини эътироф этиш лозим. Биз ушбу адабий йўналишнинг нафақат француз, балки, шунингдек, XIX аср Европа адабиёти тараққиётида муҳим аҳамият касб этган биргина жиҳатларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик холос.

Калит сўзлар: адабиёт, бадиий, жанр, абадий, француз, мулоқот, мемуар, очерк, поэма, талқиқот, асар, тафаккур, тарихий романтизм, талқиқот, қисса, шароит, асос, тарих.

ФОРМИРОВАНИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО РОМАНА КАК ЖАНРА ВО ФРАНЦИИ

Дилфуза Тоирова

заведующая кафедрой "Языков" Самаркандский филиал Ташкентского университета информационных технологий

№3 (2018)

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается проблема взаимосвязи трёх важнейших аспектов исторического романа, а именно авторского повествования, романтического героя и сюжетной линии. Детальное изучение специфики этих важнейших аспектов художественного произведения даст возможность ответить на вопросы, связанные с историей его создания и эволюции жанра.

Исторический роман, как художественное повествование о более или менее отдалённом прошлом, существовал во французской литературе в течение многих веков, меняясь вместе с эпохами и принимая весьма различные формы. В 1820-е годы он оказался особенно актуальным: он стал выполнять важную общественную функцию и разрешал вопросы, имевшие первостепенное политическое и философское значение. Это было явление новое, настолько отличающееся от исторического романа предшествующего периода, что его можно рассматривать как особый жанр, определённый специфическими условиями и задачами времени. Ему отдали дань крупнейшие писатели эпохи - Альфред де Виньи, Бальзак, Мериме, Виктор Гюго и многие другие.

Французская литература 1820-х годов и развитие романтизма в этот период изучались много раз в бесчисленных статьях и книгах. Все же и до сих пор многие основные вопросы, связанные с развитием французского романтизма, изучены далеко недостаточно. Мы пытались рассмотреть лишь один из аспектов этого литературного движения, которое сыграло немалую роль в дальнейшем развитии не только французской, но и европейской литературы XIX века. Те несколько романов, которым посвящена настоящая работа, и до сих пор привлекают внимание нашего читателя и продолжают оказывать свое плодотворное действие на миллионные читательские массы.

Ключевые слова: литература, искусство, жанр, бесконечность, французский язык, общение, мемуары, мнения, поэма, исследования, работы, мышление, исторический романтизм, исследования, история, состояние, структура, история.

THE FORMATION OF THE HISTORICAL NOVEL AS A GENRE IN FRANCE

Dilfuza Toirova

Head of the "Languages" department Samarkand branch of Tashkent University of Information Technologies

ANNOTATION

The paper considers the problem of the relationship of the three most important aspects of the historical novel, namely the author's narrative, the romantic hero and the story line. A detailed study of the specifics of these important aspects of a work of art gives the opportunity to respond to the questions are inseparably connected with the history of its creation and development of the genre.

Historical Novel, as the artistic narrative on the more or less distant past, existed in French literature for many centuries, varying with the epochs and taking a very different forms. In the 1820s he turned out to be particularly relevant: he became an important social function and handled issues that had the greatest political and philosophical importance. This was a new phenomenon, so different from historical novel the previous period that it could be regarded as a specific genre, certain specific conditions and challenges of time. He paid tribute to the major writers of the era - Alfred de Vini, Balzac, Merimee, Victor Hugo and many others.

The French Literature of the 1820s and the development of romanticism in the period studied many times in countless articles and books. All the same, and still many fundamental issues related to the development of French romanticism, examined the far enough. We tried to consider only one aspect of this literary movement, which has played a significant role in the further development of not only French but also European literature of the 19th century. The few novels, which is devoted to this work, and still attract the attention of our readers and continue to provide its fruitful effect on millions of readers' weight.

Key Words: Literature, Art, Genre, Infinite, French, Communication, Memoir, Opinion, Poem, Research, Works, Thinking, Historical Romanticism, Research, Story, Condition, Structure, History.

Француз тарихий романи ўзгача шароитларда ривожланди, яъни Реставрация (L'âge de Restauration) бошланишиданоқ, унга шаклланишнинг машаққатли жараёнини анча енгиллаштирган ҳамда тарихий ва бадиий муаммолар доирасини аниқ белгилаб берган адабий қолип топилди. Айнан тарихий ва бадиий муаммолар доираси янги жанр асосини ташкил этиши ва тарихга бўлган қизиқишни муайян шаклга солиши лозим эди¹.

Инглиз адиби Вальтер Скотт (Walter Scott, 1771-1832)нинг романлари француз адабиёти диққат марказига 1816 йили тушди. Улар француз китобхонининг эҳтиёжини қондира оладиган, бадиий асарга бўлган талабига жавоб бера оладиган хусусиятларга эга эди. Тарихий романга қўйиладиган талаблар бир қатор француз, қолаверса хорижий тадқиқотларда таърифлаб берилганлигига қарамасдан, француз адабиётида бу жанр янгича тус олди, бошқа рангларда жилваланиб кетди, оҳанги ҳам ўзгача таралди.

Таъкидлаш лозимки, Вальтер Скотт ижоди француз адабиётида катта шовшувга сабаб бўлди, романнинг довруғи оламга ёйилди. Жанрнинг тасвирий-ифодавий имкониятлар доираси анча кенгайиб, роман жанри юқори савияга кўтарилди ва маълум даражада романтизмнинг кейинги ривожини белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди. Бадиий тафаккур, эстетик дид, энг муҳими, маънавий ва маданий қадриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгарди, шу билан бирга Шекспир ва Шиллер каби буюк ижодкорларнинг абадий мероси қайта англанди ва француз адабиётига кўтаринки руҳ бағишлади. Бироқ, эндиликда Шекспир ва Шиллернинг драмалари француз адабий аҳли томонидан муносиб баҳоланиб,

ҳақиқий тарихий маъно касб этди.

Скотт ижоди француз адабиётида шуҳрат қозонгач, унинг романлари китобхонларга фаол таъсир кўрсата бошлади. Француз китобхон тасаввурида адиб романлари ўзига хос бадиий иқдорлик, очиқчасига суҳбатлашишдек туюларди, бу эса, ўз ўрнида, теран фикрлашга, мушоҳада юритишга чорлар эди. Скотт романлари, айтиш мумкинки, кишини маҳлиё қиладиган манзара, шаффоф сувдек тиниқ образлар, жарангдор овозлар жўрлиги, барҳаёт қаҳрамонлар, гўзал тинсоллар орқали очилган янгича дунёқараш, дунёни ҳис этиш, ҳаётни қайта англаш эди. XIX аср бошида француз адабиёти "Шотландиялик сеҳргар" билан жонли мулоқотда эди, унинг романларини илиқ кутиб олиб, ҳаётини сабоқ олар эди.

Скотт романларининг илк таржималари завқу шавққа тўла танқидий мақолалар, қизғин баҳс-мунозара ва тақлидлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. 1820-йилда француз мунаққидлари ўша давр адабиётида икки романтик шоир: Байрон ва Скотт ҳукмронлик қилади, деб таъкидлашган². 1826 йили А.Пишо, Байрон ва Скоттнинг назарда тутиб: "Ҳали ҳеч қачон чет эллик шоирлар шунчалик адабий назарияларга таъсир, ёш истеъдодли ёзувчи ва шоирларимизга илҳом бахш этмаган", деб ёзади³. Скоттнинг ҳар бир янги асари бирданига бир нечта таржималарда пайдо бўлиб, турли нашрларда қайта-қайта босиб чиқариларди. 1830 йилгача Скотт асарларининг бир нечта тўплами чиқди, уларга нафақат романлар, балки поэма, танқидий ва биографик мақолалар, публицистик очерклар, тарихий ва мемуар қиссалар киритилган эди. Бордию янги француз романи чиққанида, ноширлар албатта, "Вальтер Скотт услубида ёзилган" деб маълум қилишарди. Вальтер Скотт ортидан

француз адабиётига бир тўда чет эллик тақлидгўйлари ва ўзини "Скотт рақибни" деб ҳисоблаган ёзувчилар ҳам суқилиб кириб олди. Париждаги икки ношир - Галиньяни ва Бодри - Скотт асарларини аслиятда чоп этишган, чунки ўқимишли кишиларнинг сифати паст таржималардан кўнгли тўлмагач, Скотт асарларини инглиз тилида ўқишга одатланди⁴. Скотт ижоди билан бевосита боғлиқ бўлмаган нарсалар хусусида гап кетганда ҳам, танқидчилар у ёки бу фикрини исботлаш мақсадида унинг номини тилга олишган ёки унинг асарларига ҳавола қилишган. Скоттнинг тарихни ички ҳис-туйғу орқали сезиш, тарихни тушуниш сирини, романлар "кали"ини топишга ҳаракат қилишган француз тарихчилари адибни "дунё тарихчиларининг энг буюғи", деб атадилар⁵. Драматурглар унинг романларини саҳналаштирган, расомлар унинг сюжетларига суратлар чизишган, шоирлар шеърлар, ёзувчилар эса (романга кўзи етмай) қиссалар ёзишган. Бой-бадавлат зодагонлар Шотландия тарихи, маданияти ва санъатига тегишли қадимий ёдгорликлар, осори-атиқаларни, курул-аслаҳаларнинг тўпламини йиғишган, шотланд миллий кийимларини кийиш расмий одатга кирди. Жаҳонгашта саёҳатчилар Скотт романларида тасвирланган манзараларни, қалъа ва қасрларни, денгиз соҳилларини ўз кўзи билан кўриш учун Шотландияга йўл олишди, Скотт яшаган Эбботсфорд номли қасрини зиёрат қилишга боришган⁶. Стендаль Бальзакка йўллаган мактубида Скоттни "бизнинг отамиз", деб номлаган⁷. Виктор Гюго, ўз ўрнида, Скотт тимсолида бадий ижоднинг янги шакллари кашшофини кўрган, Оноре де Бальзак Франциянинг "Вальтер Скотт руҳидаги" тарихини ёзиш таралдудига тушди, Луи де Карне эса XIX асрнинг биринчи чорагини

"Скотт билан оммавий қизиш" даври деб атади⁸. Францияда чоп этилган Скотт қаламига мансуб асарларнинг библиографияси ҳанузгача тузилмаган (тахминлар бўйича у ҳажмдор китобни ташкил этиши мумкин), "Вальтер Скотт Францияда" долзарб муаммоси очикчасига қолмоқда, бир неча умумий ва мустақил олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан, етарли даражада ўрганилмаган⁹.

Қизиқиш доирасидан қатъий назар китобхонларнинг кенг доираси, адабий оқим ёки йўналишга мансублигидан қатъий назар ёзувчи ва мунаққидларнинг аксарият қисми Скоттни ўша даврнинг буюк адиби деб эътироф этишган, инсон қўлидан келувчи мўъжиза орқали борлиқнинг янги қатламларини кашф этган, тарих ва санъатни қайтадан яратган соҳиби каромат деб ҳисоблашган. 1823 йили француз мунаққиди Анри Патен: "Шубҳасиз, Скотт романлари бугунги кунда Европада нашр қилинаётган романлардан энг яхшиси", деб ёзди¹⁰. Ж.де Петинь, Скоттни назарда тутиб: "Кимнинг асарлари сабрсизлик билан кутилади ва Европанинг илғор мамлакатлари, чуқур билимга эга зиёлилари томонидан тақдирнинг нодир тўҳфасидек қабул қилинади, кимнинг асарлари тўплами бир вақтнинг ўзида Англия, Франция ва Германияда нашр қилинади?", деб савол қўяди. Ва ўзи берган саволга: "Албатта, Скотт", деб жавоб беради¹¹. Скоттнинг бутун Европа бўйлаб ёйилиб кетган шуҳрати замондошларини ҳайратда қолдириб, узоққа борувчи хулосаларни чиқаришга имкон берарди: "Агарда шундай бир инсон топилиб, унинг юзасидан инглиз, немис, испан, француз таржимонлари баҳслашганда, демак бу инсон ўз даврининг маънавий-руҳий интилишларини аниқ тоғди, деб таъкидлаш мумкин бўларди", деб ёзди

Стендаль¹². Бу фикрга ҳамоҳанг тарзда Ламартин ҳам тўлқинланиб, ўзининг қасидасида Скоттни "давр Инсони" деб атайди, "унинг исми билан асрларни номлайди", деб хитоб қилади¹³.

Теран фалсафий-тарихий мушоҳадаларга берилувчан ушбу даврда Скотт тимсолида қандайдир бир соҳиби кароматни, башоратгўйни кўришган. 1832 йил Скотт вафотидан сўнг "Constitutionnel" журналида: "Кенг кўламда фикр юрита оладиган, ҳар хил мавзуларга мароқли ҳикоя қилиб бера оладиган, услубини турли шаклга кирита оладиган, тили жозибадор бўлган истейод ўзи яшаётган даврда мурувват кўрсатиш, эзгулик қилиш учунгина келади ва илоҳий кучга эга бўлади", дегувчи мақола чиқди.

Вальтер Скотт замонавий француз адабиётига асос солгандек туюларди: у француз шоир ва ёзувчиларни ўзгача теран ва кенгроқ фикрлаш ва ҳис этишга ўргатди. Илҳом келган пайтларида ҳам ақл-ҳуши расо бўлган Стендаль: "Майлига, мени ҳаёлпараст одам деб ҳисобласинлар, лекин назаримда, биз олдинга босган катта қадамимиз Вальтер Скоттнинг кузнинг узоқ кечалари, қадимий қасрнинг шифти баланд совуқ хоналарида, олови гувиллаб ётган камин олдида, юмшоқ креслода ўтириб ўқиладиган романларидан келувчи роҳатбахш ҳузур-ҳаловатнинг натижасидир", деб ёзган¹⁴.

"Journal des Dubats" таъкидлашича, деярли ўн йил ичида Вальтер Скотт ёзувчи, рассом ва китобхонларнинг дидини, қизиқишини ва машғулотларини мулақо ўзгартирди. Эндиликда антик дунё афсоналарига кўра кўпроқ балладалар ёқади, қадим Юнонистоннинг тилларда дoston айлаган дарёларидан Клайд ва Твид дарёлари соҳил ва водийлари кўзни қувонтиради¹⁵. "Globe" журналида Проспер Мерименинг "Жакерия"

қиссасига тақриз бераркан, ўринли савол қўйилади: "Вальтер Скоттга ташаккуримизни айтиш ҳам қарз, ҳам фарз. Биз унга гоётада миннатдор бўлишимиз керак. Танқидчилигимиз, адабиётимиз, ҳаттоки тарихимиз усиз нимага айланарди?"¹⁶. Бу даврда "Вальтер Скоттга тақлид қилиш муқаррар равишда одатга айланарди", деб ёзган Сент-Бёв¹⁷.

Дарҳақиқат, Вальтер Скотт ушбу янги қараш, янги бадиий дид, қизиқиш ва ҳис-туйғуларни ўша даврда яшаган ва ижод қилган инсоннинг эҳтиёжларини қондиргани учунгина "яратди", - тарихнинг романтизм руҳидаги фалсафаси айнан шундай тарзда адиб ижодини таърифлайди. Айнан Скотт ҳамманинг ўй-ҳаёлида, фикрида, дилида бўлганини ифодалай олди, ўзи билмаган тарзда давр талабини қондирди, орзуманд бўлиб яшаган инсоннинг ният-мақсадларини бажо келтирди, - бу фикр ўнлаб мақола, тақриз ва мактубларда янграмоқда. 1823 йил Шарль де Ремюза тарихий мушоҳада орқали "руҳ эҳтиёжлари" хусусида фикр юритаркан, "Скотт руҳ эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, балки бу ҳислатни бизларда ҳам ривожлантира олди", деб ёзади¹⁸. Эҳтимол Ремюза Стендальнинг "Скотт муваффақияти шундаки, у даврнинг маънавий-руҳий интилишларини топа олди", дегувчи фикрини давом эттиргандир¹⁹.

Реставрация даври жамиятида ижтимоий-сиёсий муаммоларга диққат-эътибор анча кучли бўлган вазиятда Вальтер Скотт ижодига қизиқиш сиёсий маънога эга бўлиши муқаррар эди. Ҳақиқатдан ҳам, француз китобхонлари унинг романларини, худди сеҳрли кўзгуда, ўзларининг тарихий тақдирларини аниқ-равшан кўришган. Бу ўша-ўша, замонавий Францияда кетаётган, бироқ ўтмишга тўнтариб

юборилган, қачонлардир бўлиб ўтган ва аллақачон ўз ижобий натижаларини берган сиёсий аҳамиятга эга эди - қачонлардир Англияда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, аини шу тобда Францияда бўлиб ўтаётганди.

Тори (ҳозирги Англияда: консерваторлар) ва виг (ҳозирги Англияда: лейбористлар)лар партияси кураши, Стюартлар сулоласининг қироллик тахтидан афдарилиши, қиролга содиқ қолган роялистларнинг республика тарафдорлари билан олиб борган тўқнашувлари, сиёсий иродасини кўрсатишга иккиланаётган ҳукумат, сиёсий майдонга чиққан ўртамиёна ва ўтакетган аксилнқилобчилар, сиёсий ва жамоат арбобларининг сафсатабозлиги, фуқаролик урушлари, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кутилмаганда кескин ўзгариши, катта машаққатлар ва қурбонликлар эвазига ижтимоий табақаларга бўлинишни йўқ қилиб ташлаш, олий табақаларни имтиёзлардан маҳрум этиш, жамиятда тенглик тамойилларини ўрнатишга бўлган ҳаракат - буларнинг ҳаммаси француз китобхониға жуда яхши таниш эди, бироқ эндиликда узоқ ва яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушунган, уларнинг сабабини айнан ўтмишда топаолган ва англаган моҳир тарихчининг теран психологик таҳлили, атрофлича шарҳи орқали намоён бўларди.

Скоттнинг романларини шу қадар чуқур идрок қилиш, мазмун-моҳиятини тушуниш бефарқ ёки мажбурий ўзлаштириш эмасди албатта. Унинг романлари ижодий жиҳатдан қайта англаб олинарди, пухта кўриб чиқиларди - бунга тарихий вазият ҳамда даврнинг гоёвий ва мафкуравий вазифалари тақозо этган. Адибнинг француз адабиётига кириб келган, ичига чуқур сингиб кетган романлари

француз китобхонининг қизиқиш доирасини, бадиий ва эстетик дидини ижобий томонга ўзгартирди, билим даражасини юқори савияга кўтарди. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу таъсирга учраган китобхонлар учун Скотт романлари билан танишиш бутун диққат-этиборни бир жойга жамлашни талаб этувчи, узоқ вақт давом этувчи мураккаб ижодий жараёнга, шу билан бирга катта ютуққа айланди, десак янглишмаган бўламиз. Объектив воқеликнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятни тушуниш, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, таълим-тарбиявий масалаларни кўриб чиқиш, бадиий ва эстетик қарашларни шакллантириш борасида Скотт романларидан кенг фойдаланган француз адабиётида янги хусусиятлар пайдо бўлгани ушбу ижодий жараённинг натижаси эди. Скотт романларини ижодий жиҳатдан идрок ва талқин қилиш жараёни француз адабиётида янги гоёвий-мафкуравий позиция, қолаверса янги санъат шаклланишига олиб келди, айнан шу позициядан туриб француз романтизм адабиётининг дурдона асарлари яратилди.

XVIII аср охири - XIX аср бошида Францияда сиёсий майдонга чиққан барча партияларнинг тарафдорлари Скотт истеъдодини, унинг серқирра ижодини қадрлаган, лекин кўкка кўтарган, ижодига тасаннолар айтган либерал танқидчилик унинг романларини теран ва ҳар томонлама талқин қилган. Ваҳоланки, Вальтер Скотт француз либералларининг ашаддий душмани, "янги" Францияни маъқулламовчи киши бўлган. "Наполеон ҳаёти" (Life of Napoleon, 1832) номи романнинг француз тилида таржимаси чиққанидан сўнг эса Скотт эгаллаган позициясига ҳеч қандай шубҳага ўрин

қолмади. Бу факт алоҳида диққатга сазовор, негаки Францияда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият хусусида салбий фикр билдирган Скоттни француз китобхони эъзозлаган, унинг асарларини орзиқиб кутган ва севиб мутолаа қилган.

Умуман олганда, роялизм тарафдорлари Скоттнинг ижодига нисбатан кўпроқ сиёсий қарашларини қўллаб-қувватлаган. Либерализм тарафдорлари эса уни даврнинг буюк ижодкори деб тан олиб, консерватив қарашларини эътиборга олмасликка ёки баҳридан ўтишга мажбур эдилар. Масалан, "Journal des Dubats" Англияга қиролининг содиқ мулозими бўлгани учун Скотт ҳақида мақтовлар ёзади²⁰, де Левис эса унинг романларида тумтароқли сафсата билан эмас, балки ёрқин образларда ифода этилган "тартибга бўлган меҳр, қонунларга бўйсунуш, тақдирнинг иродасига итоаткорликни" топади²¹. Турли фикрлар билдирилаётган бир пайтда, "Journal des Dubats"да бир-бири билан баҳслашаётган мунаққид ва ёзувчиларни муросага келтирувчи мақола чиқади. Англияда ҳукмрон бўлган тузумни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан танқид қилишида ҳам, қўллаб-қувватлашида ҳам меъёр сақлагани учун, ўқувчини йўлдан оздиришга эмас, балки руҳини кўтармоқчи бўлгани учун Вальтер Скоттга ҳамду-санолар айтarkan: "Ўз мамлакатининг қонунларига бўйсунган Скотт, ўзбошимчалик ва қўзғолончилик ҳаракатининг аёвсиз душмани бўлган; ўйламасдан ногўғри қадам босганлар бошига таъна-маломат тошини ёғдиради, Англия ҳукуматини ҳалокат ёқасига олиб келган янглиш гоғларни ҳам, ҳокимият тепасидан ағдариб ташлаган хиёнатларни ҳам холисона қоралайди"²². Шу орада Стендаль, Вальтер Скотт шахсини ва унинг

ижодини теран баҳолаш мақсадида, ундан "физиологик жисм" (одам)ни ажратиб нафратланади, аммо Ижодкорни кўриб, унга тасаннолар айтади²³. Амедий Пишо, ўз ўрнида, Скотт тимсолида "феодал анъаналарнинг солномачиси"ни кўраркан, консерватив қарашлари учун уни айбламайди, аксинча, унда "мудраб ётган хушфеъл ва сахий Ҳомер"ни кўради²⁴.

Албатта, Францияда кураш олиб борган сиёсий партиялар Скотт қаҳрамонларига ҳар хил муносабатда бўлган. Муроса йўлини тополмаган адабий гуруҳлар Скотт шахси ва ижодида бир-биридан кескин фарқ қиладиган хислат ва хусусиятларни кўришган. Скотт ижоди француз жамиятининг мафкуравий ва эстетик жиҳатдан табақаланишини белгилаб берган адабий йўналишларга катта таъсир кўрсатди. Таъбир жоиз бўлса, Скотт худди моҳир наққошдек француз адабиётини безаб берди, унинг ижоди гўё қуёш нурларидек француз адабиётини ёритиб турарди²⁵.

Таъкидлаш жоизки, Скотт ижодининг таъсири битта жанр билан чегараланиб қолмади: у яратган тарихий роман эстетик ва фалсафий фикрнинг асосларини қайтадан кўриб чиқарди. "Вальтер Скоттда биз замонавий проза ва поэзиянинг жамики хусусиятларини топишимиз мумкин. У барча жанрларни: роман, тарих, эпопея, трагедия, комедияни янгилади ёки ўзгартирди", деб ёзади француз мунаққиди М.Арто²⁶.

Аслида, ҳаммаси шундай эди: Скотт ижоди барча жанрлар шаклланишига, кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. XIX аср биринчи чорагида бу вазият яққол намоён бўлди.

Тез ўзгариб турувчи ижтимоий-сиёсий шароитларда фалсафий-тарихий қарашлар ривожига ҳамда вужудга келган янги гоғвий ва мафкуравий вазифалар

билан бирга Скотт романларини идрок қилиш, тушуниш нуқтаи назарлар ҳам тубдан ўзгарди. Улар нафақат романнавислар учун қолип-андаза, балки назарийгчилар учун ўз эстетик қарашларини ифода этиш учун таянч вазифасини ҳам ўтаган. Тарихий романни Вальтер Скотт билан алоқасиз тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Вальтер Скотт ижодининг таъсири қанчалик катта бўлмасин, у француз миллий адабиётининг ўзига хослигига путур етказмасди, уни бугунлай босиб олмасди, аксинча, унинг равнақ топишига ва ўзига хослигини намоён қилишига хизмат қиларди. Скотт романлари француз китобхон онгига, бадий идрокига чуқурлашиб борган сари, уларга жавобан билдирилган фикр, муносабат мустақил, унинг таъсирида вужудга келаётган ижод ўзига хос услубга эга бўлиб бораверарди.

Бошиданоқ бу таъсир Скотт билан рақобатлашиш ва у билан курашишга айланиб кетди. Тарихий мавзуга эътибор қаратган ҳар бир романнавис Скоттни устоз, ўзини эса шогирд деб ҳисоблаган, шу билан бирга унинг "тўғрилашга", яъни материал, бадий усул ёки янги, Скотт ишлов беришга улгурмаган тарихий мавзу билан тўлдиришга ҳаракат қиларди. Аммо, биринчи навбатда бу Франция тарихи, аниқроғи француз тарихий романи учун олиб борилган кураш эди.

Вальтер Скотт ўз романларига ёрқин ифодаланган миллий материални олиб кирди. Бу Шотландия тарихи, шонли ўтмишдан қолган тарихий ёдгорликлар, обидалар, қолаверса, мағур ва букилмас миллий характер, шотландларнинг ватанпарварлик руҳи эди. Ушбу романларни ўқиб, французлар ўзлари ҳақида, ўз тарихи, миллий урф-одатлари ва қадим афсоналари ҳақида ўйлагани табиий. Скотт романларидан завқ олиб, улар

романларда тасвирланган бегона ўтмишга ўзларининг ўтмишини қарши қўярдилар. Шотландия шухратига шухрат қўйиш йўлида Скотт қилганини Франция учун қилиш нафақат Скотт аънаналарини давом эттириш, балки уларни енгиб ўтишни ҳам англалар эди.

Ўша пайтлари романтизм руҳида ижод қилган, қолаверса, ижодга эндигина қадам ташлаган шоир ва ёзувчиларга ҳақиқат деярли тарихга тенг эди. Маърифатчилик даврида шаклланган бадий тафаккур, маърифатпарварлик ғоялар ва ақл-идрокнинг метафизикага, яъни борлиқнинг ибтидоси ўзгармас, азалий ва абадий деб қаровчи, ҳаётий ҳодисаларни эса бир-бирдан узилган ва статик (тургун) ҳолатда тадқиқ этувчи фалсафий таълимотга йўғрилган ҳақиқат, барча замон ва халқлар учун ягона ҳақиқат абадулабаб ўзгарувчан, доимий ҳаракатдаги, қолаверса, адолат ва маънавий камолот идеалларига собитқадамлик билан талпинадиган тарихий тараққиёт ҳақиқати билан алмаштирилди. Тарих - бу ҳақиқатнинг ўзи, чунки ҳақиқат кечаги ёки бугунги кунда эмас, у - башариятнинг объектив қонуниятларга асосланган тараққиётида мужассам этган келажакда ётибди. Синчков нигоҳ ташлаганда, келажакни ўтмишда очиқ-ойдин кўриш, аниқлаш мумкин, инсониятнинг бирлиги, "айнан ўхшашлиги" тарих билан амалда исботланади. Дунё юзидаги халқларни келажакка чорловчи сиру-синаотлар ўтмишда яширинган, уларни топиб олиш қолади, холос. XVIII аср охирида - XIX аср бошларида ижод қилган адиблар, дунёга теран назар ташлаган файласуфлар, инсоният босиб ўтган йўлни тадқиқ қилишга интилаётган тарихчилар юқоридаги фикрни тўлиқ англаган ҳолда, ўзларининг аниқ, икки ёқлама тушунишга йўл қўйувчи таърифларида фалсафий-тарихий

асарларида ифодалашга ҳаракат қилар эдилар.

Хулоса қилсак Француз адабиётида француз адабий муҳити тараққиётига кескин таъсир қилган инқилоб билан боғлиқ дунёқараш Ж.Санд, В.Гюголарнинг ижодий услубини белгилаб берди. Францияда XVIII аср охирида юзага келган биринчи француз буржуа революцияси шу даврдаги адабий жараёнга ҳам таъсир қилиб,

романтизм йўналишидаги бир қатор асарларнинг яратилишига замин ҳозирлади. Бу революция Европанинг бир қанча мамлакатлари қатори Франция адабий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Француз романтик ёзувчилари ўз ижоди билан француз адабиётини тараққиётнинг янги поғонасига кўтардилар ва даврнинг энг муҳим ҳамда оғриқли масалаларини ёритиб бердилар.

Адабиётлар:

1. F.Guizot. Cours d'histoire moderne. Histoire de la civilization en France, t. IV, 1830, стр. 29-31. (F.Guizot. Course in modern history. History of civilization in France, t. IV, 1830, pp. 29-31.)
2. G.L.Lesur. Annuaire historique et politique pour, 1820. - P. 811. (G.L.Lesur. Historical and Political Yearbook, 1820. - P. 811.)
3. Amédée Pichot. Voyage historique et littéén Angleterre et en Écosse, t. II, 1826, P.58. (Amédée Pichot. Historical and literary trip England and Scotland, t. II, 1826. - P.58.)
4. Јаранг: E. Partridge. The French Romantics Knowledge of English literature (1820-1848), 1924.
5. (See: E. Partridge. The French Romantics Knowledge of English literature (1820-1848), 1924.)
6. Јаранг: "Revue Encyclopédique", 1823, t. 17, p. 235. (See: "Encyclopedic Review", 1823, vol. 17, p. 235.)
7. Margaret Pain. Les voyageurs français en Écosse, 1770-1830, et leurs curiosités intellectuelles, 1931. (Margaret Pain. French travelers in Scotland, 1770-1830, and their intellectual curiosities, 1931.)
8. Paul Arbelet. La veritable letter de Stendhal à Balzac. – "Revue d'histoire littéraire de la France", 1917, p.550. (Paul Arbelet. The real letter from Stendhal to Balzac. – "Journal of the literary history of France", 1917, p.550.)
9. Louis de Carné. "Un drame sous la terre. Guisriff", 1858, p. 9. (Louis de Carné. "A drama under terror. Guisriff, 1858, p. 9.)
10. L.Maigrón. Le roman historique à l'époque romantique. Essai sur l'influence de Walter Scott, 1898; R.W.Hartland. Walter Scott et le roman frénétique, 1929; E.P.Dargan. Scott and the French romantics. - "Publications of Modern Language Association of America", 1934, № 2; F.Baldensperger. Une communion romantique de 1827: sous le signe de Walter Scott. – "Revue de littérature comparée", 1927; M.G.Devonshire. The English novel in France, 1929, p. 122-148. (L.Maigrón. The historical novel at the romantic time. Test on the Influence of Walter Scott, 1898; R.W.Hartland. Walter Scott and the Frenzier Novel, 1929; E.P.Dargan. Scott and the French romantics. - "Publications of Modern Language Association of America", 1934, No. 2; F.Baldensperger. A romantic communion of 1827: under the sign of Walter Scott. - "Comparative Literature Review", 1927; M.G.Devonshire. The English novel in France, 1929, pp. 122-148.)
11. J. de Pétigny. Annales de la literature et des arts, 1820-1821. Јаранг: L.Maigrón. Le roman historique à l'époque romantique. Essai sur l'influence de Walter Scott, 1898, p. 107. (J. de Pétigny. Annals of Literature and Arts, 1820-1821. See: L.Maigrón. The historical novel at the romantic time. Test on the Influence of Walter Scott, 1898, p. 107)
12. Стендаль. Собр. соч., т. IX, 1938, стр. 54. (Stendhal. Coll. op., Vol. IX, 1938, p. 54.)
13. "Réponse aux adieux de Sir Walter Scott à ses lecteurs"// "Recueils poétiques". – Oeuvres completes, IV, 1849, p. 180.

14. Стендаль. Заметки дилетанта (1824). – Собр.соч., т. X, 1936, стр. 561.
(Stendhal. Notes an amateur (1824). - Collected Works, Vol. X, 1936, p. 561.)
15. A.Pernot. “Vues pittoresques de l’Ecosse”. – “Journal des Débats”, 1828.
(A.Pernot. "Scenic views of Scotland." – "Journal of Debates", 1828.)
16. “Globe”, 1828 йил 28 июн, 5-бет.
(“Globe”, June 28, 1828. – P. 5.)
17. Spoelberch de Lovenjoul. Sainte-Beuve inconnu, 1901. – P. 173-174.
(Spoelberch de Lovenjoul. Sainte-Beuve unknown, 1901. – PP. 173-174.)
18. “Souvenirs du baron de Barante”, т. III. – P. 106.
(“Memories of Baron Barante”, v. III. – P. 106.)
19. Стендаль. Собр.соч., т. IX, 1938, стр. 54.
(Stendal. Selected works, v. IX, 1938. – P. 54.)
20. “Journal des Débats”, 1822 йил 16 ноябр.
(“Journal of Debates”, 1822, november 16.)
21. M.L.D.L.La Conspiration de mil huit cent vingt et un, ou les Jumeaux de Chevreuse, II éd., т. I, 1829, стр. IV.
(M.L.D.L.L. The Conspiracy of eighteen hundred and twenty-one, or the Twins of Chevreuse, II ed., V. I, 1829, p. IV.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ГАДОИЙ ҚАСИДАСИ ВА УНИНГ МАМДУҲИ ТЎҒРИСИДА

Машхура Хасанова

Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқотчиси. ikaroy84@mail.ru.

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: M. Khasanova. Gadoi's qasida and its devotion. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 64-68



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-8>

Келиб тушган сана 11 августь, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Адабиёт тарихида XV аср шундай бир давр эдики, ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошларини қўйган ижодкорлар етишиб чиқди ва улар томонидан энг салмоқли ва гўзал адабиёт намуналари яратилди. Шундай ижодкорлардан бири Мавлоно Гадоийдир. Гадоийнинг бизгача биргина қасидаси етиб келган бўлиб, унинг мамдуҳи Султон Халилуллоҳдир. Қасиданинг мамдуҳи бир неча йиллар давомида баҳсгалаб бўлиб келган. Адабиётшунос олим Э.Рустамов қасидани Халил султон ибн Мироншоҳга бағишланган деб ҳисобласа, таниқли олима С.Фаниева эса Шохрух султоннинг қизи томонидан набираси Султон Халилга бағишланган деб таъкидлайди.

М.Хасанованинг ушбу мақоласида Гадоий қасидасининг ана шу баҳсгалаб мамдуҳи масаласи кўтарилган бўлиб, унда "Маглаи саъдайн..."нинг янги наشري билан танишиб чиққан муаллиф нашрда 7 нафар Халил исмли шахслар зикр этилганлигини, шоир қасидаси Халил султон ибн Мироншоҳга ҳам, Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгирга ҳам эмас, Султон Халил ибн Абусаидга (шоир мамдуҳни "Султон Халилуллоҳ" шаклида келтирган) бағишланганлигини илмий асослаб берган.

Мақола муаллифи бунга "Маглаи саъдайн..."да шахзоданинг "мақбул хислатли, яхши ахлоқли фарзанд, подшоҳлик тожининг гавҳари, шаън-шавкат узугининг кўзи" каби сифатлар билан мақталганлигини ва Абусаид Мирзо вафот этган вақтда Хуросонни унинг ўели Султон Халилуллоҳ бошқариб турганлигини асос қилиб кўрсатади.

Калиг сўзлар: қасида, мамдуҳ, Озарбайжон воқеаси, 30 ёш, Абулқосим Бобур, Халил исмли шахслар, Абусаид ибн Султон Халил.

GADOI'S QASIDA AND ITS DEVOTION

Mashkhura Khasanova

Scientific researcher of Samarkand State University

ANNOTATION

XV century was a special period of appearing Uzbek classic writers in Uzbek literature who wrote a great composition and helped develop it. Among such kind of writers was Mavlon Gadoi but his only one creation was reached to us. It devoted to Sul-ton Khalilulloh. Devotion of this Qasida was discussed during many years by scientist.

№3 (2018)

Scientist of literature E.Rustamov thinks it was devoted to Mironshoh and Khalil sulton but well-known scientist S.Ganieva thinks it was devoted to Shohruh's grandson Khalil (he was Shohruh's daughter's son).

M. Khasanova writes about devotion of this Qasida in her article. She researches new editions of "Matla Sadain..." and she found scientifically that Qasida was devoted to 7 people who were called Khalil. But they are not Khalil sulton ibn Mironshoh and Khalil sulton ibn Mukhammad Jakhongir. It was devoted to Sulton Khalil ibn Abusaid.

Author writers that Sulton Khalil ibn Abusaid was well-behaved he had all human qualities. He was bestowed like a pearl of the Crown. When Abusaid Mirzo died his son Sulton Khalilulloh ruled Khurasan.

Key words: ode, memduh, Azerbaijan event, 30 years, Kasim Babur, the persons named Khalil, Sayid bin Sultan Khalil.

КАСИДЫ ГАДОИ И О ЕГО "МАМДУХИ"

Машхура Хасанова

Научный соискатель Самаркандского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В истории классической литературы 15 век был веком появления новых писателей. Из этих писателей нам известен только Мавляна Гадаи. Его единственное произведение "мамдух" дошло до нас, это посвящение Султану Халиллуллоху. Посвящение обсуждалось много лет учеными. Литературовед Э.Рустамова считает, что она посвящена Мираншаху ибн Халил Султану. А известный ученый С.Ганиева считает, что она посвящена Халил Султану внуку Шахрух Султана (внук со стороны дочки).

М.Хасанова раскрывает проблемы посвящения касыды в своей статье. Она, изучая новые издания "Matla sadai..." сделала вывод, что касыда посвящена 7 личностям по имени Халил. Это не Халил султан ибн Мираншах и не Халил султан ибн Мухаммад Жахангир. Касыда посвящена Халил султану ибн Абусаиду. Автор утверждает, что Халил ибн Абусаид был очень хорошо воспитанным человеком со всеми человеческими качествами. И его восхваляли как жемчужину короны того времени. После смерти Абусаида Мирзо, его сын Султан Халиллуллах стал управлять Хураном.

Ключевые слова: ода, мемдух, Азербайджан событий, 30 лет, Касим Бабур, указанных Халил, Султан Халил ибн Саид.

Адабиёт ва санъат тарихида шундай даврлар бўладики, уйқуда ётган замонни уйғотувчи бир эмас, бир гуруҳ намояндалар етишиб чиқади. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида XV аср ҳам шундай бир давр эдики, унда мумтоз адабиётнинг тамал тошларини қўйган ижодкорлар етишиб чиқди ва улар томонидан энг салмоқли ва ўзал адабиёт намуналари яратилди. Шундай ижодкорлардан бири Мавлоно Гадоийдир. Гадоий Алишер Навоийнинг "Маҷолис ун-нафоис", "Муҳокамат ул-луғатайн" каби асарларида тилга олинган. Гадоийнинг бизгача биргина тўлиқсиз 13 байтли анча баҳсталаб қасидаси етиб келган. У таниқли адабиётшунос олимлар Э.Рустамов ва

С.Ғаниевалар томонидан тадқиқ этилган [1, 36-41; 2, 53-56].

Ушбу баҳс манбаи қасиданинг мамдуҳи - Султон Халиллуллоҳ бўлиб, баҳс қайси Халил эканлиги устида борган. Адабиётшунос олим Э.Рустамов қасида Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Халил султонга бағишланган, "Қасида ёзилган вақтда шоир (Гадоий - таъкид бизники) йигирма ёшлардан ошган, Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган даврда (1452-1457 йилларда) 97 ёшларга кирган бўлса керак" [1, 39], - деб фарз қилади.

Бунга эътироз билдирган таниқли олима С.Ғаниева, ҳақли равишда, "Навоий шоир Гадоий Абулқосим Бобур даврида 90 ёшдан ошган эди, деб

гувоҳлик бермайди. У "Бобур замонида шеъри шуҳрат тутди" дейди. Бу қайддан кейин шоир шеъриятидан намуна келтиради ва "Мавлононинг ёши тўқсондин ўтубдур", дер экан Гадоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ёзилган пайтдаги ёшини кўзда тутди" [2,56], - дейди ва олима қасидани Шоҳрухнинг қизи томонидан набираси, Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирнинг биринчи ўғли Муҳаммад султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг тўнғич ўғли Халил султонга бағишланган деб ҳисоблайди.

Шу ўринда, олиманинг хулосалари асосли эканлигини таъкидлаш жоиз. Аммо устоз С.Фаниева бир жиҳатни, Халил султон ибн Мироншоҳнинг Самарқанд тахтига ўтирганлиги тўғрисидаги маълумотни рад этади ва буни ушбу воқеа тарихий асарларда қайд этилмаганлиги билан изоҳлайди. Чинданам, олима тилга олган "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида Халил султоннинг Самарқанд тахтига чиққанлиги зикри аниқ берилмаган. Аммо бир неча ўринда Халил султоннинг Самарқанддан чиққанлиги [3, 83] ёки Самарқандга қайтганлиги [3,86], лашкарга кўп тортиқ берганлиги (Ҳаттоки, "Зубда"да узоқ йиллар дунё мамлакатларининг хазиналаридан аста-аста тўпланиб келган ва Самарқанд аркининг хазинасига жойланган, бутун дунё муҳосиблари йиғилишиб ҳисоблаганда ҳам унинг тагига етолмайдиган хазинадан ному нанг ва дуои хайрдан бўлак ҳеч нарса қолдирмади, дейилади [3, 377-378]); Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир учун хазинадан ажратилган маблағни бермай қўйганлиги [3,82] каби зикрлар келтирилган. Бизнингча, шаҳзода Самарқанд тахтини ўзбошимчалик билан эгаллаганлиги боис, муаллиф унинг бевосита тахтга ўтирганлиги ҳақидаги маълумотни келтиришни жоиз топмаган кўринади.

Устоз С.Фаниеванинг хулосасига, Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли, яъни, Шоҳрухнинг қизи томонидан набираси Халил султон масаласига келсак, бу ҳақда юқорида эслатилган манбадан айнан келтирамыз: "Мирзо Абу-л-Қосим Бобур Ироқ юришидан қайтаётган вақтида (856 ҳижрий, 1452 милодий йилда - таъкид бизники - Ҳ.М.) мирзо Халил султонга меҳрибонлик ва иноят кўрсатиб, Язд вилоятини суурғол тарзида унга топширган эди□ ана шундай бўлиб турган бир вақтда бир гуруҳ муфсидлар Халил султон ҳаёлида мирзо Абу-л-Қосим Бобурга қарши душманлик фикрини қўзғатдилар ва у ёвуз ниятли жамоат (Абу-л-Қосим Бобурнинг) доимий ичадиган кунларида, эртаю кеч ичкилик ичиш билан бўлиб, баъзан эса уйга хилватга чекиниб, нима қилсалар ҳам иложи бўладиган вақтлардан бирида фурсат топиб, унинг чорасини кўришга бир-бирлари билан бир оғиздан иттифоқ туздилар. Аммо ўша гаддорлардан бири бу ҳақда амирларга хабар бериб, амирлар эса шоҳнинг ёрқин диққатига арз қилдилар-да, тафтиш-текшириш ишларига киришдилар..." [4,344], - дейилади. Шундан сўнг фитначилар ва бу фитнага "бош қўшган" Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгир 1453 йилда ўлдирилган.

Улима таъкидлаганидек, "Гадоий ўзининг ҳомийси Абулқосим Бобур Мирзо ҳаёт эканида, унинг салтанати ва тахти тақдири ҳақида бош қотириб юрган..." [2,55] ва унга шаҳзода Халил султонни муносиб кўрган бўлиши мантиққа зиддир. Шоир қандай қилиб, ҳали ҳаёт бўлган, 30 ёшлар атрофидаги навқирон ҳомийси Абулқосим Бобур тахтига бошқа бир шаҳзоданинг келиши тўғрисида ўйлаши ва унга атаб қасида ёзиши мумкин?

Унда бу қасида кимга бағишланган, деган ҳақли савол туғилади. Биз ушбу талқиқот учун "Матлаи саъдайн"нинг янги наشري билан танишиб чиқдик. Унда Халил султон ибн Мироншоҳ Мирзо, Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгир, мирзо Халил ибн Солиҳ, Халилуллоҳ Дарбандий, Халилуллоҳ Шервоний каби 7 нафар Халил исмли шахслар зикр этилган. Шулардан иккитаси: Султон Халил ибн амир Хасанбек, Султон Халил ибн Абусаъид - "Султон Халил" шаклида, қолганлари эса акс шаклда келтирилган.

Биз ушбу қасида Абусаъиднинг ўғли Султон Халилга бағишланган бўлиши мумкин деган фикрдамиз. Бунга икки асос келтириш мумкин: Биринчидан, мирзо ҳақида "Матлаи саъдайн"да анчагина илиқ фикрлар келтирилган: "Мирзо султон Абу Саъид Марв ноҳиятига қишлов учун жўнаган вақтида (ҳижрий 871 йилнинг 18 рабеъ ас-соний, милодий 1467 йил 17 ноябр - таъкид бизники - Ҳ.М.), - бу ердан у Ироқ томон юрган эди, - мақбул хислатли, яхши ахлоқли фарзанди, подшоҳлик тожининг гавҳари, шаън-шавкат узугининг кўзи бўлмиш мирзо Султон Халилни Ҳиротда қойим мақом қилиб қолдириб, - шаҳзоданинг отакаси бўлган амир Беназирни унинг ҳузурига тайин қилган эди. Шаҳзода Ҳиротда бир қанча вақт, - токи Озарбайжон воқеаси содир бўлгунга қадар (отаси Абусаъиднинг вафоти - таъкид бизники - Ҳ.М.), - фармон юргизиб турди. Мирзо султон Ҳусайн Хуросон вилоятини олганидан кейин Мирзо султон Халил аҳволига иноят назарини йўналтириб, уни подшоҳлик ҳашамати билан Мовароуннаҳр томон жўнатди" [4, 577, 640].

Иккинчидан, қасидада мамдуҳ Халил султон эмас, Султон Халил шаклида келтирилган.

Демак, ушбу манбада фазилатлари зикр этилган шаҳзода Султон Халил бошқа халилларга қараганда, мадҳ этилишга лойиқ бўлган. Абусаъид мирзонинг вафотидан кейин "ким шох бўлади?" деган савол пайдо бўлганлиги табиийдир. Гадоий эса Хуросонни шу вақтда бошқариб турган шаҳзода Султон Халилни подшоҳ сифатида кўришни истаган бўлиши мумкин.

Ёзилганлардан хулоса қилсак, қасида Халил султон ибн Мироншоҳга ҳам, Халил султон ибн Муҳаммад Жаҳонгирга ҳам эмас, Султон Халил ибн Абусаъидга бағишланган.

Шоир Гадоий қасидаси қуйидагича:

*Замоне субҳидам андиша бирла ҳамнишин бўлдум
Ки, муддатлар анигла бўлмиш эрдим*

ҳар қаён ҳамроҳ.

*Дедимким, билса бўлмас дунёнинг ишини бағдал явм,
Агар топса заволе бу камоли салтанат ногоҳ.
Кима қолгай бу мунча гирудору мансаби олий,
Ким ўлгай қобил уш муқнатгао ким бўлгусидур шох?
Лисон ул-ғайбтин келди қулоғимга хитобеким,
Шаҳаншаҳзодаларнинг сарвари Султон Халилуллоҳ.
Атобахшиким анинг ройи фаёзидин олурлар
Бу кун ҳаққо ривожу файз бахру кону меҳру моҳ.
Асоси базмини кўргач хирад ҳайрон бўлуб айтур:
Зиҳи ишрат, зиҳи ҳашмат, ажойиб фар, ажойиб жоҳ!
Масофу разм ичинда ҳам музаффар бўлгуси лобад,
Абадга дегру чун эрур азил лутфи анга ҳамроҳ.
Анингдек шох пайдо бўлмади Изз боргоҳинда,
Қазо фарроши алҳақ тиксали бу хаймау хиргоҳ.
Рафиъул қадр султонеким, онинг остониға
Тиланчitek куёш ҳар субҳидам борурки, "шайлиллоҳ".
Шаҳо, даври қамарда халқи оламнинг умидсан,
Мунистетек чун жоҳонда зикри хайринг тушти*

*дар афвоҳ,
Санга хатм ўлгусидур салтанат, мардона бў,
айш эт,*

*Амал илيني ҳиммат этакиндин қилмағил кутоҳ.
Гадо айтур дуо, сидқ бирла мустажоб ўлсуи,
Ким эрур жумла зарроти жоҳонга бу дуо диллоҳ
Ки, бу шаҳзоданинг кўнгидаги матлубини бергин,
Баҳаққи Мустафоу олиу авлоди, ё Оллоҳ.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рустамов Э., Галойиннинг бир қасидаси ва "Мажолис ун-нафоис"нинг ёзилиш тарихи, // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1967 йил, 2-сон.
(Rustamov E., Gadoi's qasida and the history of the "Majolis un-nafois", // Journal of the Uzbek language and literature, 1967, № 2.)
2. Ғаниева С. Яна Галойиннинг қасидаси ва "Мажолис ун-нафоис"нинг ёзилиши тарихи тўғрисида, // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1972 йил, 5-сон.
(Ghanieva S. The story of Gadoi's qasida and the history of the writing of "Majolis un-nafois", // Journal of the Uzbek language and literature, 1972, 5th edition.)
3. Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. - Т., Фан, 1969 йил.
(Abdurazzak Samarkandiy, Matlai Sa'Dayn and Majmai Bahrayn. - T., Science, 1969.)
4. Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, II жилд, 2-қисм. - Т., "Ўзбекистон", 2008 йил.
(Abdurazzak Samarkandiy, Matlai Sa'dein and Majmai Bahrain, Volumes II, Part 2. - T., "Uzbekistan", 2008.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

УОЛТ УИТМЕН ШЕЪРИЯТИ

Умида Элова

Жиззах политехника институти, Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси, elovaumida@mail.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: U. Elova. Walt Whitman's poetry. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 69-81



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-9>

Келиб тушган сана 17 август, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Мақолада америкалик машхур шоир Уолт Уитмен шеърияти хусусида сўз юритилади. Уитмен шеърияти содда, йўқсиллар руҳиятига йўғрилган, меҳнаткаш оммага биродарона муҳаббат туйғусига тўлиб тошган бўлиб, илдизлари америка фольклорига таянади. Шоир сифатида Уитмен "Бостон мактаби"нинг тўғридан-тўғри акси ҳисобланади. Салон шоирлари ва уларнинг "қофиябозлиги"га қарата нафрат билан тўлиб тошган Уитмен халқ оғзаки ижоди ва юморидан таянч топади. Унинг оқ шеър қолипида ёзилган шеърлари "бостонликлар"нинг сайқалланган мисраларига нафрат туйғусида пайдо бўлгани кўзга ташланиб туради.

Калит сўзлар: шоир-демократ, бостон мактаби, оқ шеър, ижтимоий танқидчилик, фольклор, афсона, фалсафий фикр ва ҳ.

ПОЭЗИЯ УОЛТА УИТМАНА

Умида Элова

Джизакский политехнический институт, преподаватель кафедры Иностранных языков

ANNOTATION

В данной статье охарактеризовано поэтическое мастерство американского поэта-демократа Уолта Уитмена. Поэзия Уитмена, пронизанная плебейским духом, полная братской любви к труженникам, своими корнями уходит в американский фольклор. Как поэт Уитмен прямой антипод "бостонской школы". Полный глубочайшего презрения к салонным поэтам-шаркунам и американскому юмору. Его белый стих, очевидно, своей формой был обязан отвращению к приглаженным стихам "бостонцев".

Ключевые слова: поэт-демократ, бостонская школа, белый стих, социальный критицизм, фольклор, легенда, философская мысль, и т.д.

WALT WHITMAN'S POETRY

Umida Elova

Jizzakh Polytechnic Institute, Teacher of Foreign Languages Department

ANNOTATION

This article describes the poetic skill of the American poet-democrat Walt Whitman. The poetry of Whitman, imbued with a plebeian spirit, full of fraternal love for the workers, its roots goes to American folklore. As a poet, Whitman is the direct antipode of the "Boston school." He was full of deepest contempt for salon poets and American humor. His white verse, evidently, was due to his form of aversion to the "Boston" verses.

Key words: poet-democrat, Boston school, white verse, social criticism, folklore, legend, philosophical thought, etc.

Америкалик таниқли шоир-демократ ва публицист Уолт Уитмен [Walt (Walter) Whitman, 1819-1892] АҚШда биринчилардан бўлиб адабиётда реализмни ҳимоя қилиб чиқди. У ҳозирда Нью-Йоркнинг бир қисмига айланган Лонг-Айлен оролидаги қишлоқ фермери оиласида дунёга келади. Кейинчалик уларнинг оиласи Нью-Йорк яқинидаги даҳа - Бруклинга кўчиб ўтади. Ўрта мактабни тамомлашга имконияти бўлмаган ўсириин Уолт тирикчилик учун пул топишга мажбур эди. У босмаҳонада дастлаб югурдак, сўнгра шогирд бўлиб хизмат қилади.

Американинг бўлгуси буюк шоири худди француз Беранже каби мустақил савод чиқаради. У юксак билим ва назмий даҳоликка мустақил таълим олиш орқали эришади. Томас Пейн ёшлигида унинг энг сеvimли шоири эди. Унинг бу хурмати ва муҳаббати бир умр Уитменни тарк этмайди ва у янги ижтимоий шарт-шароитда ўз устозининг ишларини, меҳнаткаш халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Маълум муддат ўқитувчилик қилган Уитмен, 40-йилларда журналистикада қалам тебратиб, "Бруклин" газеталари билан ҳамкорлик қилади. 1940 йилда у "Бруклин дейли игл" номли йирик демократик газетага муҳаррир бўлади. Унинг бу лавозимда ишлаган даври 1846-1848 йиллардаги Мексика урушига тўғри келган эди.

№3 (2018)

Уруш айнаи қизгин паллада Уитмен ўз асарлари ва публицистик мақолалари билан бу босқинчилик урушига қарши чиқади. 1847 йилнинг март ойида эълон қилинган мақолаларининг бирини ёш муҳаррир "Бу бемаъни урушни тўхтатмоқ керак" сўзлари билан якунлаган эди. Мексика ерларини босиб олиш АҚШ қулдорлик штатларини кенгайтириш дегани эди. Шоир айнан шу ҳаракатга кескин қарши чиқиб 1847 йил ўзининг "Америка ишчилари қулликка қарши" номли памфлет мақоласини эълон қилади.

- Америкада қулликни ким ҳоҳлайди? - тарзидаги демократик руҳдаги саволга муаллифнинг ўзи Жанубнинг бир тўда плантаторлари қулликни бутун Америкага тарқатиш ҳақида "юзсизларча талаб" қўйишаётганлигини, бу эса "Шимолий Штатлар меҳнаткашлари, фермерлари, ишчилари, - бир сўз билан айтганда, республика аҳолисининг ўндан тўққизининг манфаатларига зиддир", деб жавоб беради.

Мақола сўнггида Уитмен Америкадаги Фуқаролар урушини башорат қилади: "Бостириб келаётган тўфоннинг шовқини қулоққа чалинмоқда, ва бир тўда сўқир кишилар уни тўхтатмоқчи бўлишсада барибир, тўфон уларни ўз газаби билан ямламай ютиб юборади".

Қулликка қарши мардларча чиқишлари учун жасур муҳаррир тезда вазифасидан бўшатилади. Энди у Бруклин ёки Нью-Йорк газеталарида ишлашни ўйлаб ўтирмаса ҳам бўларди. Натижада Уитмен узоқ Жануб ичкарисига, Янги Орлеанга кўчиб кетишга қарор қилади. Бу ерда у қулликнинг дахшатларини шахсан кузатади, қул бозорини кўради. У ерда уч ой ҳам яшамасдан ёш журналист бу ерни ҳам тарк этади, аммо энди унинг қалбида янги худудларни плантаторларга мутлақо бериб бўлмастик тўғрисидаги ишонч мавжуд эди.

1848 йил Бруклинга қайтган Уитмен бир оз муддат "Озод инсон" газетаси таҳририятида ишлайди, унинг саҳифалари орқали қулдорлар ва уларнинг гунаҳкорларига қарши курашади. Аммо муҳаррирнинг унга сурбеларча қилган қаршичилиги туфайли, у яна эгаллаб турган лавозимдан қувилади. Журналистикани бутунлай тарк этган Уитмен ота касби - дурадгорликка қайтади. Собиқ муҳаррир ўз касбидан сира уялмас, аксинча, халқни севар ва ўзининг меҳнаткаш одамлар даврасида эканлиги билан фахрланарди. Унинг энг яқин дўстлари ишчилар, аравакашлар, ҳайдовчилар, матрос ва балиқчилар эди. У дўстлари кучерлар-аравакашлар касал бўлиб қолганида, ўринларига ишлаб, ортирган пулини уларнинг оилаларига берганлиги тарихий ҳикоялардан маълум. Шоир ишсиз дўстларига ҳам доимо саҳийлик қиларди. Унинг кундалик дафтарида шундай сўзлар ёзилган эди: "Мен профессорлар ва капиталистлар даврасидаги ҳаёт даражасигача пастлашмайман; мен пойчам ва энгимни туриб аравакаш ҳамда қайиқчилар ҳузурига... Мен уларнинг улуғвор одамлар эканликларини яхши биламан".

Шоир ижодининг бошланишига, АҚШ Конгресси томонидан қулдорлар таййиқи натижасида қабул қилинган қочоқ қулларни қайтариш тўғрисидаги варварларча қонун, Американинг оддий инсонлари газабини кўзготади ва бу воқеалар Уитмен илҳомига туртки беради. У бир йўла учта шеър ёзади ("Юмшоқ баданлар кўшиги", "Қонли пуллар", "Дўстларининг уйда ўлди"). Уларда шоир қулдорлар ва уларнинг малайлари - шимолликларга Жануб плантаторлари билан келишув йўлини танлаганликлари учун бор газабини тўки солади.

"Юмшоқ баданлар кўшиги" шеър тузилишининг мумтоз қонуниятлари асосида ёзилган - вазни ҳам (тўрт хижоли ямб) ва қофиялари ҳам аниқ. Бундан ташқари у заҳарханда киноя билан битилган. Шоир қулдорлар билан келишувга киришган Конгресс аъзолари тилидан жунбушга келтирадиган гапларни айтади:

***Замонамиз ҳақда авлодлар
Ўқишади бир вақтлар келиб.
Қилмишимиз қаргаган зотлар,
Ҳукм айтар, лаънатлар қўшиб.
Нима бўпти бизга келажак!
Муҳимроқдир бугун даромад!***

Бошқа иккита шеър эса оқ шеър бўлиб, улар эркин вазнда ёзилган.

1850 йилда Уитмен 1848 йилда Европани ларзага солган воқеаларга ўз муносабатини билдиради. Ўзининг "Европа" номли шеърда эса шоир европалик инқилобчиларга ўз хайрихоҳлигини билдиради ва озодлик учун қурбон бўлган курашчиларга мадҳия бағишлайди. Шеър озодлик ҳақидаги ҳаяжонлантирувчи сўзларга тўлиб тошган: Озодлик! Майли бошқалар сенга инонишмасин, аммо мен инонаман сўнги дамгача!

Уитменнинг илк шеърлари ана шу мазмунда ёзилган. Улар шоир асарлари том маънода юксак фуқаролик пафоси

билан ажралиб туришини ва қўлликка қарши курашда туғилганлигининг далолатидир. Демак, шоир учун енгил шеърят мутлақо бегона.

1855 йил ишсиз келган шоир ўз қўллари билан "Майса барглари" ("Leaves of Grass") шеърый тўпламига тартиб беради. Бу китоб XX аср Америка шеърят тарихида улкан рол ўйнаганди. Бу кичик ҳажмли китобча кейинги нашрларида тўлдирилиб, қалинлашиб боради, унга янги шеърлар, дostonлар қўшилади. Ваҳоланки, китобнинг биринчи наشري бир нечта дoston ва шеърлардан иборат эди.

Уитмен шеърятни содда, камбағаллар руҳиятига йўғрилган бўлиб меҳнаткашларга биродарона муҳаббатга тўлиб тошган бўлиб, илдизлари Америка фольклорига таянарди. Шоир сифатида Уитмен "Бостон мактаби"нинг тўғридан - тўғри акси эди. Салон шоирлари ва уларнинг "қофиябозлиги"га қарата нафрат билан тўлиб тошган Уитмен халқ оғзаки ижоди ва юморидан таянч топади. Унинг оқ шеърлари, "бостонликларнинг" сайқалланган мисраларига нафрат туйғусидан пайдо бўларди.

Уитмен кулгу ва фольклорга хос сифатларнинг барчасини яхлит ўзлаштиради: ҳаддан зиёд лофларни ҳам, комик қамровни, ижтимоий критицизмни ҳам, кўздан қочирмайди. Дэви Крокетга хос беэиён майин мақтанчоқликни ҳам ва Поль Беньяннинг қахрамонлик пафосини ҳам. Дэви Крокет ҳақидаги афсоналар руҳида фронтисменларнинг мақтанчоқлик мазмунли нутқлари орқали шоир "Ўзим ҳақимда қўшиқ" асарида китобхонлар кўз ўнгида намоён бўлади.

Уолт Уитмен, космос, Манхэттен ўғли,

Исёнкор, норғул, ҳиссиётли...

... тирсақларим-ла уммон гирдобига таяниб.

№3 (2018)

Мен қояларни қучаман, кафтларим-ла қуруқликни беркитиб...

Тоғларни силжитган Поль Беньянга ўхшаб, Уитмен ҳам ўз поэтик кучига мафтун бўлади, унинг образлари гиперболали. "Болта ҳақида қўшиқда" яна ўша меҳнатга мадҳия, меҳнаткаш халққа мадҳия худди Поль Беньян ҳақидаги ривоятда бўлганидек жаранглайди.

Бироқ Уитмен фольклор мотивларини шунчаки такрорламайди - унинг шеърятини янгича фалсафий ва ижтимоий мазмун кашф этади. "Майса барглари" тўпламининг номланишини ўзиёқ ўзида материянинг абадий айланиши тўғрисидаги фалсафий фикрни мўъжассамлайди; бундан барча инсонларнинг тенглиги ҳақидаги хулоса илгари сурилиб, синфий ва ирқий иримлар бир четга сурилади.

"Ўзим ҳақимда қўшиқ" дostonида Уитмен шундай саҳнани тасвирлайди:

*Ўшундай сўради: Ўт нима ўзи? -
ва кўрсатди менга чангаллаб,*

*Мен нима жавоб берай болага?
Менинг билганим*

Ўт ҳақида боладан қўпмас.

*Эҳтимол ул ҳисларим ялови,
тиклангандир*

ям-яшил матодан - умидрангли...

*А балким, бу иероглиф, мангу
ўзгармас,*

Ва эҳтимол, унинг маъноси:

"Қаерда бўлса-да ўсиб, ўниб,

Оқлар ва қоралараро,

*... конгресменни ҳам, негрни ҳам,
англайман*

бир хил, ва барига берганим бир нарса"

*Поэманинг сўнггида Уитмен яна ўша
мотивга қайтади:*

*Агар яна мени кўрмоқ истасанг,
излагин,*

оёқларинг остидан.

Уитмен шеърларининг мутолааси муаллифда таъкидланган индивидуализмининг намоён қилади, гўё

шоир ўзини реклама қилаётгандек туюлади. "Ўзим ҳақимда кўшиқ" достони куйидаги сатрлар билан бошланади:

Мен ўзимни шарафлайман ва ўзимни куйлайман...

Аммо асар кенгайиб, матн катталашгани сайин равшанлаша борадики, Уитменнинг лирик "мени" - бу оддий инсон тарзида намоён бўлади ва умуман инсон тимсоли. Уитмен ҳеч қачон ўз-ўзининг қобиғига ўралашиб қолмайди. Унинг қалб эшиклари кишиларга ланг очиқ. Меҳнаткаш инсонга бўлган қайноқ севги ҳислари ва хурматини ифодалар экан, шоир халққа кўшилиб кетади, гўё унинг дилига сингиб боради:

Мен ошиқман эркин шамолда ўсанларга,

Жониворлар билан яшаб, океан ёхуд ўрмон билан

нафас олгувчи зотларга,

Кема ясовчиларга, дарғаларга, кимки, болта ва болга

тута олса ва отни бошқара олса,

мен улар билан овқатланишим ва ухлашим мумкин эди,

ҳафта-ҳафталаб, бир умр.

Ўн бешинчи бобда меҳнат кишиларини санаб ўтиб: дурадгорларни, матросларни, овчиларни, фермерларни, ҳарф терувчиларни, механикларни, подачиларни, негр-қуларни, - кимки ўз қўллари билан моддий неъматларни яратса, уларни мадҳ этади. Шоир бобни шундай сатр билан тугатади:

Ва уларнинг барчаси менман,

Ва барчасидан ҳамда ҳар биридан мен ўзим ҳақда бу кўшиқни битяпман...

Оқибатда "Ўзим ҳақида кўшиқ" меҳнаткаш инсон қасидасига айланади. Аммо унинг фалсафий мазмуни янада кенгроқ бўлиб, умуман ердаги ҳаёт мадҳиясидан иборатдир, десак тўғрироқ бўлади.

Ҳаётнинг хилма-хиллигини муайян онлар тасвирида - лоцман кема бошқараётганида, қурувчи ерни уй қуриш учун тозалаётганда, қаердадир аёл тўнғичини дунёга келтирганида, президент давлат кенгашини бошқараётганда - инсон ҳаётнинг энг буюк неъмат эканлигини шарафлаб, шоир шундай ёзади:

Бу чундан барча одамлар фикри, барча замонларда, барча юртларда, улар фақат менда пайдо бўлган эмас

Агар улар сеники ҳам бўлмаса, фақат мениклигича қолса, улар арзимасдир, ёки деярлик арзимас...

Шоирнинг инсонга муҳаббати қизиққон интернационализм билан уйғунлашиб кетади, биродарлик меҳри инсон ирқи, ва терисининг ранги билан боғлиқ эмас.

Уитмен шеърини руҳий қувват, битмас-туганмас оптимизмга йўғрилган. Унинг лирик қаҳрамони келажакка ишонч билан боқади. Унинг кўкси шамолларга очиқ ва юзи унда тобланган:

Мен сўлак оқизиб минғирлаб нолимайман, энди

бутун дунё қилгани каби,

Гўё ойлаб бўм-бўш, ер эса - бу ифлослик, новоз.

Шикоят ва қуларча мутелик - бир қутида

касалга мўлжалланган дорихона кукуни билан.

Уитмен шеърини аниқ манзилга эга: у меҳнат кишисига хизмат қилади.

У меҳнаткашни қўрқувдан, авторитетларга тавозъедан ҳимоя қилиб, ўз кучи ва қудратига ишончини англашга, тушунишга мажбур этади. "Ўзим ҳақимда кўшиқ"нинг қирқ олтинчи бобида шоир замондошларига қарата шундай дейди: Сен қирғоқда жуда узоқ қолиб кетдинг,

**тахтага кўрқиб суянганинг
мен энди сенинг кўрқмас сузувчи
бўлишингни истайма...**

Хаётни оптимистик идрок этиши шоирни ҳаёт қандай бўлса шундай қабул қилиш кераклиги ҳақидаги сохта позицияга олиб келади. У ишчини ҳам, фермерни ҳам, жиноятчини ҳам, қаллоб сийсатдонни ҳам, фоҳиша-ю тадбиркорни ҳам куйлайди - уни ҳамма нарса ҳаяжонга солади ва у ҳаммасини ҳазм қила биледи. Бу нарса "Катта йўл кўшиғи" поэмасида кўтаринки руҳда куйланган.

**Бунда сабоқ мазмундор: барчаси
бўлсин қабул, рад этилмасин ҳеч ким!
хурматсизлик намён бўлмай...**

**Жингалак соч негр, оми, жиноятчи,
касал - ким бўлса-да,**

у очик-ойдин.

**Ўспирин уйдан қочқин, бойвачча
араваси...**

**Барча-барчасин рад этмагум, бари
қадрли.**

Ва барибир

Такрор ва такрор меҳнаткаш халққа мухаббатининг очик изҳор этилиши Уитменни пассив идрок этишдан хаёллардан қутқаради. "Ўзим ҳақимда кўшиқ"да Уитмен ҳаётни улуғлайди ва ўз қарашларини баён қилади:

**Мен қайиқчилар ва кўмирчилар
дўстиман,**

**кимки қўл сиқиб кўришса ва борини
кўрса баҳам...**

**Мени пахтазордаги қуллар чорлар, ва
энг ифлос жойни**

покловчилар ҳам

**Мен уни ўпаман, туғишганим каби,
ўнг ёноғидан.**

**Ва қалбда отилгум - воз кечмам
улардан асло.**

Уитмен шеъриятининг забт этувчи оптимизми "Шодлик қўшиғи" поэмасида жуда ёрқин ифодаланган. Шоир "ҳар они меҳнатга бағишланган" ҳаётни шарафлайди, қуёшни, ёмғир

томчисини, денгиз тўлқинини, май тонги софлигини ва саратон офтобини куйлайди.

Поэмада меҳнат ортидан келадиган қувонч, кураш, етилган аёллик ва хотиржам кексаликни англаш кабилар куйланади. Борлиқнинг турфа оламини ҳис этиб олган лирик қаҳрамон муносиб турмуш кечирини истаиди.

Ҳеч кимга хушомад қилмай, бировга муте бўлмасдан - ҳоҳ таниш ҳоҳ нотаниш бўлсин ҳар қандай зулм бандасига тобе бўлмасдан яшамок...

**О, токи заминда ҳаёт экансан, қул
эмас, балки ҳаёт ҳукмдори бўл!**

Мавжудлик, меҳнат ва инсоний ҳаётни тантанавор қасидаси билан бирга Уитмен шеъриятида америкача демократияга ишонч руҳи ифодаланган; шоир назарида бу том маънода халқчил гоё эди. Умуман олиб қаралганда, амалда, шоир реал тузумни эмас, балки идеал демократик тузумни шарафлайди.

Уитмен поэмаларида борлиқ қувончини изчил шарафланиши гоҳида худди ушалмас орзу, шундай бўлиши шартлиги тўғрисидаги дуо-такбир каби жаранглайди. "Шодлик қўшиғи" поэмасининг якуний строфаси-банди арафасида шоир томонидан қутилмаганда эътироф айтилади: У кўмсайди:

**Тарк этмоқлик лозим бу нотекис,
зерикарли заминни,**

**Бу кўнгли айпитар кўчалар, тўсинлар,
уйларнинг бир хиллигини.**

Уитмен асарининг ҳеч қаерида бойлик қувончи, даромад шодлиги ҳақида ёзмайди. Унинг шеърияти олийжаноб идеалларни улуғлашга бағишланган. Оддий америкаликка қарата агар у Уитменнинг орқасидан эргашса, нималар бўлишини "Катта йўл қўшиғи" да таъкидлайди -

Мана сени кутаётган кунлар мазмуни:

**Сен бойлик аталганини жамлай
олмайсан,**

***Неки тўплаган ё яратган бўлсанг,
сахий қўлларинг-да сочиб юборасан!***

"Болта ҳақида қўшиқ"да Уитмен ниҳоят ижодий меҳнатни улуғлайди, ўзининг бадий идеалини аниқ шакллантиради ва Американинг капиталистик идеалини кескин рад этади:

***Кема тураргоҳи, доклар, заводлар ва
мол омборлари бор жой***

буюк шаҳар эмасдир...

***Баланд бинолар, бутун олам буюмлари
бор дўконлар***

жойлашган жой ҳам эмас...

***Хатто энг зўр кутубхоналар,
академиялар бўлган, пулдор маскан ҳам
эмас...***

***Балки, қайда нотиклар ва
шоирларнинг қудратли авлоди бор
жойдир,***

***Ва у ерда бу зотлар қадрли, сеvimли
ва тушунарлидир...***

Бу жойда қўлар йўқ, қулдорлар ҳам,

***Бу ерда халқ сайланган каслар зулмига
қарши бош кўтара олар...***

***Бу ерда фуқаро бош ҳар нарсага -
раҳбари ҳар ненинг, президент,***

***ҳоким, губернаторлар - унинг ёлланган
малайи...***

50-йилларда шоир ва ҳалол америкаликлар тушуниб, англаб етган асосий ёвузлик - бу негрларнинг қул эканлигидир. Шунинг учун ҳам "Майса барглари"да шоирнинг бу Америка шармандалигига қарши ўз овози дадил янграйди. Ирқчиларга қарши чиқар экан, шоир бир неча бор ўзининг негрларга нисбатан биродарона мухаббатини айтади. "Ўзим ҳақимда қўшиқ"да фургонда турган навқирон негр образи пайдо бўлади - у мағрур, қудратли, ўз шаъни ва орияти ҳисси билан тўлиб тошган. Ўша поэмада муаллиф қочоқ қулга нисбатан уюштирилган ўқни тасвирлайди; қандайдир фермер ярадор қулнинг ярасини боғлаб, қўлида қурол билан уни ҳимоя қилади.

"Электр тана ҳақида куйлайман" шеърисида Уитмен инсон ҳақида - табиатнинг гўзал неъматини тўғрисида илҳом билан ҳикоя қилиб, қул савдосига қарши исён кўтаради:

Кимники бўлса-да - вужуд муқаддас;

Қул танаси ҳам.

"Бостон балладасида" Уитмен америкалик буржуазия вакиллари жануб плантаторлари билан келишувга киришганликлари ва 1850 йилда қочоқ қўллар ҳақида қонунни тасдиқлатганликлари учун қоралайди. Шоир бу шармандали келишувга келган "Биродар Жонатанни", - янқини лаънат билан хотирлайди:

***Қўлни чўнтакка сол, Жонатан, - бари
жойида!***

***Сен улуғ маккорсан ва ишни
қойиллатдинг.***

Уитмен нафақат шеърисида балки "Президентнинг ўн саккизинчи сайлови" ("The 18th Presidential Elections", 1856) памфлетида ҳам қулликни ўта қоралайди. Бу асарда шоир машҳур салафи Томас Пейннинг муносиб издоши сифатида намоён бўлади. У бутун АҚШ сиёсий тизимини аччиқ таҳлилга тортади ва капиталистик Американинг ижтимоий тузуми ҳамда америкаликларнинг озодлик ва демократия тўғрисидаги орзулари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини ишонарли тарзда исботлайди.

Уитмен Америка ҳукумати ва қонунчилик раҳбарларини нафрат ва ўткир киноя билан тасвирлаб, "уларнинг барчаси қандай қилиб сиёсат ҳисобидан бойишни, ўзига мойлироқ бўлакни тортиб олишни орзу қилади" деди ва президентликка номзод Бьюкенен ва Филмор номларини келтириб, уларни "жонсиз қариялар" ва майда хасислар деб атайди. Шоир улар номзодини кўрсатганларни фитначилар гуруҳи, шуҳратпарастлар, қотиллар,

қаллоблар, маккорлар ва лаган-бардорлар деб атайди. Американинг раҳбар ҳисобланган республикачилар ва демократлар партиясини шоир халқ кўз ўнгида синиб, банкротга айланган "қаллобларнинг ёлгон ботқоғига ботган икки шайқаси" деб атайди.

Фақат халққа қаттиқ ишонадиган шоир, америкалик ишчи ва фермерлар, оддий халқ қулликни бартараф этиши мумкин деб ҳисоблайди. Ва у ҳақ бўлиб чиқади: орадан беш йил ўтиб Фуқаролар уруши бошланади, урушда оддий халқ қулликни катта йўқотишлар эвазига бартараф этишди. Унинг ўзи уруш йилларида лазарет ва ҳарбий госпиталларда санитар бўлиб ишлайди.

Айнан ўша йилларда шоир кейинчалик "Майса барглари" тўпламига киритилган "Барабанли жанг" шеърий туркумини яратади. Бу туркумда шоир қулликка қарши курашга чорлаб, биржада қаллоблик билан машғул савдогарларни, ишбилармонларни ғазаб билан фош қилади; Жануб плантаторлари билан ҳаёт-мамот жанги кетаётган пайтда жараёнлардан бойлик орттиришаётган адвокатларни ҳажв қилади.

"Янгра, янгра, барабан" шеърида шоир ҳайқиради:

Олиб-сотарлар, қаллоблар қилмиши учун вақт берма -

улар тинглашармиди?

Нотиқ сўзлаятими? Хофиз куйларми ҳамон?

Судда адвокат ишни ҳимоя қиляптими?

Шундай экан, қаттиқроқ уринг, барабанларни,

сурнайларни чалинг баландроқ!

Уитмен халқнинг жанглардаги қаҳрамонлигини шарафлайди. У америкаликларнинг ҳақ иши учун келтирган минглаб қурбонларини эслайди. "Майдонни тарк эт, ота" шеърида шоир ўша йилларга хос

картинани ёзди: фермага ўгилнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида хат келади. Она:

...қоқсуяк, қора кўйлақда,

Кундуз туз тотмай, тунлар йиғидан уйғониб,

Зулмат изтиробида фақат бир нарса истар -

Ҳеч кимга сездирмай ҳаётни тарк этишни,

Йўқолиб ва беркиниб, фақат шахид ўғли билан бўлса бас!!!

Бу ўткир мазмунли шеърни Уитмен жанублик мутаассуб томонидан 1865 йил 14 апрелда, жанубликлар ғалабасидан бироз ўтиб ўлдирилган Линкольн хотирасига бағишлайди.

"О Капитан! Менинг Капитаним!" шеъри ямбда ёзилган бўлиб, уитменона қофияланган шеър намунаси, шоир унга камдан-кам мурожаат қилади. Уитмен ифода жиҳатидан фавқуллода ноёб образлар яратади, бунда АҚШ кемага, Линкольн капитанга ўхшатилади. Капитан кемани бўғозга даҳшатли тўфонлар, тўлқинлар ора ўтказиб келди, аммо сўнги лаҳзада халқ тантанасини кўриб, палубага қон аралаш йиқилди.

О Капитан! Менинг Капитаним! Қирғоқлар қувонар,

Тур! Байроқлар юксалмиш шабнингга, - бурғулар чорлар сени,

Гуллар сенга, гулчамбарлар ҳам - оламон интилар пойингга,

Шодланган чехралар сени излашган.

Шоир Линкольннинг ўлими ҳақида мотам ва фарзандларга хос нозиклик билан гапирди:

Ота! Сен қўлларимга қўйгин бошингни!

Йўқ, бу туш эмас, ётганинг совуқ ва жонсиз!

"Уй олдидаги ҳовлида баҳорда настарин гуллаган пайтда" шеърида ҳам чуқур ва қудратли ҳиссиётга бурканган образлар намоён бўлади. Шоир

Линкольнни борлиқ гулга бурканган пайтда сўнган юлдузга ўхшатади:

Уй олдидаги ҳовлида баҳорда настарин гуллаган пайтда

Ғарб осмонида улкан юлдуз тунда йўқликка инди,

Мен йўғладим, ва энди йўғлайман ҳар баҳор қайтса.

Фуқаролар урушидан сўнг Америка ривожланишнинг янги фазасига киришади. Уитмен Жануб устидан голиб чиққан америкаликларнинг янгича қулликка тушиб қолаётганлигини англайди - монополиялар қулдорга айлана бошлади. Бу ҳақида шоир ўзининг машҳур "Демократик кенгликлар" ("Democratic Vistas", 1871) трактатида жар солади. Фақат номининг ўзидаёқ ачиқ тимсоллар зоҳир бўлади: шунчалик яқин кўринган демократия саробга айланиб аллақарларда санкийди ва унгача йўл жуда олис.

"Демократик кенгликлар" - реализм муҳофазасига йўналтирилган асар; у ҳақиқатгўй, рост сўзловчи, халққа хизмат қилиб, халқ ҳаётини акс эттирувчи адабиётни тақозо қилади. Аммо у адабиёт тадқиқига бағишланган асар эмас. Трактат урушдан кейинги Америка ҳаёти таҳлилидан бошланади, капиталистик тузум камчиликларини фош этади: "Менинг назаримда, бизнинг юртимизга, замонамизга даволовчи врач сифатида чуқур яширинган касаллик сабабини аниқламоқчи бўлгандек, синовчан назар ташлаш пайти келди".

Уитмен урушдан кейинги Америка ҳаётининг турли жиҳатларини акс эттирар экан, асарнинг асосий гоёсини тасдиқлашга уринади: "Штатларда, шубҳасиз жамиятнинг моддий фаровонлашишига қарамай, бузилишлар, айнишлар, қўпол ирим ва чиришлар жуда кўп". Шоир синовчан назар ташланганда "қўрқинчли нарсалар" намоён бўлишини таъкидлайди:

"Американинг ижтимоий муассасалари, судларни истисно қилганда, порахўрлик ва турли-туман суистъемолчиликка тўлиб тошган. Энди судлар ҳам шулар билан захарланмоқда. Йирик шаҳарларда баъзида эса очикдан очик талончилик ва босқинчилик содир бўлмоқда... Бизнесда эса (барча нарсани ямловчи янги сўз "бизнес") мақсад битта - ҳар қандай усул билан даромадга эришиш".

Черков шаънига "Жондорни янчи ташланг!" дея чақириқ билан чиққан Вальтерга ўхшаб, Уитмен ҳам ўз китоби билан гўё "Бойликни янчинг!" демоқчидай бўлади.

Уитмен инқироз тўғрисида, америкача демократиянинг чириши ҳақида гапирди. Муалиф Америкадаги сайловлар тизимини саёҳатга борган хорижлик тилидан шундай тасвирлайди: "Ҳамма жойда аблаҳлар ва ўғрилар кимларнидир турли-туман жамоат лавозимларига тайинлашар, ёки ўзлари шу лавозимларни эгаллашарди... Бирор штат ёки шаҳардаги турли федерал муассасалардаги юзлаб хизматчиларнинг орасида халқ иродаси ёки манфаатдор бўлмаган кишилар хоҳиши билан ҳақиқатан сайланганлари учрамайди. Барчалари халққа катта ёки кичик политиканлар гуруҳи томонидан шармандали махинациялар ёки сотиб олинган сайловчилар кўмагида тиқиштирилган бўлади. Ҳамма жойда мен бир ҳадикли картинага гувоҳ бўлдим - партиялар мамлакатда ҳукмронликни ғаразли мақсадларда эгаллаб олишмоқда ва очикчасига уялмасдан партиялари мақсади учун фойдаланишмоқда". Америка сиёсий ҳаётининг бу жиҳати ҳақида шоир шундай ёзади: "ғамгин, жиддий, чуқур ҳақиқатлар". Унинг ёзишича, бойиш руҳиятининг устиворлиги бутун америкача турмуш тарзига ўзининг хоинларча муҳрини босган - барча

қадриятлар бузилган ва айниган, барча идеаллар ҳақоратланган. Шоир 70-йилларда ҳеч бир америкалик ижодкор жазм қилолмаган хулосани таъкидлайди: "Мен Янги Дунёда демократия одамларни батқоқдан тортиб чиқаришда улкан ютуқларга эришганини тасдиқлайман, бунда улар моддий тараққиётга ўралашиб қолишди; у ўзининг ижтимоий аспектида, диний, ахлоқий ва адабий ривожидан банкротликка учради".

Уитмен буржуазия халқни енгилтақ нарсалар билан аврамоқда, деб ҳисоблайди. Шоир катта нафрат билан замонавий шеърият, драматургия ва танқидчиликни тилга олади: "Наҳотки мана шу калтабақайларни Америка шоирлари деб аташ мумкин? Наҳотки шу бир чақалик, таъмсиз нарсаларни Америка санъати, драматургияси, танқидчилиги ёки шеърияти деб аташ мумкин?"

Америка адабиётининг ночорлиги сабабини Уитмен унинг ҳаётдан ажралиб қолганлигида деб билади. Адабиёт ва америкача ҳаёт ўртасида улкан жарлик мавжуд, дея таъкидлайди адиб. Танқидчиларнинг идеал, гўзаллик ва қўполлик тўғрисидаги қуруқ гапларини фош этар экан, Уитмен америкалик ёзувчиларнинг асл мақсадларини кўрсатиб беради - "Ҳозирги кунимизда, - давом этади шоир, - омад дейиладиган нарса кимки аёлми, эркекми, ўзини қуйи сифатли қаллобликка, шов-шувга, саргузашт-парастрларга, олди-қочдига ва бошқаларга урса, ўшаларга ёр бўлмоқда...".

Агарда бу адабиётга "мулликлар эгаллаб турган позициядан бошқароқ, юксакроқ позициядан, патриотизм, саломатлик, жасур шахсларни яратиш, дин, демократик талаблар каби нуқтаи назаридан қаралса, унда бу шеърлар, адабий

журналлар, пьесалар америкача интеллект яратган кулгули нарсдан бошқа нарса эмас. Бу асарлар ҳеч кимни озиклантормайди... ҳаётда бировга йўл кўрсатмайди ва фақатгина энг паст савиядаги онг эгалари улардан ўзлари учун завқланиш ҳиссини туядилар". Бундай адабиётга қарши курашда Хоуэлс ҳам қатнашади, аммо фақат Уитменгина уларни ўз номи билан атаб, уларни янчиб ташловчи ҳукм чиқаради.

"Демократик кенгликлар"да Уитмен америкалик демократ ижодкорлар олдида улкан вазифалар қўяди, қарийб ярим асрга татигулик дастурни илгари суради. Аввало Америка танқидий реализмга капитализм камчиликларини фош этиш борасида улкан вазифани адо этиши зарур эди. "Мақталган Американи бошдан оёқ қамраган яраларни очиқ кўрсатиш" зарурати бор эди. Америка демократиясининг банкротга учраганини жар солиш керак эди - "миллионлаб кучли ва жасур фермерлар, усталар бир тўда политиканларнинг қўлида ҳеч нарсага арзимас мўрт қамиш чўпига айланиб қолганини" кўрсатмоқ керак, ёшларнинг ахлоқий бузилиб кетаётганлигини, жамиятда шахснинг маънавий ва ақл деградацияси юз берганлигини тасвирламоқ керак ва бунинг сабаби "мақсад битта - халқ қандай йўл ва восита билан бойиш" тақозо қилинган жамият тартиблари эди. Бу чиндан улкан иш, гўё Авгий отхоналарини тозалаш каби оғир вазифа.

Аммо Уитмен таъкидлаганидек, адабиёт фақат рад этиш ёки фош қилиш билан чегараланиб қолмаслиги лозим. Ва бунда шоир улкан ижобий дастурни таклиф қилади. Уитмен ёзади, Америка учун "янги адабиёт керак, у нафақат борлиқни тасвирлаш ёки нусхасини кўрсатишга қодир бўлиши, вақт бекор ўтказишга йўналтирилиши, муаллиф-

нинг маҳоратини, енгил грамматикасини, ритмикасини акс эттира олиши лозим, балки яширин нарсаларни, илоҳиётга йўғрилган, фан билан ҳамқадам, стихиялар ва ҳаётӣй кучларга ўз ҳукмини ўтказиб, маҳорат билан уларни бошқара билиши, панднасихат бериши ва тарбиялай олиши лозим". Америкалик ёзувчиларнинг асарлари, шоир фикрича, "инсонга куч бағишлаши", "ҳаётӣй мақсадларни кўрсата билиши лозим".

Уитмен санъатда гоёвийликни дадил ҳимоя қилади. Мамлакат ҳаётида, Америка тақдирини учун, америкаликлар қисмати учун "бизникилар ўйлагандек, ҳар бирининг шахсий манфаати эмас, моддий, пул манфаатлари ҳам эмас, балки қизгин ва улкан Гоё муҳим...".

Янги Америка адабиёти қанақа мақсад ва гоёларни илгари сурмоғи лозим? Уитмен фикрига кўра, ижодкорлар мамлакат ҳаёти билан узвий алоқадор бўлмоқлари лозим ва ўз халқининг фаровон келажак йўлидаги курашидан янги мавзу ва гоё ахтармоқлари керак: "бутунжаҳон тарихида халқлар ҳаётида содир бўлган буюк воқеалар ва инқилоблар, жиловлаб бўлмас эҳтирослар... ёзувчиларга янги мавзу беради, улар учун янги кенгликларни очади, уларга янги, улкан даъволар қилади, шиддаткор бўлишга, янги бадиий гоёлар яратишга, улардан илҳомланиб юксакларга парвоз қилиб, юксак, катта санъатга хизмат қилишга чорлайди".

Янги адабиёт бугуннинг тасвири билан чегараланмасдан, инсонга келажакни тасвирлаши лозим: "Ўтмишга эмас, келажакка назар ташламоғи лозим".

Уитмен эстетикасига хос асосий муаммолардан бири - санъат ва халқ масаласидир. Санъаткор ўз халқини чуқур билиши шарт ва шундагина у ташқи тўпорик ортидаги гўзалликни

кўра билади. "Халқ! У бизнинг улкан планетамизга ўхшайди, юзаки билимга эга кишилар учун у ярамас қарама-қаршилиқларга ва камчиликларга тўлиб тошган, абадий бошқотирма ва мангу ҳақорат бўлиб кўриниши мумкин. Фақат санъаткорнинг ноёб космик ақли, чексизлик билан тўйинган, ёритилган ҳолда Халқ фазилаатларининг уммонини, турфа хиллигини англаб етиши мумкин, дид, маълумот берадиган силлиқлик ва маданият аталувчи нарсалар ҳар доим ҳам халққа ошно бўлмаган аксил таълим бўлган". Янги адабиёт "инсон шаънига бўлган ишончининг муқаддас байроғини баланд кўтармоғи лозим... Бизнинг халқимиз жуда узоқ вақт шундай шеърларни тинглаб келдики, уларда оддий инсон ҳукмдорлар ҳуқуқига бош эгиб, улар олдида тиз чўкиб келди. Аммо Америка бундай шеърларга қулоқ осмайди. Қўшиқда эгилган елкалар сезилиб турмасдан, балки гурур, инсоннинг ўз-ўзига ҳурмати уфуриб турсин - ва бу қўшиқ Америка қулоғига ҳуш ёқади".

Уитмен америкалик ижодкорлар ўз халқи олдида катта қарздор эканликларини таъкидлайди. Фермерлар, ҳунармандлар орасида юрар экан шоир доимо бу қарз ҳақида ўйлайди. Америкалик ижодкорлар буюк жаҳон адибларига хос бўлган гуманизм ва ижтимоий ҳақиқат гоёлари билан илҳомланишлари лозим, аммо ўз, миллий материаллари асосида асарлар яратмоқлари керак.

Янги Америка адабиёти, шоирнинг фикрига кўра, меҳмонхоналарда, адабий салонларда эмас, балки халқнинг ўртасида пайдо бўлиб, унинг гуллари она заминда гуллайди. Уитмен фавқулодда башорат билан америкача танқидий реализмнинг манбаларини, материали, образлари ва бадиий тасвирий воситалари манбаларигача аниқ кўрсатиб беради.

"... Америка адабиётининг ўспирин даҳоси биздан узоқларда бекиниб юрибди, бахтимизга уни ҳеч ким танимади, турли тўғараклар, эстетлар, сўзамоллар, ошхона танқидчилари, университет лекторлари мажруҳлашмаган, - яширинган жойи қайсидир гарбий иборалар, Мичиган ва Тенниснинг шаддо фуқаролари сўзларида, кўча нотикларининг нутқларида... шеваларда, Манхэттен, Бостон, Филадельфия, Балтимор ёки шимолроқдаги Мэн ўрмонларида айтилган маҳаллий қўшиқларда, ҳунармандларнинг ўткир гапларида, ёки калифорниялик кончининг кулбасида, ёки қояли тоғлар ортида, балким Тинч океани темир йўли ишчисиникида, ёки Шимолий-Ғарбдаги ёш фермерларнинг қалбларида, эҳтимол Канадада ёки кўлларимиздаги қайиқчилар орасида. Бу замин қаттиқ ва қўпол, аммо фақат шундай заминда ва айнан шунақа уруғдан вақти келиб ниш уриб ва ҳиди бутун Америкага тараладиган асл американча уфорли гул унади, эҳтимол ўзимизнинг том маънода ўзимизнинг мевалар пайдо бўлади". Кейинчалик Америка адабиёти тарихчилари ўз танқидий реализмларининг манбасини айнан Уитмен санаб ўтган манбалардан топишади.

"Демократик кенгликлар"да заиф ҳисобланадиган ўринлар ҳам мавжуд, масалан, касал жамиятни даъволашга бадий адабиёт кўмаклашади, бунинг устига - фақат адабиётгина турмушни яхшилаб, давлатни ислоҳ қилдира олади. Бу ҳаёллар 1871 йиллар учун табиий эди. Бундан ҳайратланмаса ҳам бўлар, балки асардаги чиндан ҳайратлангандиган ҳолат, Уитменнинг биринчи бўлиб, Американинг капиталистик тараққиётининг жожевий оқибатлари ҳақида гапирганлигидир. Уитмен эстетикасининг назарияси ҳайратланарли. Н.Г.Чернишевский таъбири билан

айтганимизда, Уитмен адабиётни "ҳаёт китоби", ёзувчи бурчи халққа хизмат қилишдан иборат деб билади. Бунинг барчаси Уитменни рус демократлари эстетикасига яқинлаштиради. Уолт Уитмен тўла маънода америкаликлар адабиётини мавжуд тор эстетик қолиплардан ва концепциялардан холос қилди.

"Демократик кенгликлар"да эслатилган кўплаб масалалар Уитменнинг урушдан кейинги шеърлятида ўз аксини топди. Бу даврда яратилган энг яхши асарларидан бири "Йўқ, эслатма менга бугун муҳрланган шармандаликни" (1873) дostonидир

О болалар, болалар!

***Донишманднинг сўзига қулоқ осинг,
камтарин маслаҳат сўзига...***

Ов қилиш учун ер бердим,

Балиқ овлаш учун сув бердим, айиқ ва тулкини қўшдим,

Буғу ва кийикни бердим,

Қундуз бердим, қуш бердим...

Сизни нима мажбур қилди

Бир-бирингизни овлашга?

Халқ оғзаки ижоди таъсири ва "санаш пафоси" Лонгфеллонинг "Гайавата ҳақида кўшиқ" асарига ҳам хос. Уитмен бу усулларга кенг мурожаат этади. Унинг қатор асарлари "саноқ" усулига асосланган, хусусан "Болта ҳақида кўшиги":

Қуллук замин мамлакатларига, ҳар бирининг хоссаси учун;

Қайин ва эман юртига қуллук;

Лимон ва анжир юртига қуллук;

Олтин мамлакатларига қуллук;

Майиз, буғдой, юртларига, узумли юртларга қуллук...

Қуллук тоғларга, кенгликларга, қум, ўрмон, прерияларга...

"Саноқ пафос"ига қизиқиб кетган Уитмен ўз поэмаларида ўзига хос каталогларни - буюмлар, нарсалар, ҳодисаларнинг узундан-узун номларини келтиради. Бунда у каталоглар камдан-

кам ҳолларда зерикарли бўлади. Одатда, улар рангбаранг ва яхши шакл-лантирилади (улардаги нарса ё образ ўрнини алмаштириб бўлмайди). Образлар силсиласи, шоир атрофидаги маиший турмушдан олиниб "моддий айланишини, қарама-қаршилиқлар бирлигини" ва бошқаларни фалсафий маъносини етказди.

Уитмен поэтик нутқни бойитди. Америкаликларнинг оғзаки нутқидан дадил фойдаланиб, оддий халқ тилидаги қувватни ва софликни шеърятга олиб кирди.

"Шодлик кўшиқлари"да шоир катта самарадорликка эришади. Ўқувчи қофия ва вазн йўқлигини сезмай қолади, уни борлиқ қувончи қамрайди; бутун поэма офтоб нурига тўлиб тошган, уммоннинг шўр шамоли чўлгайди, май тонги ва найсон томчилари китобхон қалбини тўдириб юборади.

Халқ оғзаки ижодидан ташқари Уитмен учун илҳом манбаи бўлиб Қадимги Шарқ адабиёти, хусусан Инжил хизмат қилади. К.Чуковский шоир шеърларининг нутқ манерасида

Инжил авлиёларининг услубини кузатади, Инжилдан кўчирмалар, улар билан ўтказилган параллелизмларнинг ўзига хослиги - синонимик параллелизм (бунда навбатдаги ҳам бир мисра олдингисининг қисман ўзгартирилган такрори бўлиб келади) ва антитетик параллеллик (бунда иккинчи мисра аввалгисини тўлиқ инкор қилади ёки контрастли бўлади) шундай ҳиссиёт туғдиради.

Уитмен шеърятдаги кечинмалар диапозони, кайфияти, оҳанги ниҳоятда кенг: чексизлик, исёнкорликдан ва ҳатто кўполликдан тортиб, ўта нозик интим ҳиссиётлар ва кечинмаларгача; нотиклик пафосидан - нозик лиризмгача кузатилади.

Меҳнаткаш халқ ҳуқуқларининг қўрқмас ҳимоячиси, унинг қудрати ва улғуворлигининг куйчиси, демократ ва интернационалист, реализм йўлида толмас курашчи бўлган Уитмен ўзининг улкан поэзияси билан замондошларидан юксак даражада ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мендельсон М. Жизнь и творчество Уитмена - М. Наука, 1969-368с. (Mendelssohn M. Life and work of Whitman - M. Science, pp. 1969-368.)
2. Чуковский К. Мой Уитмен: Его Жизнь и творчество: Избранные переводы из "Листья травы" Проза - М Прогресс, 1969 - 304 с. (Chukovsky K. My Whitman: His Life and Work: Selected Translations from "Leaves of Grass" Prose - M Progress, pp. 1969 - 304.)
3. Dutton G. Walt Whitman - London: Oliver a Boyd 1961-120 p.
4. Stoutenburg A, Baker L.N. Listen America: A life of Walt Whitman. New York: Scribner, pp. 1968-182.
5. Уитмен У. Избранные произведения: Листья травы. Вступ. статья М.О. Мендельсон - М. художественные литература, 1970-415 с. (Whitman W. Selected Works: Leaves of Grass. Intro. article M.O. Mendelssohn - M. Fiction, pp. 1970-415.)
6. Уитмен У. Шеърлар Инглиз тилидан У.Элова таржимаси - Жиззах: Сангзор нашриёти, 2009. - 24 б. (Uitmen U. Translation of poems from English by U.Elova - Jizzakh: Sangzor Publishing House, 2009. - P.24)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

"БОБУРНОМА" МАТНИДА САЖЪ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА
ТИКЛАШ МАСАЛАСИ

Дилдора Хошимова

филология фанлари доктори, Наманган муҳандислик-технология институти. dxshimova@mail.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: D. Khoshimova. Saj' and its translating issues in "Baburname". International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 82-90.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-10>

Келиб тушган сана 6 август, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола "Бобурнома" матнидаги сажънинг таржималарда акс этиш масаласига бағишланган. Бунда "Бобурнома" матнида сажънинг қўлланиш сабаблари ва уларнинг таржимада прагматик мувофиқлик ёки номувофиқликка акс этиш муаммо ва ечимлари берилган. "Бобурнома" матнида сажънинг қўлланиш усуллари кўп ва турли-туманлиги, Бобур ўзигача мавжуд анъанавий наср намуналаридаги сажълаш усулини "Бобурнома"да мукаммал босқичига олиб чиққанлиги бўйича назарий ва амалий фикрлар келтирилган. Тадқиқотчиларнинг сажъни бадий санъат тури сифатида талқин этиши, бошқалари уни услуб элементларидан бири, яна бирлари бадий талқиннинг ўзига хос шакли сифатида поэтиканинг кенг сатҳида тушунтиришлари ҳам келтирилади ва унга фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Сажъ матннинг ўқувчи учун тушунарли бўлишига кўмаклашади, асарнинг бадийлигини янада оширади. Сажъдан ҳар бир муаллиф ўз услубига хос тарзда фойдаланади каби гоёлар илгари сурилади. Бу ўринда таржимоннинг воқеалар тафсилоти сажъ билан ифодаланганини англаб етгани, шунинг учун таржима матнида талаффузи жиҳатидан бири-бирига қўфиядош сўзларни қўлагани аниқ билинади. Натижада таржима матнида сажънинг прагматик жиҳати акс этган, матнидаги танг вазият, қаҳрамонлар руҳиятидаги мувозанатсизлик имкон доирасида акс этганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: сажъ, таржима назарияси ва амалиёти, прагматик мувофиқлик ёки номувофиқлик, туркий наср, халқ эпоси, сажъ назарияси, тарихий шахс, тасвирий воситалар, мумтоз наср ифода усули.

РИФМОВАННАЯ ПРОЗА В ТЕКСТЕ "БАБУРНАМЕ" И ЕГО ПРОБЛЕМЫ
ВОССТАНОВЛЕНИЯ В ПЕРЕВОДЕ

Дильдора Хошимова

Наманганский инженерно-технологический институт, доктор филологических наук
dxshimova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена проблеме проявления рифмованной прозы в переводе "Бабурнаме". В нём даются причины использования рифмованной прозы в тексте "Бабурнаме". Указаны проблемы и их решения по поводу многократного и разнообразного использования рифмованной прозы в "Бабурнаме" и их проявление в прагматическом соответствии и не соответствии. Даны теоретические и практические идеи о том, как Бабур использовал традиционное рифмование и достиг совершенства в тексте "Бабурнаме". Также даются размышления о том, что некоторые исследователи трактуют рифмованную прозу, как вид художественного текста, элемент стиля, так как другие считают видом художественной трактовки. Рифмованная проза повышает художественность текста и помогает читателю лучше понимать его. Каждый автор использует рифмованную прозу в своем индивидуальном стиле. В этом случае становится заметным понимание переводчиком того, что подробности действий выражены рифмованной прозой и поэтому в тексте перевода заметно использование рифмованных слов близких друг-другу в произношении. В результате выявляются затруднительная ситуация в тексте, несбалансированное душевное состояние героев, отражение прагматических черт рифмованной прозы в тексте перевода по мере возможности.

Ключевые слова: проза, теория перевода и практика, прагматическая совместимость или несовместимость, турецкая проза, эпос, рифмованной прозы, историческая сущность, наглядные пособия, классический прозаический метод.

SAJ' AND ITS TRANSLATING ISSUES IN "BABURNAME"

Dildora Khoshimova

Namangan Institute of Engineering and Technology, Doctor of Sciences in Philology. dxoshimova@mail.ru

ANNOTATION

This sub-study focuses is devoted to reflect in translation that the Saj' translation in the text of "Baburnama". It is referred to the reasons for the use of saj' in "Baburnama" and their pragmatic compatibility or discrepancy in translation. There are the numerous and varied methods of using the Saj' in "Baburnama". It contains theoretical and practical conclusions, as well as the fact that Babur has brought his traditional Saj' (prose) technique to the perfect stage in "Baburnama". Saj' encourages the reader to make the text clearer and enhances the artistry of the work. The idea is that ideas from each author will be used in their own way. Saj' encourages the reader to make the text clearer and enhances the artistry of the work. The interpreter understands that the detail of the event is expressed in sajas, so it is well known that in the text of the translation, it uses rhetorical words. As a result, it has been found that the text of the translation reflects the pragmatic aspect of the sajad, the tense situation in the text, and the imbalance in the spirit of the heroes. The interpretation of the researchers as a Saj' artistic art, others are one of the elements of style, and others are interpreted as a specific form of artistic interpretation, and expressed opinions and comments.

Key words: prose, theoretical and practice of translation, pragmatic compatibility or incompatibility, Turkish prose, epics of people, saj' (prose) theory, historical person, descriptive terms, classical prose method.

Сажънинг таржима матнларида акс этишида прагматика муҳим усуллардан бири ҳисобланади. Чунки ўқувчи учун таржима моҳиятини етказишда унинг тез қабул қилиниши, аини пайтда, матнга нисбатан китобхон муносабатини юзага келтириши прагматик заруратдир. Бу жиҳат, айниқса, туркий насрнинг хос усули

бўлган сажъ максимал даражада қўлланган "Бобурнома" таржимасини муваффақиятли амалга оширишда катта рол ўйнайди.

Бобур сажъ усулидан уч мақсадда фойдаланади: биринчидан, туркий наср анъаналарини давом эттириш, ва маълум маънода янгилеклар билан бойитиш учун, иккинчидан, айтмоқчи

бўлган фикрининг бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, ўқувчи томонидан қизиқиб қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, учинчидан, реал воқеликка хос воқеа-ҳодиса, образ, характер, портретлар тасвирида аниқликка эришиш эҳтиёжи юзасидан. Қолаверса, айнан шу сажъ санъати воситасида биз муаллиф дунёқараши, руҳий ҳолатлари, сиёсий ва ижтимоий воқеликка муносабатини очиқ англаймиз. Ниҳоят, сажъ "Бобурнома" муаллиф образини тўла тасаввур этишимизга имкон беради.

Айрим тадқиқотчилар сажъни бадиий санъат тури сифатида талқин этсалар, бошқалари уни услуб элементларидан бири, яна бирлари бадиий талқиннинг ўзига хос шакли сифатида поэтиканинг кенг саҳида тушунтирадилар. Сажъ матннинг ўқувчи учун тушунарли бўлишига кўмаклашади, асарнинг бадиийлигини янада оширади. Сажъдан ҳар бир муаллиф ўз услубига хос тарзда фойдаланади. Бу усул замонавий ўзбек насрида ҳам баъзи ўринларда учраса-да, у кўпроқ мумтоз наср ифода усулига хосдир. Аммо сажънинг бошланғич нуқтаси ва илк манбаси дейилганда кўпроқ ўзбек халқ насри, айниқса, халқ эпоси тушунилади. Ўзбек адабиёт-шунослигида сажъ поэтикасининг фольклор ва мумтоз насрдаги кўринишлари устида жиддий тадқиқот олиб борган, сажъ назарияси ҳақида салмоқли хулосаларга келган профессор Б.Саримсоқов сажъга бундай таъриф беради: "Сажъ – бадиий матнда ишлатилган айрим гап бўлақларининг ё вазнда, ё қофияда ёхуд ҳар иккаласи (вазн ва қофия)да мослашувидир" [7.74].

"Бобурнома" матнида сажънинг қўлланиш усуллари кўп ва турли-туман. Бобур ўзигача мавжуд анъанавий наср намуналаридаги сажълаш усулини "Бобурнома"да такомил босқичига олиб чиқди десак, сира янглишмаган

бўламмиз. Шунингдек, Бобур бадиий тасвир объекти (воқеа, образ, характер, детал, табиат тасвири сингари) ўзгарган ҳар бир нуқтада сажънинг янги-янги шакллари кашф этади. Сажъ санъати доирасини кенгайтирганидек, ўз тарихий-бадиий мақсадининг мукаммал даражада амалга ошишини таъминлайди. Б.Саримсоқов ушбу фикрлари юқоридаги хулосалари-мизнинг тўғри эканлигидан далолат беради: "Бобурнома" XVI аср бадиий насри намунаси бўлганлиги учун ҳам муаллиф ўз мемуарида тарихий воқеаларни қуруқ хронологик баён қилмай, уларни образли тил билан, турли бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида ифодалайди. Шундай бадиий-тасвирий воситалардан бири классик насримиз учун энг характерли ҳисобланган санъат сажъ ҳисобланади ... Шунинг учун ҳам сажъ муаллифнинг турли тарихий шахс, тарихий воқеаларга нисбатан субъектив-эмоционал муносабатини ифодаловчи санъат сифатида жуда ҳам ўринли қўлланилган"[8.122]. Дарҳақиқат, сажъ санъатининг "Бобурнома"да истифода этилиши XVI аср туркий классик насрнинг яна бир поғона кўтарилишига олиб келди. Бу далил эса истеъдодли ижодкорнинг бир санъат доирасида ўзи мансуб миллат адабиётини янги поғонага олиб чиқиши мумкин деган муҳим хулосага асос бўлади.

Бизнингча, сажъ туркий насрнинг хос хусусиятларидан бири бўлгани учун том маънода ўзбек халқига хос лингвокултурологик жиҳатларни акс эттиради. Миллий наср услубининг теран имкониятларини намён қилади. Шу нуқтаи назардан "Бобурнома"да қўлланган сажъ усулининг таржимада прагматик акс этиши ўта муҳимдир.

"Бобурнома" матнида қўлланилган сажъ намуналари таржима матнларида турли даражада акс этганини

кўришимиз мумкин. Куйида В.Текстон, Лейден-Эрскин, А.С.Бевеиж таржималарида Бобур реалистик воқеалар тасвирида қўллаган сажъ санъатининг намоён бўлиш даражалари хусусида тўхталамиз. Бунда учала таржима вариантларидан олинган мисолларни илмий муқояса этиш йўлидан борамиз.

"Бобурнома"да муаллифнинг фақат рост сўзни баён этишни мақсад қилганини ва сажъ санъати асосида воқеаларни реалистик услубда тасвирлаганини мазкур парча исбот қилади. Яъни Бобурнинг ёзишча, бир жангда унинг тарафдорлари шижоат билан душман олд қисмига ташланади, мардоналиги билан ном чиқарган Каттабек исмли бек душман аскарлари томонидан жиддий ярадор қилинади. Бобур ҳинд жангчиларининг мардлиги, тиш-тирноғи билан ўз юртини ҳимоя қилгани баёни замирида, рожа ва аскарларни зимдан қиёслайди. Айримларини ўз лашкаридан устун қўяди. Уларнинг шиддати ва шижоатига таҳсин ўқийди. Энг муҳими, айни воқеа тасвирида турли бадий воситалар, хусусан, сажъдан унумли фойдаланади. Шу тарихи воқеалар, шахслар, айрим деталлар тасвирини ўқувчига жонли тарзда етказди.

Душман қароргоҳига хуфя борганлар Бобурга уларнинг кучлари кўплиги, урушга пухта ҳозирлик кўргани ҳақида хабар олиб келишади. Буларнинг ҳаммаси ички психологик тафсилотлари билан беришда сажъ ниҳоятда қўл келганини кўришимиз мумкин. "Бобурнома"нинг хассос тадқиқотчиларидан бири В.Раҳмонов Бобурнинг бадий санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳақида шундай фикрларни айтади: "Бобурнома"да бадий санъатлар - тасвирий ва ифодалилик воситалари намуналарини кўплаб кузатиш мумкин... матнда

қўлланилган ташбиҳ (ўхшатиш) санъати ҳам табиийлиги, ҳам лағофати билан ўқувчини ром этади: "Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чирогдек ёришди" ёки "Насрда шоир Бобур шеърятига хос қатма-қат тазодлар - қарама-қарши маъноли сўзларни қаторлаштириш ва ички қофиясимон - оҳангдошлик яратувчи сажъ усулини қўллаш ҳолатлари ҳам оз эмас" [5.178].

Дарҳақиқат, Бобур ўз аскарларининг руҳий-психологик ҳолатини тасвирлашда сажъдан унумли фойдаланади: "Қисмтой ва Шоҳ Мансур барлос ва ҳар кимки, Байанадин келди, билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму эди: Кофирнинг черикини жалд ва жаррорлиқ била асру кўп ситойиш ва таъриф қилдилар" [3.219]. Бу парчада аслида гап кўпроқ душман тараф ҳақида борса-да, улар сиртдан Бобур тарафдорлари билан қиёсий тасвирланган ва бу жиҳат муаллиф хулосаларида ифодасини топган. "Билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму эди", дея сажъ билан душман кучини устун баҳолаганини билдирган Бобур яна бир жиҳатга ўқувчи эътиборини тортади. Яъни, бу сажъ тасвирида Бобурнинг ўз мулозимларига нисбатан шубҳаси акс этади. Сажъ ичида қўлланган қўрқмоқ ва қўрқитмоқ сўзлари жумла ичида тазод усулини намоён этади. Хабар келтирган мулозимлар психологиясини ифодалайди. Аммо мулозимлар ички ҳолати тазод қаторининг қайси томонида бўлмасин, уларнинг салбий характерли шахс эканликлари маълум бўлади. Қўрққанларидан ваҳима кўтарган бўлсалар қўрқоқ, қўрқитиш учун кўпиртирган бўлсалар хоин сифатида кўринадилар. Демак, бу ўринда Бобур маҳорати бир жумлада бир нечта (сажъ, тазод, муболага, тарзида акс) санъат намуналарини қўллаганидагина эмас, сажъ санъати

воситасида муайян шахслар (хабарчилар) ва бутун бошли омма (қўшин) психологиясини ҳам тасвир этганида намоён бўлади.

Қуйида ушбу матндаги сажъ қўлланиши ва бошқа бадиий хусусиятлар таржима матнларида қай даражада акс этганини кузатамиз.

Келтирилган матн Лейден-Эрскин таржимасида: "Kasimi, Shah Mansur Birlas, and every man that came from Biana, I know not whether from fear, or for the purpose of striking a panic into the people, bestowed unbounded praise on the courage and hardihood of the pagan army" [4.275] тарзида келади. Таржима матни таҳлилдан маълум бўладики, сажъни қайта тиклашда таржимон аслият матнига мувофиқ йўлдан бормаган. "Бобурнома"даги: "Билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму эди" жумласи "I know not whether from fear, or for the purpose of striking a panic into the people" ("қўрқувга тушганлариданми, ёки одамлар орасига ваҳима солиш мақсадидами, билмадим") деб таржима қилган. Таржима матнида Бобурнинг лўнда фикри китобхонга тушунарли бўлиш мақсадида бироз кенгайтирилган. Сўзларнинг муқобил варианты келтирилган, жумлалар сажъ қоидасига кўра қофияланмаган. Мураккаб маънони ифода этувчи сажъни маъновий жиҳатдан тўлиқ ифодалаш учун матн таркибига қўшимча сўзларнинг киритилиши унинг мазмунига путур етказмаган. Инглиз тилида бу тажриба бўлмагани боис таржимон сўзлар орасидаги қофиядошликни таржима матнида ифодалашга зарурат сезмаган кўринади. Шу сабабдан матннинг биз юқорида таҳлилий кўрсатган теран мазмуни, руҳияти инглиз тилида тўла акс этмаган.

А.Бевеиж таржимасида: "whether because they were themselves afraid, or

whether to frighten others is not known but Qismati, Shah Mansur Barlas and all from Bianna praised and lauded the fierceness and valour of the pagan army" [2.548] (қўрқувга тушганлариданми, ёки бошқаларни қўрқитишгами билмадим, Қосимтой, Шоҳ Мансур Барлос ва ҳамма Байанадан келганлар гайридин армиянинг ёвузлиги ва жасоратини юқори баҳолади ва мақтади (МТ) деб таржима қилади. Ушбу келтирилган: "Билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму эди" жумласи "whether because they were themselves afraid, or whether to frighten others is not known" (қўрқувга тушганлариданми, ёки бошқаларни қўрқитишгами билмадим) деб ўгирилади. Маълум бўладики, А.Бевеиж ҳам Лейден-Эрскин каби сажъ масаласини очиқ қолдирган. Ўйлашимизча, таржима матнида сажъни айнан ўзбек тилидагидек акс эттириб бўлмаса-да, бунда инглиз поэзиясининг кенг имкониятларидан фойдаланиш мумкин эди.

В.Текстон таржимасида: "I don't know whether it was of their own fear or whether they were trying to scare the men, but in any case Qisimtay, Shah-Mansur Barlas, and all who came from Bayana could not say enough of the audacity and ferocity of the Infidel's army" [10] (қўрқувга тушганлариданми, ёки одамлар орасига ваҳима солиш мақсадидами, билмадим, аммо нима бўлганда ҳам Қосимтой, Шоҳ Мансур Барлос ва ҳамма Байанадан келганлар етарлича гайридин қўшиннинг жасурлик ва ёвузлик ҳақида айтмади (МТ) деб қайта тикланган. Аслиятдаги: "Билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму эди" жумласи "I don't know whether it was of their own fear or whether they were trying to scare the men" (билмадим, қўрқувга тушганлариданми, ёки одамлар орасига ваҳима солиш

мақсадида) деб келтирилади. В.Текстон сажъни инглизча талаффузга кўра бир-бирига қофиядош шаклда таржима қилган. Асардаги сажъ руҳини сақлаб қолишга эришган.

Таржима вариантларини қиёсий таҳлил этиш инглизча таржималарнинг иккитасида (Лейден-Эрскин ва А.Бевериж таржималарида) аслиятдаги сажъ санъати эътиборга олинмагани, бутун лексик қувват матн мазмунини беришга йўналтирилганини кўрсатади. В.Текстон таржимасида эса бошқа, яъни ижобий ҳолатни кузатамиз. Бу ўринда таржимоннинг воқеалар тафсилоти сажъ билан ифодаланганини англаб етгани, шунинг учун таржима матнида талаффузи жиҳатидан бир-бирига қофиядош сўзларни қўллагани аниқ билинади. Натижада таржима матнида сажънинг прагматик жиҳати акс этган, матндаги танг вазият, қаҳрамонлар руҳиятидаги мувозанат-сизлик имкон доирасида акс этган. Демак, таржима матни прагматиклиги фақатгина тил бирликларини аниқ ўгириш билан боғлиқ эмас. Матн руҳиятини ифодаловчи бадиий санъатлар, хоссатан, сажънинг прагматик таржимаси ҳам бу ўринда муҳим аҳамиятга эга. Прагматик мувофиқлик ёки прагматик номувофиқликнинг юзага келиши кўпинча аслият матнига хос мана шундай нозик жиҳатлар билан ўлчанади. Таржима матнларининг бир-бирига мувофиқ келиши унда ифодаланган воқеа-ҳодисаларнинг бири иккинчисини тақозо этиши билан ҳам бевосита боғлиқ. Сажъли наср таржимаси айнан шу жиҳати билан машаққат ва мураккаблик туғдиради.

Бобурнинг Мовароуннаҳр маданияти, тамаддунини Хуросон ва Ҳиндистонга ёйгани ҳақида олимларимиз кўп гапирганлар. Қуйидаги мисол бу фикрларнинг реал далилга эга

эканини кўрсатади. Бобур Ғазни шаҳрида Маҳмуд Ғазнавий қурдирган бир сув омбори ҳақида сўз юритади. Омбор тўғони кейинги султон Аловуддин Жаҳонсўз Ғурий томонидан бузилганини таъкидлайди. Ҳиндистондан туриб ишонган беги Хожа Калондан махсус фармон беради. Шу тариқа сув омборини тиклашга эришади. Мана шу амр-фармон матни "Бобурнома"да келади. Фармон матнида Бобур сажъ усулидан кенг фойдаланган. Шунингдек, матн мазмунидан уч ҳукмдорнинг ижтимоий тамаддунга муносабатлари зимдан қиёслангани маълум бўлади. Буларнинг биринчиси, сув омборини қурдирган Маҳмуд Ғазнавий, иккинчиси, уни буздирган Жаҳонсўз Ғурий, учинчиси тўғонни қайта тиклаган Бобур. Ушбу шартли муқояса сажъ санъати воситасида берилади: "Аловуддин Жаҳонсўз Ғурий бу вилоятқа мусаллит бўлганда бу бандни бузубтур ва султон авлодининг бисёр мақобирини куйдурубтур. Ғазни шаҳрини бузубтур ва куйдурубтур, элни талабтур, ўлтурубтур, қатл ва бузуғлиқдин дақиқае номаръи кўймабтур. Андин бери бу банд бузугдур. Ҳиндустонни фатҳ қилгон йил бу бандни ясамоқ учун Хожа Калондин ярмоқ йиборилди. Тенгри иноятидин умид борким, бу банд ободон бўлғай" [3.114].

Муаллифнинг сажъ билан ифодалаган воқеалари тасвири матн бадиий қимматини янада оширган. Устига устак ўқувчининг таржима матнини осон тушуниб етишига кўмак беради. Бобурнинг сажъли баёнлаш маҳорати таржимонлар аслиятга мувофиқ ўгиришга уринганлар.

Аслиятда келтирилган сажълар Лейден-Эрскин таржимасида шундай акс этади: "бузубтур" - "broke down", "куйдурубтур" - "burned and destroyed", "бузубтур ва куйдурубтур" - "ruined and

burned", "талабтур, ўлтурубтур" - "plundered and massacred", "қўймабдур" - "refrained", "бузугдур" - "remained", "ясамоқ" - "rebuilding", "ярмоқ" - "a sum of money". Солиштирма таҳлилимизга кўра, сажълар мазмуни таржимада муаллиф ифодалагандек аксини топган. Масалан, "куйдурубтур" сўзини таржима матнида: "burned and destroyed" (куйдирубдур ва бузубдур) деб берилган. Сўзлар қофияси бир-бири билан мос тушган, прагматик жиҳатидан аслият матни мазмунига мувофиқ ўтирилган. Таржима матнида сажълар прагматик муносабатларга монанд ўз ифодасини топган. "Бобурнома"даги сингари таржима матнида ҳам бу сўзлар маъно ва мазмун жиҳатидан қарама-қарши маъно англатмайди. Айни жиҳат таржима амалиётига хос бўлиб, таржимашунос Ф.Раҳимов буни алоҳида таъкидлайди: "Тил белгилари ва улардан фойдаланадиган шахслар ўртасидаги прагматик муносабатлар шундан иборатки, бу белгилар, аниқроғи, уларнинг маънолари шахслар учун тушунарли бўлиши, уларни маълум даражада таъсирлантириши керак. Ахборот шу йўсинда талқин қилинганида, аслиятнинг коммуникатив ва прагматик таъсирчанлиги сақлаб қолинади" [6.92]. Чунки қуйидаги "ясамоқ" - "rebuilding", "ярмоқ" - "a sum of money", "бузубтур" - "broke down" сўзларини қофиядошлари ифодаланмаганлиги сажънинг таржима матнида аслият матнидек акс этмаган дейишимизга асос бўлмайди. Таржимон бу сўзларнинг қофиядош муқобилларини айнан топа олмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун маъно ва мазмун жиҳатидан мос вариантини келтирган. Аммо имкон борича аслиятда сажълашган сўзларнинг қофиядошларини топиб, сажъ санъатини таржимада қайта тиклашга уринган. Демак, Лейден-Эрскин таржимаси

матнида сажъларни муаллиф ифодалагандек қайта тиклашга жиддий уриниш, таржима ва аслият матни ўртасида прагматик мувофиқлик мавжуд, дея оламиз. Чунки таржимон сажъни тўғри англаб етган, шунинг учун ҳар бир сажъни муаллиф ифодалагандек аниқлик билан таржима қилган.

Келтирилган матн А.Бевериж таржимасида шундай акс этган: "бузубтур" - "destroyed", "куйдурубтур" - "burned" and "ruined", "бузубтур" ва "куйдурубтур" - "sacked" and "burned", "талабтур", "ўлтурубтур" - "murder" and "rapine", "қўймабдур" - "left", "бузугдур" - "ruins", "ясамоқ" - "use", "ярмоқ" - "the money". Қиёс кўрсатадики, сажълар Лейден-Эрскин таржимасига нисбатан А.Бевериж таржимасида камроқ ифодаланган. Матн бошида сўзларнинг қофиядошларини аниқ берган, охирига келиб уларни эътиборсиз қолдирган. Яъни бу сўзларнинг қофиядош шаклини эмас, балки маъносини берувчи сўзларни танлаган. Ўқувчига тушунарли бўлишини кўзлаган, матнда ишлатилган бадиий санъатларга жиддий ёндашмаган. Жумладан, "талабтур", "ўлтурубтур" - "murder" and "rapine", "қўймабдур" - "left", "бузугдур" - "ruins", "ясамоқ" - "use", "ярмоқ" - "the money" сўзлари сажъ шаклда келтирилмаган. Оқибат прагматик номувофиқлик юзага келган. Воқеалар кетма-кетлигини беришда ҳам жумла ғализлиги сезилади. Воқеалар тасвири умуман мазмунга мос, шундай бўлишига қарамай, биз бу таржимада прагматик мувофиқлик бор дея олмаймиз.

В.Текстон таржимасида сажълар шундай берилади: "бузубтур" - "wrecked", "куйдурубтур" - "torched", "бузубтур" ва "куйдурубтур" - "destroyed" and "burned", "талабтур", "ўлтурубтур" - "pillaged" and "killed", "қўймабдур" - "left", "бузугдур" - "lain in ruins", "ясамоқ" - "repair", "ярмоқ" - "money".

Бу таржима матнида сажъларни ифодалашда прагматик мувофиқликни сақлаган. Аслиятда қўлланган сўзларнинг қофиядош шакллари топилган. Фақат куйидаги: "қўймабдур" - "left", "бузугдур" - "lain in ruins", "ясамоқ" - "gerair", "ярмоқ" - "money" сажъларининг таржима матнида қайта тикланишида прагматик номувофиқлик билинади. В.Текстон сажъларни таржима матнида аслиятдагидек ифодалаш билан бирга, матн прагматик хусусиятларининг ўзаро боғланишига эътибор қаратган. Таржимада сажъларни аслиятдагидек ифодалаш учун матн устида кўп изланишлар олиб борган. Шу йўл билан сажъни таржима тилида қайта тиклашга эришган.

Таржима матнларида сажънинг ифодаланиши муаммолари ҳақида А.Абдуллажонов муҳим хулосаларни айтади: "Сажъни рус тилида ҳам қайта яратиш мумкин экан. Бу санъат немис адабиётида умуман йўқ, деб айта олмаймиз. Чунки Г.П.Петлеванный ва О.С.Маликлар 400 немис мақол ва маталини тўплаганлар. Улар Шарқ халқлари классик поэзиясидан мустаҳкам ўрин олган тасвирий восита - сажъ усулида яратилган" [1.91]. Демакки, бу тажриба рус таржимашунослигида мавжуд. Ҳар ҳолда, таржима матнида сажъларни қайта тиклаш - бу аслият матнида берилган сўзнинг муқобилини таржимада келтириш эмас, балки унга мос қофиядош, ҳам муқобил бўлган сўзни келтириш демакдир. Бир сўзнинг қофиядошини топиб, аслиятга мослаштириш ҳам таржимондан юсак бадий маҳорат талаб этади.

Қиёсий таҳлиллар Лейден-Эрскин таржимасида сажъ санъатининг аниқ акс этганини кўрсатади. Таржимада сажъни ифода этиш нафақат вазндошлик, қофиядошликни, балки маъновий бугунликни ҳам талаб

этадики, Лейден-Эрскин бунни тўла уддалашга эришган.

Асл матн асарнинг руҳи ва муаллиф услубини акс эттириши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Бирон-бир қўшимча, сўз ёки сўз бирикмаларининг таржимада тушириб қолдирилиши, ортиқча сўз қўшилиши моҳияти, муаллиф услубининг йўқолишига олиб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича: "Таржимашунослик асарни қайта яратиш ва таржимани қайта кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Таржима асл нуханинг фақатгина акси бўлиб эмас: "таржима, албатта, асл матни қайта ёзишдир. Барча ёзувлар, уларнинг мақсади қандай бўлишидан қатъи назар, муайян мафқурани ва поэтикани акс эттиради, муайян бир жамиятда бундай моҳироналик билан битилган адабиёт сифатида фаолият юритади" [9.13]. Шунингдек: Таржима - таржимоннинг тилшунослик, бадий эҳтиёжлари ва аслият матни ўртасида юзага келадиган фаолият эмас, балки таъсис этилган ва маълумот тизимида сақланиб қолингандир" [11.184].

Аслиятда келган сажъни аниқ ифода этишда таржима этилаётган тилга доир муқобил вариантлар билан алмаштириш лозим. Уларнинг қофиядош, вазндош шакллари саралаш, матнда акс эттириш таржимада аслият руҳиятини сақлаб қолишнинг муҳим шартидир. Сажъларни қайта тиклашда уларнинг турларига эътибор қаратишга тўғри келади. Аслиятнинг прагматик жиҳатлари таржима матнларига прагматик мувофиқлиги таржима муаммоларини ҳал этишга омил бўлади. Бир бадий шаклни таржимон кашф этган иккинчи бир бадийлаштирилган шакл воситасида ифодаланиши унда тасвирланган, прагматик маъно касб этаётган тасвирларга тубдан боғлиқ

бўлади. Бир сўз иккинчи бир сўзни экан, бунда аниқ маъноларни қайта маъно-мазмун жиҳатидан тақозо этар тиклаш бош мақсад ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллажанов А. Муножот таржимасида мазмун ва шакл бирлиги // Содружество языков. Содружество культур (Материалы 4-республиканской научной конференции). - Наманган, 2017. - Б.91.
(Abdullajanov A. The unity of meaning and form of the content in the translation of supplication // Commonwealth of Languages. Commonwealth of Cultures (Proceedings of the 4th Republican Scientific Conference). - Namangan, 2017. - P.91.)
2. Beveridge A.S., The B?bur-n?ma in English (Memoirs of Babur), Translated from the Original Turki Text of Zahiruddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, - London, 1922; Repr, in one Volume, - London, 1969; - New Delhi, 1970; - Lahore, 1975.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома". - Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. - Б.37.
(Zahiriddin Muhammad Babur. "Boburnoma". - Tashkent: East PPJC, 2002. - P.37.)
4. Leyden J., W.Erskine. Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan.?. Edinburg, 1826.
5. Раҳмон Ваҳоб. Мумтоз сўз сеҳри (мақолалар тўплами). - Тошкент: O'zbekiston, 2015. - Б.178.
(Rahmon Wahab. Magic of selected word. (a collection of articles). - Tashkent: Uzbekistan, 2015. - P.178.)
6. Раҳимов Ф. Таржима назарияси ва амалиёти. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. - Б.92.
(Rakhimov G. Theory and Practice of Translation. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2016. - P.92.)
7. Саримсоқов Б. Сажъ // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1971. - № 2. - Б.74.
(Sarimsoqov B. Saj // Uzbek Language and Literature. - Tashkent, 1971. - № 2. - P.74.)
8. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. - Тошкент: Фан, 1978. ? Б.122.
(Sarimsoqov B. Saj in Uzbek literature. - Tashkent: Fan, 1978. - P.122.)
9. Susan Bassnett and Andr? Lefevere, eds., Translation, History and Culture. - London and New York: Pinter Publishers, 1990. - P.13.
10. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler M., Thackston. - New York & Oxford, 1996.
11. Heekyoung Cho. Literary Translation and Appropriation: Korean Intellectuals' Reception of Nineteenth - Century Russian Prose via Japan, 1909-1927. Dissertation for the Degree PhD. - Chicago, Illinois. 2010. - P.184.
12. МТ - муаллиф таржимаси. (МТ - author's translation.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ГЕКТОР МАЛОНИНГ "САЁҚ ТРУППА" ҚИССАСИ ТАРЖИМАСИДА
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РУҲИАТИНИНГ ИФОДАСИ

Гулсанам Рахимова

ЎЗМУ Француз филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи. miss_guli777@mail.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: G. Rakhimova. The transmission of children's and teenager's psychology into the translation of the novel "Without Family" of Hector Malot. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 91-99



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-11>

Келиб тушган сана 13 июнь, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада француз адиби Гектор Мало (Hector Malot, 1830 - 1907)нинг "Саёқ труппа" асари восита - рус тили орқали қилинган ўзбекча таржимасида болалар ва ўсмирлар руҳиятининг қайта яратилиш масаласи таҳлил қилинади, бадий адабиётда психологик тасвир борасида ёзувчиларнинг "қаламлари" фарқлилиги ҳақида фикр юритилади ва таржимоннинг ёзувчи психологик тасвир борасида назарда тутган ўзига хос хусусиятларни илғай олиш маҳорати ўрганилади.

Асарнинг ўзбекча нусхасини унинг аслияти билан таққослаш асносида мутаржимнинг "маҳорати" ўрганилган ва баҳо берилган. Бироқ муаллиф асар ўзбек тилига унинг русча муқобилидан амалга оширилганлиги сабабли, уларнинг русча ва ўзбекча матнларини солиштириш афзал кўрган. Афсуски русча нашрда таржимон кўрсатилмаганлиги, фақатгина сўзбоши муаллифи Ю.Кондратьева деган исми-шариф борлиги, русча, ўзбекча таржималарда ҳам асарнинг айрим бадий хусусиятлари келтирилмаганлиги таъкидланган. Рус мутаржими зарур оҳангни топа билмаган деб ҳисоблайди муаллиф. Бадий таржимага, матни, қаҳрамонларни, муҳитни, кийим-кечак, турмуш шароитларини талқин қилишга зарур тайёргарлик кўрилмагани сезилиб қолган... Бунинг ҳаммаси шунга олиб келганки, натижада асарнинг асосий ўринларини баъзан таржимон тушунмаган, баъзан эса бутунлай бузиб кўрсатган, бу эса асарнинг бадий аҳамиятини, қийматини пасайтиришга олиб келганлиги таҳлил қилинган. Балки бу мутаржимнинг тажрибасизлигидан, балки мафкуравий нуқтаи назардан амалга оширилгандир деган хулосага келинган. Зотан бир пайтлар В.Жирмунский ёзган эдики, "Таржима адабиёти ўзи таржима қилинаётган тил адабиёти мақсадига хизмат қилади". Ю.Кондратьева китобнинг русча нашрига ёзган "Гектор Мало ва унинг "Саёқ труппа" повести" номли сўзбошида ҳам гап шу ҳақида кетади.

Калит сўзлар: бевосита таржима, билвосита таржима, таржимон, болалар ва ўсмирлар руҳияти, психология, қайта яратиш, бадий адабиёт.

ОТРАЖЕНИЕ ДЕТСКОЙ И ПОДРОСТКОВОЙ ПСИХОЛОГИИ В ПЕРЕВОДЕ ПОВЕСТИ ГЕКТОРА МАЛО "БЕЗ СЕМЬИ"

Гулсанам Рахимова

Старший преподаватель, независимый соискатель кафедры Французской филологии Национального Университета Узбекистана

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается и анализируется передача детской и подростковой вообразений на узбекском переводе повести "Без семьи" известного французского писателя Гектор Мало (Hector Malot, 1830 - 1907) через язык-посредник - русского языка. Также научно изучается разнообразие способ психологических описаний и свойственные мастерства писателей.

Сравнивая узбекскую версию работы с ее оригиналом, "мастерство" переводчика изучалось и оценивалось. Однако автор предпочел сравнить русский и узбекский тексты, поскольку работа была сделана на узбекском языке из русского эквивалента. К сожалению, в русском издании нет переводчика, только имя автора, Ю.Кондратьева, русские и узбекские переводы не привносят некоторые художественные особенности работы. Русский переводчик не нашёл нужного тона. Проанализирована и обнаружена некомпетентность в переводе, тексте, персонажах, окружении, одежде и жизненных условиях ..., и это всё привело к снижению значения. И заключено что этот метод не был неопытным, но идеологическим. Однажды В.Жирмунский писал: "Письменная литература служит цели переведенной литературы". То же самое касается слов Ю.Кондратьевой в русском издании книги "Гектор Мало и его повесть "Без семьи".

Ключевые слова: непосредственный перевод, переводчик, детская и подростковая психология, воображение, передача, художественная литература.

THE TRANSMISSION OF CHILDREN'S AND TEENAGER'S PSYCHOLOGY INTO THE TRANSLATION OF THE NOVEL "WITHOUT FAMILY" OF HECTOR MALOT

Gulsanam Rakhimova

Senior lecturer, independent researcher of the French Department of National University of Uzbekistan

ANNOTATION

This given article is about the analyses of questions of transmission of children's and teenager's psychology in the Uzbek translation from trough-language - Russian of the literary work "Without family" of Hector Malot (1830-1907), French writer, and are analyzed the peculiarities of psychological expressions of writers and competence and mastery of translator by giving these specific peculiarities into translation.

While comparing the Uzbek version of the work with its originality, the translator's "skill" has been studied and evaluated. However, the author preferred to compare Russian and Uzbek texts, since the work was made in Uzbek from the Russian equivalent. Unfortunately, in the Russian edition, there is no interpreter, only the name of the author, Yu.Kondratieva, and Russian and Uzbek translations do not bring some artistic features of the work. Russian translator did not find the necessary tone. It was discovered that there was no need for literary translation, text, characters, environment, clothes, and the interpretation of their living conditions.

All this has led to the fact that the main roles of the work are sometimes misunderstood and sometimes distorted by the interpreter, which has led to the reduction of the artistic value and value of the work. Perhaps it was concluded that this technique was not inexperienced, but ideological. He once wrote, "Translation Literature serves the purpose of the translated literature." The same goes for the foreword of Yu. Kondratieva in the Russian edition of the book "Hector Malot and his story "Without family"

Key words: direct translation, indirect translation, translator, children's and teenager's psychology, psychology, transmission, literature.

Бош вазифаси инсоншунослик бўлиш бадий адабиётда психологик тасвир борасида ёзувчиларнинг "қаламлари" бир бирларидан фарқ қилади. "Психологик тасвир турли кўринишларга эга бўлиши мумкин. - деб ёзади Н.Г.Чернишевский. - Бир ёзувчини характернинг қирралари кўпроқ қизиқтиради, иккинчиси ижтимоий муносабатлар ва маиший тўқнашувларнинг характерларга таъсири билан қизиқади; учинчиси ҳислар билан фаолият орасидаги алоқага, тўртинчиси эҳтирослар таҳлилига берилади". [5.423]

Ёзувчи услубининг шаклланишида унинг қайси табақа ўқувчиларига мўлжаллаб ёзиши ҳам катта аҳамиятга эга. Масаланинг муҳим томони шундаки, ҳақиқий реалистик асарда биз фақат алоҳида қаҳрамонларнинг характеринигина эмас, ёзувчининг ўзига хос ички дунёсини ҳам ҳис қиламиз. Бусиз асардаги ҳаёт тасвири бизга тўлиқ етиб келмайди.

Француз адиби Гектор Мало (Hector Malot, 1830-1907)нинг 1878 йилда нашр этилган "Саёқ труппа" (русча "Без семьи", "французча "Sans famille") қиссаси ёзувчига катта шўҳрат келтирди. Г.Мало барчага - катталарга ҳам, кичиклар ва ўсмирларга ҳам бағишланган асарлар муаллифи ҳисобланади. Унинг асарлари дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган. Шулار орасида ўзбек тилига ўгирилган "Саёқ труппа" ҳам бор. Қаерлардадир таржималар аслиятдан амалга оширилган бўлса, қаерлардадир восита тиллар орқали бажарилган. 1965 йил Сурайё Сайдалиева томонидан ўзбекчалаштирилган "Саёқ труппа" ҳам восита тил орқали, яъни асарнинг 1960 йил Қозоғистон Давлат нашриёти томонидан чоп этилган русча нусхасидан амалга оширилган. Айрим камчиликларга эътибор бермаганда,

асарнинг ўзбекча таржимаси унинг русча нусхасига деярли тўлиқ мос келади. Бироқ ҳар икки таржимани унинг аслияти билан таққослаганда, жуда галати томонлар намоён бўлади.

Асарнинг ўзбекча нусхасини унинг аслияти билан таққослаган киши мутаржимнинг "маҳоратидан" ажабланмасдан иложи йўқ. Бироқ асар ўзбек тилига унинг русча муқобилидан амалга оширилганлиги сабабли, уларнинг русча ва ўзбекча матнларини солиштириш тўғри бўлади. Афсуски русча нашрда таржимон кўрсатилмаган, фақатгина сўзбоши муаллифи Ю.Кондратьева деган исми-шариф бор. Русча, ўзбекча таржималарда ҳам асарнинг айрим бадий хусусиятлари келтирилмаган. Рус мутаржими зарур оҳангни топа билмаган. Бадий таржимага, матнни, қаҳрамонларни, муҳитни, кийим-кечак, турмуш шароитларини талқин қилишга зарур тайёргарлик кўрилмагани сезилиб турибди. Бунинг ҳаммаси шунга олиб келганки, натижада асарнинг асосий ўринларини баъзан таржимон тушунмаган, баъзан эса бутунлай бузиб кўрсатган. Бу эса асарнинг бадий аҳамиятини, қийматини пасайтиришга олиб келган. Балки бу мутаржимнинг тажрибасизлигидан, балки мафкуравий нуқтаи назардан амалга оширилгандир. Зотан бир пайтлар В.Жирмунский ёзган эдики, "Таржима адабиёти ўзи таржима қилинаётган тил адабиёти мақсадига хизмат қилади". [1.265] Ю.Кондратьеванинг китобнинг русча нашрига ёзган "Гектор Мало ва унинг "Саёқ труппа" повести" номли сўзбошида ҳам гап шу ҳақида кетади: "Китобхон Ремининг тақдирини эътибор билан кузатиб бораркан, у билан мамлакат бўйлаб фикран саёҳат қилади ва француз халқининг ҳаёти, ўша вақтдаги урф-одатлар ҳақида кўп нарсани билиб олади. Деҳқонлар,

шахтёрлар, саёқ актёрлар, товламачилар ва соф виждонли кишилар - ҳаммаси умумий фонни ташкил қилувчи персонажлар бўлиб, шу билан бир вақтда улар мустақил ҳолда ҳам китобхонда катта қизиқиш туғдиради. "Саёқ труппа" капиталистик мамлакатдаги халқнинг оғир ҳаётини тасвирловчи асардир. Совет болалари учун китобнинг худди ана шу томонлари аҳамиятли". [2.3] (таъкид бизники - Г.Р.)

Таржима совет болалари ва ўсмирларига мўлжалланганлиги учун таржимон уни жуда тушунарли тилда таржима қилишга интилган. Таржима аслиятга катта путур етказган. Қолдирилиб кетган жойлар жуда кўп, миллий реалияларга катта зарар етган. Аслиятда муаллифнинг ўз қизи Люси Малога "Бағишлов"и русча ва ўзбекча таржималарда йўқ. Унда муаллиф китоб устида ишлаб туриб ҳам фақат ўз қизи ҳақида ўйлаганлиги келтирилади:

"Китоб устида ишлаб туриб, мен доимо сен ҳақингда ўйладим, қизим ва ҳар сония сенинг исминг менинг тилимдан тушмади - Люси буни тушунармикан? - Бу Люсини қизиқтирармикан? Ҳар доим Люси, Люси. Сенинг ҳар сония такрорланган исминг шу саҳифалар тепасига ёзиб қўйилиши лозим, билмадим, уларнинг тақдири нима бўлади, аммо нима бўлганида ҳам улар мени шу қадар хурсанд қиладиларки, бу қувонч менинг илгариги барча шодликларимдан устун келади, унинг устунлиги шундаки, сен бу саҳифаларни ўқийсан, мен эса уларни сента бағишлайман". [8.5]

Ёзувчининг тили ўзининг ранг-баранглиги ва бойлиги билан ажралиб турган ҳолда, айти пайтда ҳамма учун тушунарли бўлиши ҳам керак. Ёзувчи маҳорати айтилмоқчи бўлган фикр, тасвирланаётган предмет ва руҳий ҳолатни энг аниқ ва энг ёрқин ифода

эта оладиган сўз ва ибораларни топа билишдан иборатдир. Бу халқ тилини, унинг нозик томонларини ва ясалиш қонунларини яхши билишни, тил бойликларидан эркин фойдалана олишни тақозо этади. Энг талантли ёзувчилардан ҳам бу соҳада катта меҳнат талаб қилинади.

Гектор Мало болаларнинг ҳаёти, саргузаштлари ва кечинмалари ҳақида содагина ҳикоя қилиб, уларнинг руҳиятни очишда оддий ва ҳаққоний усул қўллаб, ёш қаҳрамонларни қуршаб турган воқеликнинг реалистик тасвирини яратади. Болалар туйғуларининг поклиги ва шўхликларини тасвирлаш адиб учун ижтимоий аҳамият касб этади. Ёзувчи тасвирлаган оламда инсон фақат болалиги ва ўсмирлигида қалб поклигини, туйғуларининг самимийлиги ва софлигини сақлаб туради, вақт ўтиши билан бу хислатлар сўниши сир эмас.

"Саёқ труппа" - узоқ вақт ўзининг ота-онаси кимлар эканлигини билмай, бошқалар атрофида дайдиб юрган Реми исми биланнинг ҳаёти ва саргузаштлари ҳақидаги ҳикоя. Адиб Ремининг ҳаёти, унинг дўстлари - меҳрибон Барбарен онахон, олижаноб Виталис амаки, содиқ дўсти Маттиа ва душманлари - бешафқат Гарафоли, виждонсиз Дрискол, мунофиқ Жеймс Миллиган ҳақида юксак маҳорат билан ҳикоя қилади. Г.Мало асарнинг ҳақиқий персонажларидан ҳисобланмиш маймун Душка, Капи, Дольче ва Зербино каби жониворлар тасвирига ҳам катта аҳамият беради. Бу жониворлар образлари китобхон ёдида узоқ сақланиб қолади.

Адиб шафқатсиз, фақатгина пул ортириш, бойлик тўплашга асосланган, ҳамма нарса соғиладиган, пулга чақиладиган жамиятда болалар ҳам худди оддий буюмлардек

сотилишини ва сотиб олинишини қаттиқ қоралайди. Реми ҳам, унинг дўстлари, жумладан Маттиа ҳам сотилади. Болани сотиб олган хўжайин ўзини уни очликда сақлашга, уриш, таҳқирлашга лойиқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам доимо оч-наҳор, тинимсиз калтакланиб юрувчи Маттиа ғарибхонага тушишни катта бахт деб ҳисоблайди, соппа соғ ва кучли Реми оёқ силига мубтало бўлган, тўшакка михланган, бироқ доимо қорни тўқ ва диққат-эътибор остидаги Артурга ҳавас қилади.

Бироқ ҳар икки таржимада ҳам болалар, айниқса, Реми руҳиятини қайта яратишга асарнинг биринчи бобидаёқ путур етади. Бунини айрим мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбекча таржиманинг биринчи боби бошидаги "Мен ташландиқ бола эканман" (Я - найденыш) жумласидан кейинги иккинчи жумла унинг русча муқобилини тўлиқ акс эттиради. Эътибор беринг. Русчада:

"Но до восьми лет я этого не знал и был уверен, что у меня, как и у других детей, есть мать, потому что, когда я плакал, какая-то женщина нежно обнимала и утешала меня и слезы мои тотчас же высыхали". [6.2]

Ўзбекчада:

"Лекин саккиз ёшга киргунимча бунини билмасдим, бошқа болалар каби менинг ҳам онам бор деб юрардим. Негаки, йиғлаганимда бир аёл меҳрибонлик билан мени бағрига босиб юпатар, шунда кўз ёшларим дарров тиниб қоларди". [7.9]

Французча аслиятда эса мазкур жумла куйидаги кўринишга эга:

"Mais, jusqu'a huit ans, j'ai cru que, comme tous les autres enfants, car, lorsque je pleurais, il y avait une femme qui me serrait si doucement dans ses bras en me bercant, que mes larmes s'arretaient de couler". [8.7] (таъкид бизники - Г.Р.)

Бу ерда русча таржимада аслиятдаги "une femme qui me serrait si doucement dans ses bras en me berçant" жумласи рус тилига "какая-то женщина нежно обнимала и утешала меня" деб ва, натижада, ўзбек тилига "бир аёл меҳрибонлик билан мени бағрига босиб юпатар" тарзида ўгирилган. Асар аслиятдаги "en me bercant" равишдоши рус тилида қолдириб кетилгани учун, ўзбек тилида ҳам акс этмаган. Зеро французча "bercer" рус тилида "баюкать", ўзбек тилида эса "алла айтиб тебратмоқ, овутмоқ, ухлатмоқ" маъносини беради. Французча "bercer"нинг том маъноси тебратишда намоён бўлади. Шу сабабли "бир аёл меҳрибонлик билан мени бағрига босиб юпатар"ни "бир аёл мени бағрига босиб оҳиста тебратар" маъносида ўгирмоқ мақсадга мувофиқ бўлади ва амалиётга тўғри келади. Бу аёлнинг болага бўлган меҳрини аниқ ифода этади ва айнан шунинг учун ҳам Реми (асар қаҳрамони) шу "бир аёл"ни ўз онаси деб ўйлаган.

Гектор Малонинг ҳикоя услуби турли бадийий усулларга бой, романдаги кўплаб драматик - фожеавий ва кулли - сахналарда адиб диалог усулини танлайди, биринчи шахс тилидан келтирилган ҳикоялар эмоционаликни кўтарди ва ҳикояга индивидуал тус беради, дидактик мушоҳадалар, маиший ҳаёт тасвирлари, гўзал табиат манзаралари бир-бирлари билан уйғунлашиб кетади.

Таржимон русча матнга айрим жумлаларни қўшади. Жумладан, китобнинг биринчи қисм "Қишлоқда" (Au village) деб номланган биринчи бобида русча ва ўзбекча таржималарда бўлган "Далада сизир боқиб юганимда момақалдироқ бўлиб қолса, у менга пешвоз чиқар, ёмғирдан пана қилмоқчи бўлиб жун юбкасини бошим билан елкамга ташларди" [7.9] - "Если гроза

заставала меня в то время, когда я пас нашу корову на пустырях, она выбегала ко мне навстречу и, стараясь укрыть от дождя, набрасывала мне на голову и плечи свою шерстяную юбку" [6.2] жумласи французча аслиятда йўқ.

Аслиятдаги "Quand j'avais une querelle avec un de mes camarades, elle me faisait conter mes chagrins, et presque toujours elle trouvait de bonne paroles pour me consoler ou me donner raison" русчага "Я рассказывал ей о своих огорчениях, о ссорах с товарищами, и немногими ласковыми словами она всегда умела успокоить и образумить меня" [6.3] ўзбекчага эса "Мен унга ўз қайгуларим, ўртоқларим билан жанжаллашганим тўғрисида гапириб берардим, у эса бир-икки оғиз ширин гап билан мени тинчлантирар, насиҳат қиларди", [7.9] деб таржима қилинган.

Французча аслиятдаги жумла рус тилига "Когда я ссорился с кем-нибудь из моих товарищей, она спрашивала меня о моих обидах и почти всегда находила ласковые слова чтобы меня успокоить и дать советы", деб таржима қилиниши лозим эди. Чунки бу ерда Реми онахонига шикоят қилмаяпти, аксинча, Барбарен она унинг муаммолари ҳақида суриштиряпти. Бунинг аҳамияти жуда катта, зотан у рус ва ўзбек ёш китобхонлари қаршисида қахрамон характерини бузиб кўрсатади.

Аслиятдаги бундан кейинги "Par tout cela et par bien d'autres choses encore, par la facon dont elle me parlait, par la facon dont elle me regardait, par ses caresses, par la douceur qu'elle mettait dans ses gronderies, je croyais qu'elle ?tait ma mere" жумла ҳам дастлаб рус тилига, ундан сўнг эса ўзбек тилига нотўғри таржима қилинган. Таржималарда жумла қисқартирилган ва қуйидагича жаранглайди. Рус тилида: "Ее постоянные заботы, внимание и

доброта, даже ее воркотня, в которую она вкладывала столько нежности, - все заставляло меня считать ее своей матерью". [8.8] Бу ерда аслиятдаги жумланинг "Par tout cela et par bien d'autres choses encore, par la facon dont elle me parlait, par la facon dont elle me regardait, par ses caresses" бош қисми туширилиб қолдирилган ва унинг ўрнига русча таржимада "Ее постоянные заботы, внимание и доброта", [6.3] ўзбекчада эса "Доимий гамхўрлиги, эътибори, сахийлиги" [7.10] кўшилган.

Рус таржимони ёхуд ноқобиллигидан, ёхуд ёш китобхонга тушунарли бўлсин учун аслиятдаги мураккаб жумлаларни қисқартиради. Реми ўзи асранди ўғиллигини қандай билганлиги ҳақида ва ўзи яшаб турган қишлоқ ҳақида ҳикоя қилади. У қишлоқ ҳақида аслиятда шундай дейди:

"Mon village, ou, pour parler plus justement, le village ou j'ai ete eleve, car je n'ai pas eu de village a moi, pas de lieu de naissance, pas plus que je n'ai eu de pere et de mere, le village enfin ou j'ai passe mon enfance se nomme Chavanon ; c'est l'un des plus pauvre du centre de la France.

Cette pauvreté, il la doit non a l'apathie ou a la paresse de ses habitants, mais a sa situation meme dans une contree peut fertile. Le sol n'a pas de profondeur, et pour produire de bonnes recoltes il lui faudrait des engrais ou des amendements qui manquent dans le pays. Aussi ne rencontre-t-on (ou au moins ne rencontrait-on a l'epoque dont je parle) que peu de champs cultives". [8.8,9]

Ушбу келтирилган икки французча хатбоши русча ва ўзбекча таржималарда иккитадан жумла билан берилган, холос. Улар қуйидагича кўринишларга эга, русча таржимада: "Деревушка Шаванон, где я вырос и провел свое раннее детство, - одна из самых бедных деревень центральной Франции... Почва

здесь крайне неплодородна и требует постоянного удобрения", [6.3] ўзбекчада: "Мен катга бўлган, ёшлигим ўтган Шаванон қишлоғи марказий Франциядаги энг қашшоқ қишлоқлардан бири... Бу ернинг тупроғи жуда унумсиз, доимо ўғитлаб туриш керак эди". [7.10]

Ҳар икки таржимада ҳам бу икки жумла ўртасига аслиятда йўқ қуйидаги матнлар қўшилган: "Поэтому обработанных и засеянных полей в этих краях чрезвычайно мало, и повсюду тянутся огромные пустыри. За пустырями начинаются степи, где обычно дуют холодные резкие ветры, мешающие росту деревьев; оттого деревья встречаются тут редко, и то какие-то малорослые, чахлые, искалеченные. Настоящие, большие деревья - красивые, пышные каштаны и могучие дубы - растут только в долине по берегам рек". [6.3]

Кейинги французча жумла "C'est dans un repli de terrain, sur les bords d'un ruisseau qui va perdre ses eaux rapides dans un des affluents de la Loire, que se dresse la maison ou j'ai passe mes premieres annees" [8.8,9] рус тилига "В одной из таких долин, возле быстрого полноводного ручья, стоял домик, где я провел первые годы своего детства" [6.3] деб, ўзбек тилига эса "Шундай водийлардан бирида, тез оқар анҳор яқинида бир уй бор, менинг болалик йилларим ана шу уйда ўтган" [7.10] тарзида таржима қилинган. Бизнинг бу ерда русча ҳам, ўзбекча ҳам таржимага эътирозимиз бор. Энг аввало, рус мутаржими нафақат французча "un ruisseau qui va perdre ses eaux... dans un des affluents de la Loire (на берегу ручья, которая впадает в один из притоков Луары)ни тушириб қолдирган, балки "dans un repli de terrain - неровная местность"ни "в одной из таких долин", "un ruisseau - ручье"ни "полноводное

ручье" деб таржима қилган. Унинг ўзбек ҳамкасби эса "полноводное ручье"ни "тез оқар анҳор - быстротекущий канал"га айлантириб юборган.

Реми ана шу уйда яшаган. Қуйидаги кўринишдаги "Jusqu'e huit ans je ne jamais vu d'homme dans cette maison, cependant ma mere n'etait pas veuve, mais son mari, qui atait un tailleur de pierre, comme un grand nombre d'autres ouvriers de la contree, travaillait a Paris..." французча матн дастлаб рус тилига, ундан сўнг ўзбек тилига ҳам қисқартирилиб ва бузиб таржима қилинган. Русча кўриниш: "Мы жили в нем только вдвоем с матерью; муж ее был каменщиком и, как большинство крестьян этой местности, жил и работал в Париже", [6.3] ўзбек тилида: "Бу уйда атиги икки киши: оyim билан мен яшардик; унинг эри тош терувчи эди ва шу аτροφдаги деҳқонларнинг кўпчилиги сингари Парижда ишлар, ўша ерда яшарди". [7.10] (таъкид бизники - Г.Р.).

Таржималарда французча жумланинг бошланишидаги ўзбек тилига тахминан "Мен саккизга тўлгунигача бу уйда бирор эркакни кўрмадим, бироқ онам бева эмас эди" деб таржима қилиш мумкин бўлган қисми - "Jusqu'e huit ans je ne jamais vu d'homme dans cette maison, cependant ma mere n'etait pas veuve" туширилиб қолдирилган. Унинг ўрнига рус мутаржими ўйлаб топган "Мы жили в нем только вдвоем с матерью" жумласи киритилган. Унинг эри эса деҳқон эмас, тош терувчи бўлиб, "шу аτροφдаги деҳқонларнинг кўпчилиги сингари Парижда ишларди". Ҳар икки таржимада ҳам "ишчи - сангтарош" "деҳқон"га айланиб қолади ва Парижда уйлар қуради!?

"Саёқ труппа"да қаҳрамонлар характеристикаларини индивидуаллаштириш усуллари бойийди, мураккаблашади ва ранг-баранг

кўринишлар олади. Натижада адиб ижодининг илк даврига хос публицистик чекинишлар йўқолади, қуруқ баён ўрнига образлилиги ва жонлилиги билан китобхонни ишонтирувчи бадиий саҳналар пайдо бўлади, ҳаётий зиддиятлар ташқи тўқнашувларда эмас, қаҳрамоннинг (Реми) руҳий ҳолатини ёритиш орқали кўрсатилади, роман тўқимасига табиат манзаралари фақат статик пейзаж тарзида эмас, балки қаҳрамоннинг маълум пайтдаги руҳиятини кўрсатиш учун киритилади. Гектор Малонинг бадиий маҳорати янги, юқори поғонага кўтарилади.

Сўз бошида "...китоб совет болалари учун фойдали бўлади" дейилган.

Ҳар бир мутаржим аслиятни ўзича талқин қилади, изоҳлайди. "Таржима қилинаётган асарни чуқур англаб етиш мутаржимнинг аслиятни тўғри тушуниш имконини берувчи барча фактлардан қай даражада хабардор эканлигига боғлиқ". [1.288] Бундай таржима оммага қандайдир янгилик, қандайдир билим элтади. Ҳатто К.Чуковский ҳам барча мамлакатлар ва халқлар адабиётларига билим олиш нуқтаи назаридан ёндашиш ҳақида гапирган ҳамда яхши таржимонни иқтидорли актёрга қийёслаган эди. Бироқ "билим фақатгина ахборот элтувчи илмий эмас, эстетик ҳам

бўлади, агар улар иккиси қарама-қарши қўйилса, ахборот олиб эстетик завқ олмаган таржима ўқувчиси албатта ютқазади". [3.163] Шу сабабли ҳам биз таржиманинг илмий функцияси ҳақида гапирганимизда "ўзга даврлар ва халқлар" ҳаёти ҳақидаги ахборотни эмас, юксак маъно аниқлигига эга бўлган бадиий юксак асарларни назарда тутамиз. Она тилида асарнинг гоёвий мазмунини, унинг руҳини аниқ бериш лозим. "Аслиятга яқинлик ҳарфларни эмас, асарнинг руҳини беришдадир... мос образ мос жумла каби сўзларнинг юзаки мос келишида эмас: таржима қилинаётган иборанинг ички дунёси аслиятнинг ички дунёсига мос келмоғи лозим". [3.163]

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай асар сарлавҳаси ўзида маълум бир маъно ташийди ва асар таржимасида сарлавҳа ҳам алоҳида аҳамият касб этади. "Матннинг табиий тил воситалари билан ифодаланган график йиғма белгиси, бутун матн мазмунига ташхис қўйиб ва жамлаштириб, қўшимча маънолар ҳам берувчи, матн учун бошланғич ва ягона, уни номловчи ва/ёки тавсифловчи нисбий автосемантияликка эга унсур сарлавҳа деб аталади". [4.90] Шундай экан, мутаржимларимиз таржима қилинаётган асарларнинг сарлавҳаларига ҳам эътибор беришса ёмон бўлмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. - Т.: Фан, 2011. - С.265. (Vladimirova N.V. The development of Uzbek prose of the twentieth century and issues of artistic translation. - Т.: Fan, 2011. - P. 265)
2. Кондратьева Ю. Гектор Мало ва унинг "Саёқ труппа" повести/ Г.Мало. Саёқ труппа. - Т.: Ёш гвардия, 1965. - Б.3. (Kondratieva Yu. Hector Malo and his story "Without family" / H. Malot. Without family. - Т.: Young Guards, 1965. - P. 3.)
3. Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. - М.: Советский писатель, 1980. - С.163. (Gachechiladze G. Art translation and literary interrelations. - Moscow: Soviet writer, 1980. - P.163.)

4. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. - М.: Просвещение, 1982. - С.90. (Kukhareno VA Interpreting the text. - Moscow: Enlightenment, 1982. - P.90.)
5. Чернишевский Н.Г. Полн. собр. соч., в 15 томах, т. 3. - М.: Госкомиздат, 1997. - С.423. (Chernyshevsky NG Full. collect. op., in 15 volumes, vol. 3. - Moscow: Goskomizdat, 1997. - P.423.)
6. Lib.ru.html Гектор Мало. Без семьи. - С.2-3. (Lib.ru.html Hector Malot. Without family. - P. 2-3.)
7. Мало Гектор. Саёқ труппа. - Т.: Ёш гвардия, 1965. - ББ.7-10. (Malot Hector. Without family. - Т.: Young Guards, 1965. - PP.7-10.)
8. Malot Hector. Sans famille. - Qu?bec : BeQ. La Biblioth?que ?lectronique du Qu?bec, Collection ? tous les vents. Volume 9: version 1.2 Edition de reference Le Livre de Poche. - P.5.

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

"ШИЛЬОН ТУТҚУНИ" ДОСТОНИ ТАРЖИМАСИДА ФОЖИАВИЙ
РУҲНИНГ БЕРИЛИШИ

Парда Қурбонов

Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: P. Kurbonov. Description of a tragic conflict in the translation of the poem "The Prisoner of Chillon". International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 100-106.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-12>

*Келиб тушган сана 10 июнь, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018*

АННОТАЦИЯ

Мақолада Г.Г. Байроннинг "Шилён тутқини" поэмаси, унинг асл матндан рус тилига В.Жуковский таржимаси ва ундан ўзбек тилига шоир Муҳаммад Али амалга оширган таржималари таҳлил қилинади. Сўзларнинг маъноси, асл матндаги сўз тартиби, таржималарда шеър руҳи ва таржималар ўртасидаги фарқлар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: мақсадсиз, бепарво, Шато де Шилён, нам, Дуке, зиндон, умидсизлик, мисралар, азоб-уқубатлар, қофиялар, зулм.

ВОССОЗДАНИЕ ТРАГИЧЕСКОГО КОЛЛИЗИЯ НЕСЧАСТЬЯ И НЕВОЛЕ В
ПЕРЕВОДЕ ПОЭМЫ "ШИЛЬОНСКИЙ УЗНИК"

Парда Қурбонов

Соискатель Каршинского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется поэма Г.Г. Байрона "Шильонский узник" и его перевод с оригинала на русский язык, сделанный В. Жуковским и перевод на узбекский через русский язык - посредник поэтом Мухаммадом Али. Рассматриваются смысл слов, словесных порядков на языке оригинала, дух стихотворения в переводах и различия между переводами.

Ключевые слова: бесцельный, небрежный, Шато де Шилён, влажный, герцог, подземелье, мрачный, метры, скряги, рифмы, пытки.

DESCRIPTION OF A TRAGIC CONFLICT IN THE TRANSLATION OF THE POEM "THE PRISONER OF CHILLON"

Parda Kurbonov

Independent Researcher of Karshi State University

ANNOTATION

The article analyses G.G. Byron's *The Prisoner of Chillon* and its translations into Russian from the original by V. Jukovsky and into Uzbek from (intermediary) Russian by the Uzbek poet Muhammad Ali. The meaning of the words, the word orders in the original language, the spirit of the poem in the translations, and differences between the translations are looked at.

Key words: aimless, careless, Chateau de Chillon, damp, duke, dungeon, gloomy, lines, misers, rhymes, torture.

"Шильйон тутқуни" (*The Prisoner of Chillon*) - Байроннинг энг ёрқин поэмаларидан бири саналади. Шоир уни 1816 йилда Швейцарияда тоғлар орасида ёзган.

Шоир узоқ вақт давомида Швейцариянинг Альп тоғларидаги чўққиларни, тоғ, дарёларнинг шаршараларини, даралари ва мавжли кўлларини, буюк зотларнинг қадамжоларини зиёрат қилади. Байрон Шильйон қасри тагидаги даҳшатли қамоқда азоб чеккан халқ озодлик курашининг қаҳрамони Франсуа Бонивар ҳақида илк марта француз мутафаккири Жан-Жак Руссонинг "Юлия ёхуд Янги Элоиза" романида ўқиганлигини айтади. Байрон бу поэмасида ва бутун ижодида золимларни фош этиб, инсон қадр-қиммати, озодлигини куйлаб келган. Руссо гоёлари шоирга илҳомбахш таъсир кўрсатган.

Шоир Байрон "Шильйон тутқуни" поэмасида халқни эзувчи золимларга кучли нафратини билдириш учун Ф.Бонниварнинг қамоқ муддатини 20 йил деб ўзгартирган. Қамоқдаги укалари ва ўғли азобдан ўлишини ҳам бадиий тўқима қилиб, фожей руҳни кучайтирган. Аслида шундай бўлиши ҳам мумкин эди.

Поэма ўша йили шоирнинг "Шильйон тутқуни" ва бошқа шеърлар

(*The Prisoner of Chillon* and other poems) тўпламида чоп этилади.

Поэмада швейцариялик халқ қаҳрамони, 1530-1536 йиллар Женева фуқароларининг герцог Савойский зулмига қарши қўзғолонида фаол иштирок этган Франсуа Бонивар (Francois de Bonivard, 1493-1570) нинг жасорати, тутқунликдаги ҳаёти ва ўлими тафсилотлари романтик пафосда тасвирланади. Асардаги воқеалар ўта мудҳиш ҳолатда ва ачинарли кайфиятда қаламга олинади.

"Шильйон тутқуни" поэмасини 1822 йилда таниқли шоир ва таржимон Василий Андреевич Жуковский рус тилига ўтирган эди. Поэмани воситачи тилдан Муҳаммад Али ўзбекчага ўтирди. Бу таржима Байроннинг ўзбек тилидаги "Сайланма" китобида босилиб чиқди. [1.57]

В.Жуковский таржимасига ижодий ёндашган ўзбек шоири Муҳаммад Али ҳам поэма матнидаги ҳар бир сўз ва иборанинг зоҳирий ва тағмагносига эътиборни қаратган ҳолда унинг қўлланишига ва ҳар бир шоирона фикрнинг мужассам жаранглашига эришади.

Тўғриси, таржима жараёнида Муҳаммад Али "Таржима санъати даҳоси" (А.С.Пушкин), қолаверса Байронга замондош бўлган В.А.Жуковский сатрлариға монанд

мисралар яратишга интилади. Хуллас, Байрон ва Жуковскийдан кейин Муҳаммад Али асар қаҳрамони Бониварга - Шильён тутқуни ва унинг биродарларининг чеккан азобларини ўзбекча сатрларда равшан тасвирлай олган. Байрон ва Жуковский - романтизм шеъриятининг икки буюк сўз устасидан шоир-таржимон Муҳаммад Али маҳорат сирларини ўрганди, ўзлаштирди, кейинчалик ўз ижодига татбиқ қилди, десак хато қилмаган бўламиз.

Поэманинг биринчи қўшигидаги ушбу сатрларни аслиятга қиёсласак, В.А.Жуковский ҳамда М.Алининг таржимада поэма бадииятини, инсон қадр - қимматини ҳимоя қилиш пафосини тўлиқ акс эттирганлигини кўрамиз. Воқеа, фожей рухий ҳолатлар биринчи шахс, қаҳрамон тилидан, унинг ўй- кечинмалари орқали берилиши ўқувчиларга кучли эмоционал таъсир кўрсатади.

Байрон поэма аввалида "Шильён чоҳи"га бағишланган ўн тўртлик - сонетни келтиради. Мазкур сонетни аслиятдан рус тилига В.Левик ва Г.Шенгели ўзича таржима қилганлар. Сонетнинг баъзи байтлари В.Левик таржимасида, баъзи байтлар эса П.Шенгели таржимасида мукамал берилган. Бизнингча, В.Левик аслиятдаги юсак пафосга яқинлаштираман деб, мураккаб ва баландпарвоз сўзларни ишлатиб, гоҳида мазмунини тушунарсиз ва таъсирсиз қилиб қўйган. Г.Шенгели таржимасида эса ҳам аслиятдаги юсак пафос, ҳам мазмун равшанлиги сақланиб қолган (XX век. Романтизм. 207- бет.)

Муҳаммад Али, "Шильён сонети"ни воситачи тилдан, Г.Шенгели таржимасидан ўгириб асарнинг барча фазилатларини бера олган. Айниқса, сонетнинг хулосаси ўзбекчада табиий жаранглайди:

№3 (2018)

***Тошларда излари кўрунар ҳайҳот,
Ул излар ўчмагай асрдан аср,
Қулликдан Тангрига қилурлар фарёд.
[2.56]***

Рус шоири В.А.Жуковский инсон шаънини ерга урувчи ижтимоий ҳолатни, халқни қийновчи золимларнинг шафқатсизлигини шеър вазнида, қофияларда, ихчам ва ноёб сўзларда акс эттира олган. Қаҳрамон сочларининг оқаришига, инсонларнинг бир-бирига қилган жабр-зулми сабабчи эканлиги сара сўзларда, фожей оҳангда берилган.

Муҳаммад Али ҳам инглиз даҳосининг байтларидаги шу теран маъноларни бадиий ифодалаш, аслиятнинг ва воситачи тил-рус тилининг бадиий имкониятлардан ҳамда ўзбек тилининг бойлиги ва нафосатидан моҳирона фойдалана билган. У таржимада аслиятга ва воситачи тилга мувофиқ ритм, вазн ва оҳанг ҳосил қилганини кўрамиз.

Муҳаммад Али таржимаси:

***Қаранг, сочим оқарди оппоқ,
Кексайишдан эмас бу мутлоқ,
Ёки даҳшат, кўққис келган гам
Бир кечада оқартмади ҳам,
Манглайим-ку ажинга тўлиқ,
На меҳнат, на иссиқ-совуқ йўқ,
Зиндон этди адои тамом.
Ёруғ кундан маҳрум беором,
Диққинафас яшаб занжирбанд,
Бўлиб қолдим оқибат дардманд.
Қачон умрим тугар - йўқ нишон,
Эътиқод деб ўлим ва кишан
Иснодига қолган отамиз
Қисматиға шерик бўлдик биз
Олтов эдик - мен қолдим фақат.
Отамни тинч қўймади ғурбат,
Уни ўтга отдилар охир
Оғам-шим, қадр-ку қадр,
Жондан кечди, масъум ва порлоқ
Қалб қатиға тушмасин деб доғ.
Учов бўлса тирик кўмилдик,***

*Зиндон ичра тутдай тўқилдик.
Иккимизни ер ютди, ҳайқот.
Ёлғиз мен, мен қолдим, харобот.
Бари учун тутгани мотам,
О, орттирдим ўз бошимга ғам!*
[2.57-58]

Биринчи кўшиқдаги мисралар сони аслият ва таржималарда бир хил, яъни йигирма олти қаторда сақланиб қолган. Муҳаммад Али таржимасидаги байтлар В.Жуковскийнинг русча матнига монанд ва ҳамоҳанг жаранглайди, ўзбек тилида раво ўқилади.

Кўшиқдаги сатрларда тасвирланганидек, ака-укаларнинг занжирбанд қилингани уларнинг ўз эътиқодларидан қайтмагани, бу йўлда барча азоб-уқубатларга тайёр турганликлари, қоронги зиндон азобларига бардош бериб, ўлимга тик боққанларида намоён бўлади. Мана шу юксак романтик пафосли сатрлар аслият ҳамда русча таржимада қуйидагича жаранглаган.

Инглизчада:

*But this was for my father's faith
I suffered chains and courted death;
That father perished at the state
For tenets he would not forsake*

Русчада:

*И жизнь казалось без конца
Удел несчастного отца.
За веру, смерть и стыд цепей
Уделом стал и сыновей (стр -28)*

В.А.Жуковский ўз таржимасидаги учинчи қаторни алоҳида ажратиб кўрсатган. Бу билан таржимон барча азоб-уқубатлар замирида қаҳрамонларнинг эътиқоди, ор-номуси ётганини алоҳида таъкидламоқда. Бу эса Жуковский сатрларининг таъсирчанлигини янада оширган, уни аслият руҳига яқинлаштирган. Муҳаммад Али таржимасида бу ҳолат четлаб ўтилган.

*Қачон умрим тугар - йўқ нишон
Эътиқод деб ўлим ва кишан -*

*Иснодига қолган оталик
Қисматига шерик бўлдик биз.
[2.57]*

Шундай бўлса-да, бу ерда Муҳаммад Али сатрлар маъносини сақлаб қолишдан ташқари русчадаги қофиялар ўрнини ҳам ўзбек тилида айнан бера олган. Кўшиқнинг давомидаги

*We were seven-who now are one,
Six in youth, and one in age.*

Байтни В.А.Жуковский бундай ифодалайди:

*Нас было шесть-пяти уже нет,
Отец, страдалец юных лет.*

қабилда таржима қилаяпти. Рус таржимони негадир инглизча матндаги:

"Нас было семь: отец шестеро сыновей, из которых уцелел лишь один" мисрасидаги "Нас было семь" иборасини "Нас было шесть" деб ўтирган. Бу ибора Муҳаммад Алида ҳам "Олтов эдик" тарзида таржима қилинган. Ёки аслиятдаги "Their belief with blood have sealed" мисраси Жуковскийда "Спасли души своей любовь" тарзида, Муҳаммад Алида эса "Қалб қатига тушмасин деб доғ" қабилида ўтирилган. Шунингдек, бутун поэма матнида муҳим аҳамият касб этиб келган "Finished as they had began / Proud of Persecution's rage" сатрлари русча таржимада умуман тушиб қолган. Улар ўрнида В.Жуковский аслиятда умуман йўқ бўлган "За веру-смерть и стыд цепей" мисрасини киритиб, уни курсив билан алоҳида таъкидлаб ўтмоқда.

Муҳаммад Алида ҳам бу мисра таъсирли, "Эътиқод деб ўлим ва кишан" ҳолида ўтирилмоқда. Инглиз тилидаги "belief" сўзи "ишонини", "маслак", "эътиқод" каби луғавий маъноларга эга. Байрон бу сўзни ишлатаркан, қаҳрамонларининг, хусусан, Бониварнинг республика тузумига "ишончи", унинг гоёси маслаги, ниҳоят диний эътиқодини ҳисобга олган эди.

Демак, кўп ҳолларда В.А.Жуковский Байрон матнидаги сўзларнинг тағ маъносига катта эътибор беради, ўзидан янги сўз ва мисра қўшиб бўлса ҳам асл нусха мазмуни ҳамда руҳини таржимада тиклашга эришади. Муҳаммад Али ҳам Жуковский матнига ижодий ёндашиб, ундаги маъно ва равлонликни ўзбек тилида маҳорат билан ярата олаётти .

Поэманинг учинчи қўшиғи аслият ва русча матнга яқин, анча муваффақиятли ўтирилган. Бизнингча шоир-таржимон русча матнга ижодий ёндашаркан, ундаги фожеавий кайфиятнинг романтик пафосини бера олган, ички, ташқи қофиялар ўрнини сақлай билган ва мисраларнинг равлон ўқилишини таъминлаган. Русча ва ўзбекча матнларни муқояса қиламиз;

Устунларга бизни вобаста
Қилмиш занжир: гарчи баримиз
Жам эдик-ку. Жудо эдик биз:
Юролмасдик у ёқ, бу ёққа,
Қорамизни илғаб олмоққа
Тусимизни ўзгартириб сал,
Ғира-шира берарди халал,
Бўлдик-қолдик бегона сифат. [2.58-59]

В.А.Жуковский таржимасидан ўзбекчага ўтирилган бу содда ва қисқа жумлаларда тутқунликнинг реалистик манзараси Шильон чоҳининг романтик манзараси билан уйғунлашиб, ҳаётийлик касб этган.

Бир нарсада сезардик роҳат:
Овоз бермоқ мумкин-ку ҳар чоқ,
Ҳол сўрамоқ, кўнил кўтармоқ,
Кечмишлардан сўйлаш биланми-
Бироқ тезда бунинг бари-да,
Тишиб битди зиндон қағрида,
Овозимиз бўғиқ ва ғалат,
Овоз эмас, деворнинг суст, бад
Акс-садоси эди, ёввойи;
Кудрат сеҳри, эркиннинг чиройи
Гар юракка бахш айласа завқ,
Овозда ҳам бўлур катта фарқ.
Орзу?.. Бироқ сасларки барбод,
Бари менга туюлади ёт. [2.59]

Поэманинг тўртинчи қўшиғи асл нусхада йигирма уч қатор, В.Жуковскийда йигирма қатор ҳолида ўтирилган. Шу боис русча матн аслиятдан бирмунча узоқлашган, айрим образли иборалар ва қиёслар тушириб қолдирилган.

With tears for naught but other's ills
And then they flowed like mountain rills,
Unless he could assuage the woe
Which he abhorred to view below. [3.402]

В.А. Жуковский таржимасида аслиятдаги фожеий лиризм, навниҳол гўзаллик уканинг кўз ўнгида сўлиши, ака укага ёрдам беролмаганидан чеккан изтироблари, уканинг болагигидан шўх ва ширин қилиқларини эслаш фожеий ҳолатни янада кучайтиради.

Из нас троих я старший был:
Я жребий собственный забыл,
Дыша заботою одной,
Чтоб им не дать упасть душой.
Наш младший брат- любовь отца
Увы! Черты его лица
И глаз умильная краса,
Лазоревых, как небеса,
Напоминали нашу мать.
Он был мне все - и увядать
При мне был должен милый цвет,
Который с неба мне светил,
В котором я на воле жил.
Как утро, был он чист и жив:
Умом младенчески- игрив,
Беспечно весел сам собой...
Но перед горестью чужой
Из голубых его очей
Бежали слезы, как ручей. (стр 30)

Муҳаммад Али ўзбек тилининг нозик-нафис сўзларидан, бутун бойлигидан эркин фойдаланиб, оралиқ тилда тасвирланган ҳис-туйғуларни ва ҳолатларни, вазн равлонлигини, оҳангдорлигини, энг муҳими, фожеий ҳолатни тўлиғича ва равшанлик билан қайта тиклайди:

Орамиздан мен улуг эдим:
Рухсиз, ўздан кетмасин, дедим,

**Укаларим ғамин еб кун-тун
Ўзимни ҳам унутдим бутун.
Кенжамиз-ку отам эркаси...
Афсус! Унинг тарзи, чехраси,
Мовий само, тиниқ кўк йўсин
Кўзидаги жозоба, ҳусн
Онамизни эслатар чунон.
Ўз эрким-ла юрганда хандон
Кўёш сочган нур каби сулув,
Нафисгина чечак эди у,
Гарчи чечак фусункор эди,
Тақдирида сўлмоқ бор эди
Тонг каби пок, ўйноқи, уқтам,
Болаларча зийрак ақли ҳам,
Беғамликда эди бир дунё
Биров дарди қошида аммо,
Раҳмдиллик ҳиссин айлаб фош,
Оқар мовий кўзларидан ёш. [2.60]**

Асл нусха матнидаги биринчи тўртлик В.Жуковский таржимасида аслиятга жуда яқин берилган, иккинчи тўртлик таржимасида инглизча матндаги маъно сақлаб қолинган. Рус таржимони нимагадир учинчи ва тўртинчи тўртликларни қисқартиришга интилиб, матндаги "And truly might it be distressed" мисрасидан "The snow-clad off spring of the sun" гача бўлган тўққиз қаторли таржимада қуйидаги мисраларга сингдиришга ҳаракат қилган:

**При мне был должен милый цвет,
Прекрасный, как тот дневный свет,
Который с неба мне светил,
В котором я на воле жил. (стр 30)**

В.Жуковскийнинг русча таржима матнига эргашган Муҳаммад Али ҳам юқорида тўққиз қаторли шеърин мисранинг маъносини тўрт қаторда беради.

Хуллас, тўртинчи қўшиқнинг русча таржимасида ҳам, ундан ўтирилган ўзбекча таржимада ҳам аслиятдаги бир қатор образли иборалар ва метафоралар сақланиб, баъзилари тушиб қолмоқда. Бундан чиқади, поэманинг олдинги қўшиқлари таржимасига нисбатан

тўртинчи қўшиқ таржима жараёнида бирмунча соддалаштирилган, асл нусха мазмунини ва бадий ифодавийлигини аслиятдаги каби акс эттира олмаган.

Поэманинг еттинчи қўшиғида муаллиф бош қаҳрамони Бониварнинг ўзига хос ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини тасвирлашда ўта таъсирчан манзарадан фойдаланади. Бу манзара унинг укаси вафоти ва уни дафн қилиш манзарасидир.

Бонивар ўз жигаргўшасининг кўз олдига жон бераётганидан, унга малҳам бўлолмаганидан, очиқ кўзларини юмиш имкониятидан маҳрумлигидан азият чекади. Қаҳрамоннинг айниқса укасини қамоқхонада эмас, балки озодликда, яъни қабристонда дафн этишларини сўраганида рад жавобини олгандан кейинги унинг руҳий ҳолати шоир қаламида ўта фожеали, мудҳиш бўёқларда тасвирланади.

**Муҳаммад Али таржимасида;
Укам ётар гўрда зиндонда,
Осилмишдир боши томонда
Кишанлардан ясалмиш чамбар:
Қотилларга муносиб мақбар. [2.62]**

Қаҳрамоннинг аслият матнида ифодаланган фожеавий кайфиятини В.А.Жуковский ҳам, М.Али ҳам яхши сақлаб қолган.

Сўнгги байтда шоир Байрон инсон қадрини ерга урувчи золимларнинг тубанлигини, бутун инсоният учун жирканчлигини жуда ўткир бир рамзий ибора, тимсол билан ифодалаб, бу занжирлар қотилларга муносиб ёдгорлик дер экан, айтилиш вақтда бу сўзлар замирида ўша ёвуз золимларнинг ўзини кишанлаш зарурлигига ишора қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Байроннинг Муҳаммад Али томонидан таржима қилинган "Шильон тутқини" поэмаси иқтидорли шоир, моҳир таржимон бўлмиш ўзбек адибининг машаққатли, илҳомли меҳнати самарасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жорж Гордон Байрон. Сайланма. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати нашриёти, 1974. - Б.57.

(George Gordon Byron. Selected works. - Tashkent: Publishing House of Literature and Art of Uzbekistan named Gafur Gulom, 1974. - P.57.)

2. Жорж Гордон Байрон. Сайланма. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги Ўзбекистон адабиёти ва санъати нашриёти, 1974. - Б. 57, 58, 59, 60, 62 бетлар.

(George Gordon Byron. Selected works. - Tashkent: Publishing House of Literature and Art of Uzbekistan named Gafur Gulom, 1974. - PP: 57, 58, 59, 60, 62)

3. Susan J. Wolfson. Pater J. Manning. Lord Byron. Selected poems. "The Prisoner of Chillion" London. Penguin classics. - 1995. P. 400.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

А.С.ПУШКИН "БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ" ПОЭМАСИ ЎЗБЕК ТИЛИДА
(АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ)

Аваз Кенжаев

Самарқанд давлат чет тиллар институти таянч докторанти
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: A. Kenjaev. The poem of A.S. Pushkin "Fountain of Bakhchisaray" in Uzbek language (Comparative analysis of the original and translation). International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 107-120



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-13>

*Келиб тушган сана 10 август, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018*

АННОТАЦИЯ

Мақолада буюк рус шоири А.С.Пушкин қаламига мансуб "Боқчасарой фонтани" поэмасининг ўзбек тилига таниқли шоирлар Усмон Носир ва Ҳамид Фулом томонидан ўтирилган таржималари таҳлилга тортилади. Муаллиф таҳлил жараёнида ҳар иккала таржимани аслият билан қиёсий ўрганиб, аслият матнидаги шеърый шакл ва мазмун бирлигининг таржималарда нечоғлик сақланиб қолганлиги хусусида фикр юритади, таржималардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида аниқ хулосаларга келинади. Шунингдек, поэмадаги шеърый қолип ва қофиялар ўрнининг ўзбекча таржималарда сақланиб қолинганлиги, муаллиф нияти ва бадий маҳоратининг ўзбек шоирлари томонидан қайта тикланиши ҳам аслият ҳамда таржималардан келтирилган мисоллар асосида ёрқин баҳоланади.

Калит сўзлар: Боқчасарой, поэма, аслият, таржима, шакл ва мазмун, қофия, ритм, қайта тиклаш.

ПОЭМА А.С. ПУШКИНА "БАХЧИСАРАЙСКИЙ ФОНТАН" НА УЗБЕКСКОМ
ЯЗЫКЕ (СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОРИГИНАЛА И ПЕРЕВОДА)

Аваз Кенжаев

Докторант Самаркандского государственного института иностранных языков

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются переводы на узбекский язык поэмы великого русского поэта А.С.Пушкина "Бахчисарайский фонтан", осуществленные знаменитыми поэтами Усманом Насыром и Хамидом Гулямом. Автор, в процессе анализа сопоставляя оба перевода с оригиналом, размышляет о воссоздании формы и содержания стиха при переводе, об успехах и недостатках его, приходит к определенным выводам. На основе приведенных примеров, ясно оценивается

воссоздание в переводе художественного мастерства и идеи автора поэмы со стороны узбекских поэтов, а также сохранение при переводе размера и рифмы стиха оригинала.

Ключевые слова: Бахчисарай, поэма, оригинал, перевод, форма и содержание, рифма, ритм, воссоздание.

THE POEM OF A.S. PUSHKIN "FOUNTAIN OF BAKHCHISARAY" IN UZBEK LANGUAGE (COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ORIGINAL AND TRANSLATION)

Avaz Kenjaev

Doctoral student of the Samarkand State Institute of Foreign Languages

ANNOTATION

The article analyses the translations into the Uzbek language of the poem of the great Russian poet A.S. Pushkin "Fountain of Bakhchisaray" done by two famous Uzbek poets' Usmon Nosir and Hamid Gulom. In the process of analysis, the author comes to the certain conclusion about the successful and unsuccessful forms of the translation comparing the original and both translations and thinking about the recreation of the form and content of the poem. On the basis of the examples clearly values the recreation of the artistic skill and idea of the author of the poem by the Uzbek poets as well as the preservation of the form and of the rhymes of the original poem in the translation.

Key words: Bakhchisaray, poem, original, translation, form and content, rhyme, rhythm, recreation.

В.Г.Белинскийнинг замондоши, машхур танқидчи Надеждин романтик-шоирларни (Байронни ҳам, Пушкинни ҳам, уларнинг издошларини ҳам) ҳаётда рўй берадиган фожа ҳамда ваҳшийликлар, яъни қотиллик, сувга чўктиришларни ўз асарларида намоиш қилганликда айблайди. В.М.Жирмунский бу фикрга тўлиқ қўшилмади: "Аммо бу мулоҳазалар (Надеждиннинг мулоҳазалари) Пушкин ва Байроннинг бир мунча кейинги тақлидчиларига нисбатан айтилса кўпроқ адолатлироқ бўларди □ Байрон ва Пушкиннинг умумий ўхшаш бўлган поэтик услуби ўртасида айнан романтик фабула масаласида хийлагина жиддий фарқ мавжудлиги кўзга ташланади. Байрон поэмаларида тасвирланаётган воқеа ҳодисалар занжири романтик деталларга бойлиги бўйича таққосланганда Пушкиннинг "жануб поэмалари" юзаки воқеалари билан, тўғриси, бир оз саёздек туюлади.

Пушкин қуйидагилар билан чегараланиб қолади: кучли рашк туфайли қотиллик қилиш (иккита ҳолат - "Боқчасарой фонтани" ва "Лўлилар"

поэмаларида), ўз жонига қасд қилишнинг романтик тасвири ("Кавказ асири"), жинояткор аёл учун шарқона жазо ("Гяур" поэмасидан ўзлаштирма: Лейлининг қатл эттирилиши), татар хони ҳарамидоғи манзаралар ("Боқчасарой фонтани"), қароқчилик сахна кўринишлари ("Братья разбойники"), казаклар ҳамда черкаслар ўртасидаги қонли урушлар ("Кавказ асири"), қрим татарларининг босқинчилик юришлари ("Боқчасарой фонтани"). Байрон услубидаги таъсирли ҳолатлар, драматик манзаралар анча кам учрайди. Байрон билан таққосланганда бундай драматик кўринишлар нафақат оз, балки "жануб поэмалари" учун шарт бўлган ўша ички ва ташқи таъсирчанликдан мусово".

Бу ўринда машхур адабиётшунос олимнинг назарий мулоҳазаларига қўшилиш қийин. Мураккаб, чигал, сирли воқеалар, абдий ечим топмаган муаммоларни қамраб олган, қарама-қарши фожиавий ҳолатлар, юксак севгини идеаллаштириш - бунинг барчаси оламни романтик англаш демакдир. Байрон бутун ижодининг

охиригача романтик асарлар ёзди, Пушкин эса уларни ижодининг илк даврларида яратди, аммо бу, романтизм реализмнинг энг қўйи даражаси дегани эмас. Романтизм ва реализм - ҳар бири ўзига хос бўлган бадиий англашдир ва уларни бир бирига қарама-қарши таққослаш мақсадга мувофиқ эмас. Буни англас, ҳис этиш аслият муаллифининг поэтик фалсафий қарашлари тизимини очиб бериш ҳамда асарнинг образи ва гоёсини таржимада қайта яратишда шоир-таржимонга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Агар шоир-таржимон романтик поэма қаҳрамонининг қалб кечинмаларини, шодлиги-ю қайғусини ҳаёт ҳақиқатига номувофиқ деб тушунса, яхшиси асарни таржима қилмагани маъқул.

Яхшики, оламни, ҳаётни романтик ҳис эга олган ўзбек шоири Усмон Носир "Боқчасарой фонтани" поэмаси таржимасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила ёндашди.

В.М.Жирмунский поэма аввалидаги бандларга "байронизм таъсирининг юксак даражаси" деб таъриф беради. Поэма Қрим хони Гаройнинг сирли руҳий ҳолатини романтик баён этиш билан бошланади. Романтик шоирда ҳаммасидан кўра кўпроқ қаҳрамоннинг шахсий ҳаёти, унинг ҳалокатли ишқи - Полшалик князь қизи Марияга бўлган севгиси, гўзал грузин қиз Зареманинг рашки катта қизқиш уйғотади.

Биз қуйида ўзбек таржимони Усмон Носирнинг поэмадаги сўз билан таърифлаш қийин бўлган руҳий ҳолатларни, "оташин муҳаббатнинг ички оҳангларини", "шарқона карашма"ни, "жануб эҳтиросларининг жўшқинлиги"ни таржимада қайта яратишдек олий вазифасига астойдил яқинлашамиз. Ўткир лирик шоир Усмон Носир "ҳис-туйғуларнинг ички оҳангларини" жуда тез илғаб олади.

"Боқчасарой фонтани" поэмаси дастлаб Усмон Носир, кейинчалик эса Ҳамид Фулом томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Мазкур таржималардан қай бири аслиятга яқинроқ?

"Боқчасарой фонтани"нинг аслият матни 579 мисрадан иборат, унинг қофия усули: а - б, а - б.

*Гирей сидел, потупя взор; а
Январь в устах его дымился; б
Безмолвно раболепный двор а
Вкруг хана грозного теснился. б*

Усмон Носир таржимасида поэма 665 мисрани ташкил этади, Ҳамид Фуломда эса 587 тани; Шундай қилиб, биринчи таржимон 86 та, иккинчи таржимон эса 8 та ортиқча мисрага йўл қўйган. Бу мисралар ҳақиқатдан ҳам ортиқчами? Бизнинг олдимизда шу масалани аниқлаштириш вазифаси турибди.

Умуман барча классик рус поэзияси каби А.С.Пушкин поэмаларини ҳам ўзбек тилига ўгиришнинг мушкуллиги - рус ва ўзбек адабиёти шеър тузилиши орасида катта фарқ борлигидадир.

Ҳозирги ўзбек шеърлятида энг кўп тарқалган "бармак" услуби силлабик ҳисобланади, яъни бўғинларнинг маълум гуруҳи ҳамда бирикмаси бу услубнинг асоси ва ўлчови ҳисобланади. У ўзбек тилининг хусусиятига боғлиқ, яъни ўзбек тилида кўп ҳолларда урғу қўзғалмасдир.

Усмон Носир ўз таржимасида тўққиз бўғинли "бармоқ вазни"дан фойдаланди (4+5):

*Қовоқ солиб / ўтирар Гарой 4+5а
Лабларида / қаҳрабо чилим 4+5б
Даҳшатли хон / атрофида жим 4+5б
Бош эиб тек / турарди сарой 4+5а*

Ҳамид Фулом эса ўн бир бўғинли "бармоқ вазни" дан фойдаланди (6+5):
*Қовоқ солиб ғамгин / ўтирар Гарой 6+5
Қаҳрабо чилим / таратар тутун 6+5
Даҳшатли хон кўзи / олдида сарой 6+5
Сукут сақлаб бўйин / экандир бутун 6+5*

Пушкин мисралари қисқа, аммо маънога бой.

Янтарь в устах его дымился.

Мазкур мисрадаги "янтарь" сўзи бир пайтнинг ўзида ҳам эга ҳам аниқловчи вазифасида келган. Иккала таржимада ҳам у аниқловчи бўлиб келган:

Лаблариди қаҳрабо чилим (У.Носир)

Қаҳрабо чилими таратар тутун (Ҳ.Фулум)

"Раболепный" сўзи Усмон Носир таржимасида аслиятга жуда яқин:

Даҳшатли хон атрофида жим

Бош эгиб тек турарди сарой.

Бу ерда "раболепный" сўзи бизга бўйин эгиш, итоаткорона туриш маъноларини англатади. Агар Усмон Носирнинг таржимасини сўзма сўз баён этсак "хон олдида сарой аҳли бош эгиб тек турарди" деган маъно келиб чиқади. Ҳамид Фулом таржимасида эса: "сарой сукут сақлаб, буйин экандир бутун", яъни "тинч, сукут сақлаган ҳолда бошларини қуйи солиб сарой аҳли хон олдида турарди". Иккала таржиманинг ҳам маъноси деярли фарқ қилмайди, лекин Усмон Носирда "раболепный" сўзи кўпроқ маънодор берилган. Бироқ ҳозирда бу сўзнинг қул мисол, гуломларча каби синонимик қатори шаклланган.

Пушкин бир неча сифатлар ёрдамида асар қаҳрамонига беҳато адабий таъриф бериб ўтди: "все читали приметы гнева и печали", "на сумрачном лице", "повелитель горделивый", "рукой нетерпеливой".

Қаҳрамоннинг адабий таърифи иккала таржимада ҳам бу сифатларни сақлаб қолди:

Усмон Носир:

Ҳамма хоннинг хафа юзидан

Ғам ва ўтли ғазаб изидан

Пайқар эди мубҳам нишона.

Аммо мағрур соҳиби фармон,

Қўлларини бир силтаб солди...

Ҳамид Фулом:

Мағрур фармонбардор бирдан кўзғолди,

Сабрсиз қўлини бир силтаб солди.

Ҳамид Фуломда "сумрачный" сўзи тушириб қолдирилган, "фармонбардор" сўзи эса "повелитель" сўзининг ўрнини босолмайди. Мисрадаги "нетерпеливой" сўзини оладиган бўлсак, у сўзма-сўз ўтирилган.

Русча "зыбкое", "в унылой тишине", "под стражей бдительной и хладной" каби тавсифий сифатларнинг маъносини ўзбек тилида айнан бериш жуда қийин, масалан:

Так бурны тучи отражает

Залива зыбкое стекло

Усмон Носир:

Ўйнаб турган кўрфаз ойнаси

Акс этгандай қора булутни.

Ҳамид Фулом:

Довул булутини шундай намён -

Қилади кўзгудек мавжиди кўрфаз.

Муаллиф поэмани норавон, тенг бўлмаган алоҳида бандларга бўлиб бир маънодан бошқа бир маънога ўтишларни ажратиб кўрсатди. Ўзбек таржимон-шоирлари ҳам аслиятдагидек бандларга бўлинишни сақлаб қолдилар, аммо жозибадор оҳангни сақлаб қолиш мақсадида қаерлардадир бу қоиладан узоқлашадилар. Шу сабабдан Усмон Носир поэтик маънони якунига етказиш учун айрим бандларга зарурият даражасида бир неча мисралар қўшади. Масалан:

Один в своих чертогах он;

Свободней грудь его вздыхает.

Живее строгое чело

Волнение сердца выражает.

Так бурны тучи отражает

Залива зыбкое стекло.

Усмон Носир мазкур олти мисралик бандни етти мисралик қилиб ўтиради, аммо бу ўзгариш таржимада сезиларсиз. Модомики, таржимадаги бу банд аслиятдаги каби қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини таъсирли тарзда бера олди.

**Кўшлар аро бир ўзи қолди;
Эркин нафас олди сийнаси,
Тўлқинланиб, билмай сукутни
Уйнаб турган кўрфаз ойнаси
Акс этгандай қора булутни
Унинг жиддий манлайи аён
Дил тўлқинин айларди баён.**

Мутаржим қаҳрамоннинг огир ўйга чўмишларини ҳаққоний тасвирлаб кейинги саккиз мисралик бандни ўн мисралик қилиб қайта тиклади:

Что движет гордою душою?

**Какою мыслью занят он?
На Русь ли вновь идет войною,
Несет ли Польше свой закон,
Горит ли местию кровавой,
Открыл ли в войске заговор,
Страшится ли народов гор,
Иль козней Генуи лукавой?**

Мазкур парчада қаҳрамоннинг қалб изтироблари акс эттирилади. Бундан ташқари, бу ўринда поэма муаллифи йўл-йўлакай қаҳрамонни ижтимоий образ сифатида алоҳида сифатлар билан тасвирлаб ўтади. Ижтимоий-сиёсий воқеалар муҳитида қаҳрамон янада ғалатироқ, сирлироқ зот бўлиб туюлади. Усмон Носир таржимасида ҳам у худди шундай сирли шахс сифатида гавдаланади:

У мағрур дил не ғам-ла тўлмиш?

**Қандай фикр ила банд бўлмиш?
Яна Рус-ла жанг қилмоқчими,
Ё Польшани танг қилмоқчими,
Нега хафа, не у сондирар,
Ва ё қонли ўчми ёндирар.
Ёки қўшин айламиш исён,
Ёки тоғли халқ жангларидан,
Генуянинг найрангларидан
Ташвиш тортиб ўйланарми хон?**

Тўқис маънони ифодалаш учун 8-9 бўғинли мисра, 10-11 бўғинлига нисбатан кам жойни эгаллайди, бу ўз ўзидан маълум. Шу сабабли Усмон Носирга қараганда поэманинг жозибадор мазмунини янада теран ва мукамал тарзда таржимада қайта яратилишини

Ҳамид Фуломдан кутишимиз мумкин эди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Усмон Носир кам бўғин ишлатиб поэтик маъно ҳажмининг кенгайтишига, мисра-ларнинг жозибадор ҳамда мафтункор жарангига эришади ва бу унинг фавқуллода жўш урган истеъдодини яна бир қарра намоиш этди.

Пушкиннинг уч мисрали бандини у тўрт мисрада қайта яратди, лекин таржиманинг аслиятга тўлиқ мослигига эришди.

Нет, он скучает бранной славой,

Устала грозная рука;

Война от мыслей далека.

Усмон Носир таржимасида:

**Йўқ, энди у чарчаб қолмишдир,
Зеркишдир шухрат, зафардан.
Бераҳм қўл ортиқ толмишдир,
Хайл узок қонли сафардан.**

Бу ерда Усмон Носир "зафар", "қонли сафар" каби айрим сўзларни қўшиб аслият мисраларини ҳам сон, ҳам маъно жиҳатидан таржимада қайта тикланишини гўёки бузгандек туюлади. Аммо бу сўзлар аслият маъносини бузмайди, аксинча уни янада аниқлаштиради.

Қуйидаги тўрт мисрали банднинг таржимасини ҳеч бир муболағасиз ўта мукамал поэтик таржима деб айтиши мумкин:

Ужель в его гарем измена

Стезей преступною вошла,

И дочь неволи, нег и плена

Гяуру сердце отдала?

Наҳот, ҳарам ичра хиёнат,

Наҳот, елга учиб диёнат,

Асира қиз жиноят қилмиш,

Кофирга дил иноят қилмиш?

Бу ўринда мутаржим айрим сўзларни алмаштириб бир қадар эркинликка йўл қўяди: учинчи мисрадан фақатгина "дочь неволи" ("асира қиз") сўзини олади, қолганларини "наҳот елга учиб диёнат" жумласи билан алмаштиради.

Пушкиннинг асира қизлар ҳақидаги куйидаги мисралари бутун поэма учун катта аҳамиятга эга ва шунинг учун кўплаб бошқа мисралардан сон жиҳатидан устун чиқади:

*Нет, жены робкие Гирей,
Ни думать, ни желать не смея,
Цветут в унылой тишине;
Под стражей бдительной и холодной
На лоне скуки безотрадной
Измен не ведают оне.
В тени хранительной темницы
Утаены их красоты:
Так аравийские цветы
Живут за стеклами теплицы.
Для них унылой чередой
Дни, месяцы, лета проходят
И неприметно за собой
И младость, и любовь уводят...*

Россия ҳам хотин-қизларнинг озодлиги, уларни эркисизликдан чиқариш жиҳатидан Франциянинг кетидан бориб муайян ютуқларга эришди. Шарқда бунга зид ҳолат мавжуд эди, гарчи бу ерда ҳам аёллар баъзида обрў эътиборларини ошириб бошлиқ ва ҳатто ҳукумат раҳбарлари бўлишса ҳам. Пушкиннинг шарқ аёлларининг қисмати ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари ундаги инсонпарварлик сифатни янада олий даражага кўтарди. Мисраларни шарқ классик шеърятига ўхшатиб яратган Усмон Носир аёллар образининг бундай фалсафасини онгу шуурига сингдириб таржимада қайта тиклашга эришди:

*Йўқ, Гаройнинг хотинлари ҳеч
Бундай ишга журъат қилмаслар.
Мунгли нола чекиб эрта-кеч,
Ёмонликни асти билмаслар.
Ойна уйда усар гул каби,
Ой юзлари зиндон ичра берк,
Зулм остида гўё кул каби
Уларда ҳад йўқдир, йўқдир эрк.
Ою, йиллар навбатма-навбат
Ғамгин оқин билан ўталар,
Билдирмасдан ёшлик, муҳаббат,
Барчасини олиб кеталар.*

Асосий мавзудан мана шундай эркин лирик фалсафий чекинишлар романтик шеърятнинг муҳим белгиларидан биридир.

Оламни романтик ҳис этишга кўра гўзаллик, нафосат, нафислик, нозиклик гуллаб яшнаган жойда уларга зид бўлган тушунчалар, яъни ёвузлик ёнма-ён яшайди. Поэмада гўзал асира қизларни бичилган кул ҳарам оғаси кўриқлайди:

*Его ревнивый взор и слух
За всеми следует всечасно.
Его стараньем заведен
Порядок вечный. Воля хана
Ему единственный закон;
Святую заповедь Корана
Не строже наблюдает он...
Взор нежный, слёз упрек немой
Не властны над его душой;
Он им уже не верит боле.*

Ўзбек шоири сўз ясалишининг барча усулларини қўллаб мафтункор оҳангдорлик ёрдамида ҳарамнинг эзувчи, ғамгин муҳитини кучайтиради:

*Ортларида уларни пойлаб,
Ёвуз ога юрар ҳай-ҳайлаб,
Ундан қочиш, беркиниш бекор:
Ҳасадли кўз, динг кулоғи бор.
У ҳийлакор, у лаганбардор,
Ҳар бир ишдан воқиф, хабардор.
...Унинг кўнгли севги истамас,
У бут каби сезгидан маҳкум,
На кўз ёши, на юмшоқ нафас
На таънага бермас эътибор;
Асирлар чеккан оху зор
Унга асти қилмайди тасвир;
Пинагини бузмайди тақир;
...Юмшоқ нигоҳ, кўзлардаги нам -
Кўнглига ҳеч ҳоким бўлолмас.
У уларга ортиқ ишонмас.*

Бу тошбағир, шафқатсиз одамга қасдма-қасдига муаллиф ҳарамнинг гўзалликларини бўрттириб тасвирлайди:

*Раскинув легкие власы,
Как идет пленницы младые
Купаться в жаркие часы,*

***И льются волны ключевые
На их волшебные красы,
Забав их сторож неотлучный,
Он тут; он видит, равнодушный,
Прелестниц обнаженный рой...***

Ўзбек ўқувчилари, айниқса гўзаллик шайдолари Усмон Носир томонидан мафтункор қилиб қайта яратилган қуйидаги мисраларни такрорлашни севадилар:

***Соч ёзишиб ҳарам қизлари -
Асиралар чўмилар экан,
Сехр сочган гўзал юзлари
Чашмаларда қўмилар экан,
Қип ялонғоч қизларга лоқайд,
Беътибор термулиб шу пайт
У пойлоқчи ҳозирдир яна,
Тутқунларга нозирдир яна.***

Яна ёвуз ҳарам оғасининг тунд, нохуш сиймоси пайдо бўлади. У жуда ёвуз:

***В заботе вечной, ханских жен
Роскошный наблюдает сон,
Ночной подслушивает лепет;
Дыханье, вздох, малейший трепет,-
Все жадно примечает он:
И горе той, чей шепот сонный
Чужое имя призывал
Или подруге лагосклонной
Порочны мысли доверял!***

Усмон Носир бу манзарани таржимада моҳирона қайта яратди:

***Кечалари бар ҳам мизгиру,
У ухламас. Оҳиста босиб,
Ҳар эшикка бир қулоқ осиб,
Ҳарам ичра танҳо изгир у:
Ким дам олар, ким туйида инграр,
Ким оҳ тортар, - ҳаммасин тинглар.
Уйдан уйга билдирмай кўчиб.
Кенг ташлайди у маккор домни:
Биронтаси сондираб, чўчиб
Тилга олса бегона номни,
Ё мободо дўстига бир оз
Тақдирдан койиб, қилиб роз
Дилдагини айласа изҳор,
Балоларга бўлар гирифтор!***

Пушкиннинг ўзи у ёки бу асарни таржима қилар экан доимо максимал даражада аслиятга яқинликка эришган. Ҳеч иккиланмасдан у хориж муаллифларининг асарларидаги гоё ҳамда фикрларни аслиятга мос тарзда қайта яратган айрим таржималарини, гарчи унинг антик шоирлар, масалан Горацийнинг ("Қайси тангри менга қайтариб берди"), А.Мицкевичнинг ("Будрис ва унинг ўғиллари", "Қўмондон") асарларидан амалга оширган таржималари аслият руҳи ва шаклига айнан мос бўлсада, ҳақиқий таржима эмас дея олган. Таржимага киришар экан у таржима қила олмаслигини айтиб бир вақтлар "Валленрод" олдида юраги дов бермаганлигини кўп бора ёдга олди. Ҳақиқатан ҳам "Князь Козловскийга" асарининг 1836 йилдаёқ яратилган хомаки лойиҳасида шундай ёзади:

***Ты к мощной древности опять
меня манишь:
Я приготовился бороться с Ювенолом,
Чьи строгие стихи, неопытный поэт,
Стихами перевесть я, было, дал обет;
Но развернув его суровые творенья,
Не мог я одолеть пугливого смущения.***

Халқ ҳаётининг миллийлигини, турмушга хос бўлган сўзларни шеърин таржимада аслият руҳига мос тарзда қайта яратиш катта қийинчиликлар туғдиради.

Хос сўзлар ҳақида гап кетганда бундай миллий хусусиятларни аслият матнида ўз ҳолича сақлаш гоёт чегараланганлигини ёдга олиш лозим.

"Боқчасарой фонтани" поэмасидаги Зарема образи ниҳоят даражада миллийдир. Мана Пушкин уни қандай таърифлайди:

***...Но кто с тобою,
Грузинка, равен красотой?
Вокруг лилейного чела
Ты косу дважды обвила;
Твои пленительные очи***

Яснее дня, чернее ночи.

Усмон Носир таржимасида:

...Аммо

Эй гуржи қиз, сен-ла чиройда

Ким тенглашар? Ҳаттоки ой-да

Даъво қилса, бўлур муаммо.

Чамбар қилган сочинг, эй пари,

Илон каби юрак ёрадир.

Ярқираган кўзинг жавҳари

Кундан ёруғ, тундан қорадир.

Ҳамид Фулом таржимасида:

Аммо грузин қиз,

Кимнинг ҳусни сенинг

ҳуснингдек нафис?

Гулгун пешонангга сочингни, дилбар,

Икки қатор ўриб, қилибсан чамбар,

Жонни олгувчи у кўзларинг шандир

Тундан қоронғи-ю, кундан равшандир.

Таржимада "ҳаттоки ойда, даъво қилса бўлур муаммо" каби аслият маъносини бузмайдиган ортиқча мисралар мавжуд.

Поэма Ҳамид Фулом таржимасида аслиятга жуда яқин, кераксиз ортиқча сўзлар йўқ ҳамда "нафис", "шандир", "тундан қоронғи-ю, кундан равшандир" каби метафоралар ҳам ўринли қўлланган. Қофиялар бир бирига мос келсада, аммо оҳангдорлик етишмайди.

Баъзи бир таржима назарийгчилари аслият оҳангини поэтик таржимада қайта яратиш учун унинг вазнига амал қилиш талаб этилмайди деб ҳисоблашади, чунки вазннинг ўзи шеърнинг бошқа унсурларисиз эстетик самара бермайди, деб ўйлашади. Бундай ҳолат таржимада ўзбошимчаликларга йўл очиб беради. Инчунин энг яхши таржимонлар, шу жумладан рус таржимонлари аслият вазни ҳамда қофиялар барқарорлигини имкон даражасида сақлаб қоладилар. Бу фикр "Боқчасарой фонтани" поэмасининг таржимасида ўз тасдиғини топган.

Поэма тўрт ҳижоли ямб усулида битилган. Урғу сатрнинг охириги бўғинига тушадиган қофия билан

мисраларнинг галма-гал келиши поэмага мафтункор жаранг бағишлайди. Пиррихияларнинг кўплиги, айниқса иккинчи ва учинчи туроқларда, шеърни равланштиради. Усмон Носир таржимаси ҳам лўнда ва равлон.

Поэманинг Ҳамид Фулом томонидан амалга оширилган таржимасига эътибор қаратамиз. У таржимада ўн бир бўғинли мисрани танлади:

Давра қуриб, ўраб ўйноқ фонтанни,

Бепарволик билан кутишиб хонни,

Ипак гиламларнинг устида улар -

Бир тўда шўх қизлар ўтирардилар,

Мармар тубда текис сузиб ўйнаган

Осуда сув ичра яйраб қувнаган

Балиқча тўймасдан термулардилар.

Мисралар сонининг кўпайтирилиши оҳангни чўзилишига олиб келади. Шеърнинг ички тузилиши бузилган. Буни биз мисралар ўлчовининг арифметик ҳисобида кўришимиз мумкин: 2+2+2+2+3; 3+5+3; 3+3+2+3 ва бошқалар.

Мисраларнинг лексик таркиби тегишлича ўзгаради: танланган вазни тўлдириш учун таржимон томонидан сўзлар қўшилади. Ҳақиқатан, "давра қуриб", "гиламларнинг устида", "бепарволик билан кутишиб" каби ортиқча сўзлар таржимонга нима учун керак бўлди? Таржимадаги бу ўхшатишлар аслият руҳиятига жуда яқин. Яна бир жиҳат: Ҳамид Фулом таржимасида асира қизлар "ўйноқи фонтанни ўраб олишган", Усмон Носирда эса "хонни кўриш мақсадида кутишиб ўйноқ фонтан атрофида тўпланишган" ("фонтанни ўраб олишмаган", балки "тўпланишган"). (Манзара бир хил эмас). Қофиялар ҳам Усмон Носирда аслиятга муносиб ва ҳамоҳанг:

Хонни кутиб, кўриш кўйида, 2+2+2+3

Ўйнаб турган фонтан бўйида 2+2+2+3

Ипак гилам узра ўйнашиб, 2+2+2+3

Бир тўда шўх қизлар осуда 3+3+3

Ўлтиришар эди яйрашиб: 4+2+3
Болалардек шодланиб, сувда 4+3+2
Мармар тубда кўринган лиққа 2+2+3+2
Гир-гир сузиб юрган балиққа 2+2+2+3

Термулишар эди яйрашиб. 4+2+3

3. Умарбекованинг фикрига кўра, "аслият оҳангини таржимада қайта яратиш учун унинг вазнини айнан такрорлаш шарт эмас, чунки аслига мос қилиб олинган ямб ўзбек китобхонида бошқача туйғулар уйғотиши мумкин. Таржимон ўзбек шеърини шеър тузилиши қоидаларидан аслият мазмунига мос келадиганини танлаб олиши лозим".

Усмон Носирнинг тўққиз бўгинли "бармоқ" усули ўн бир бўгинлига қараганда ўзининг оҳанги ҳамда ички тузилишига кўра тўрт ҳижоли ямбга яқинроқ.

"Боқчасарой фонтани" поэмасида Пушкиннинг энг яхши поэтик кашфиётларидан бири бу Уйғониш даври фалсафаси руҳида грузин аелининг илоҳий гўзаллиги куйланган татар кўшиғидир:

1

"Дарует небо человеку
Замену слез и частей бед:
Блажен факир, узревший Мекку
На старости печальных лет.

2

Блажен, кто славный брег Дуная
Своею смертью освятит:
К нему навстречу дева рая
С улыбки страстной полетит.

3

Но тот блаженней, о Зарема,
Кто, мир и негу возлюбя,
Как розу, в тишине гарема
Лелеет, милая, тебя".

Пушкиннинг поэтик истеъдоди шундаки, бу ерда у айнан ўша вазнда мутлақо бошқа ритмик юксак фалсафий оҳанг яратганлигидадир. Усмон Носир эса, аксинча, шеърга дабдабали оҳанг киритиш мақсадида мисрани 2 бўгинга

узайтиради, муносиб цезурани (шеърятда такрорланиб келувчи паузанинг алоҳида бир тури) топа олмаган ва шу билан оддий ифода тарзида шеърнинг жўшқинлигини сусайтирган:

1

Йиги, жафоларни бошдан кўтариб
Тангри ўзи берар (одамга) эҳсон:
Бахтиёрдир, йиллар сўнггида қариб
Макка бориб зиёрат қилган инсон...

Маълумки, таржима жараёнида муносиб вазни танлаш билан боғлиқ омиллардан бири бу аслиятда ҳам таржимада ҳам сўзларнинг солиштирма чўзиқлигидир. Баъзи бир маълумотларга қараганда, ўзбекча сўзларнинг ўртача чўзиқлиги русча сўзларнинг ўртача чўзиқлигига тенг, бошқа маълумотларга қараганда эса улар русча сўзларнинг ўртача чўзиқлигидан қисқароқ. Агар бу фикрга асосланадиган бўлсак, унда русча матнли шеър ўзбекча таржимасида аслият оҳангига ёки тенг ёки ундан қисқароқ бўлиши мумкин. Аммо Ҳамид Фулом таржимасидаги мисралар аслиятнинг ургу охириги бўғинга тушувчи мисраларига қараганда 3 бўғинга, ургу сатрнинг охиридан иккинчи бўғинга тушувчи мисраларига қараганда эса 2 бўғинга чўзиқроқ. "Таржимоннинг бундай қарори назарий жиҳатдан ҳам тўлиқ асосланган бўлиши мумкин, - деб таъкидлайди С.Иванов, - таржимада вазни танлаб олиш фақатгина сўзларнинг ўртача чўзиқлигини солиштириш билан аниқланмайди". (Таржима бизники - А.К.)

Таржима назариясининг бошқа масалалари каби бу масалада ҳам таржима назарийчиларининг фикрлари бир бирига зид. Бир жиҳатдан матн таржимада имконият борича аслиятга ўхшаш ва поэтик жиҳатдан унга мос равишда қайта тикланиши лозим. Бундай талаб фақатгина аслиятдаги бор нарсани таржимада қайта тиклашни

тақозо этади. Бошқа бир жиҳатдан эса таржима жарёнида аслиятга тўлиқ мосликка риоя қилинганда ўқувчи учун қандайдир тушунарсиз матн келиб чиқиши мумкин. Ҳар бир миллий шеърятда ўзига хос бўлган "тўлиқ айтилмаганлик" мавжуд ва у ўша тилда ўқийдиган китобхон учунгина тушунарли бўлади. Таржимада эса айнан бу "тўлиқ айтилмаганлик" китобхон учун тушунарсиз бўлиб чиқади. Таржимада бундай тушунарсиз жойларнинг кўплиги махсус тўлиқ изоҳларсиз тушунарли бўлмайди. Бундай ҳолатда таржима оҳангининг табиийлиги йўқолади, ва аслият ўқувчисиди ҳам таржима матн ўқувчисиди ҳам таассурот тенглигига бўлган талабга риоя этилмаган бўлади. С. Ивановнинг таъкидлашича Ойбек "Евгений Онегин" шеърый романини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида таржима мактаби ҳамда ўзбек шеършунослигининг барча усулларидан фойдаланди ва ўзбек классик шеърятининг бой аънаналарига таянган ҳолда улкан ишни амалга оширди. У бунда 11 бўғинли ўлчамдан фойдаланди. Ойбек бутун таржима давомида аслият банди, яъни онегинча банд усулига ҳамда қофиялар жойлашуви хусусиятига риоя қилди. Аслият мисрасининг таржима мисрасига мос келиш принцигига амал қилди. Рус ва ўзбек тилларида гап қурилишидаги фарқнинг мавжудлиги, айниқса рус тилидаги эргашган қўшма гаплар тузилишидан уларга маъно жиҳатидан эквивалент бўлган ўзбек тилидаги содда гаплар тузилиши кескин фарқ қилини туфайли бу принципга риоя қилинмаган ҳолатлар бундан мустанно.

Усмон Носирнинг таржима усули Ойбекникидан бирмунча фарқ қилади: у шеърни бандларга бўлиш масаласида анчагина эркинликларга йўл қўяди. Бу

маълум даражада нафақат таржима усулидаги фарқ билан, балки "Евгений Онегин" ва "Боқчасарой фонтани" асарлари стихиясининг ҳар хиллиги билан ҳам изоҳланади.

"Усмон Носир усулининг энг қизиқарли томони шундаки, - деб ёзади С.Иванов, - бу Пушкин поэмаларидаги образларни таржимада қайта яратишга бўлган ёндашувдир. Агар Ойбек Пушкин асаридаги образлар хусусиятини таржимада сақлаб қолиш учун барча воситаларни сафарбар қилган бўлса, Усмон Носир ҳеч иккиланмасдан уларни ўзбек шеърятини руҳида қайта яратди. Усмон Носир аслиятни китобхонга яқинлаштирган бўлса, Ойбек ўқувчини аслиятга киритди деб айта олишимиз мумкин. Усмон Носир Пушкин қаҳрамонларини таржимада қайта яратиш учун поэтик воситаларни қўллашда ўзбек тилининг грамматик тузилиши хусусиятларига таянади". (Таржима бизники - А.К.) Мана бунга яққол мисол:

Пушкин:

*Все в ней пленяло: тихий нрав,
Движенья стройные, живые
И очи томно-голубые.*

*Природы милые дары
Она искусством украшала;
Она домашние пиры
Волшебной арфой оживляла;*

Ҳар бир мисрада келган от сўз туркумига оид сўздан олдин "тихий" (нрав), "стройные, живые" (движенья), "томно-голубые" (очи), "милые" (дары), "домашние" (пиры), "волшебная" (арфа) каби сифатлар, яъни эпитетлар мавжуд.

Усмон Носир бундай мисралар таржимасига бирмунча эркин ёндашган:

*Унинг юмшоқ севимли нози,
Табиати, лазиз овози,
Ёниб турган мовий кўзлари,
Дона-дона ширин сўзлари
Бир-биридан жозибадорди;*

**Ҳаммасида ажиб куч борди.
Очиқ қўлли, сахий табиат
Аямаган эди борини;
Санъат билан у ажиб хилқат
Безар эди гул дийдорини
Сехр тўла арфа билан қиз
Уй базмини жонлантирарди.**

Аслиятдаги етти мисрали банд таржимада ўн икки мисрада берилган. Бундай номутаносибликка эпитетларнинг маъносини таржимада адекват, яъни айнан ўхшаш тарзда берилиши сабаб бўлган. Аслиятда бўлмаган "юмшоқ", "севимли", "лазиз", "дона-дона", "ширин", "очиқ қўлли", "сахий", "гул(дийдорини)" каби ортиқча эпитетлардан мутаржим аслият маъносини батафсил етказиш мақсадида фойдаланган.

Бу мисраларни Ҳамид Фулом таржимасида қуйидагича ўқиймиз:

**Унинг юмшоқ хулқи, баланд қомати,
Жонли ҳаракати, хуш лаофати -
Ўйчан тикилувчи мовий кўзлари,
Нафис қилиқлари, ширин сўзлари
Мафтун қилар эди. У чиройини
Маҳорати билан безатар эди,
Зийфат кезлари уй-саройини
Сехрли арфа-ла жонлатар эди.**

Иккала таржимада ҳам "всё в ней пленяло" жумласи йўқ, унинг ўрнига бир қатор эпитетлар ишлатилган. Мазкур банднинг таржимасини "у асир этарди", "ундаги нима асир этарди" ёки "унда борлиқ қулф урар эди" каби жумлалар билан бошлаш, ундан кейин эса "юмшоқ хулқи", "жонли ҳаракати", "мовий кўзлари" эпитетлари ёрдамида изоҳ берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари Ҳамид Фулом таржимасида "стройные движенья" ("баланд қомати") жумласи нотўғри берилган, аслиятда "задумчивые глаза" ("ўйчан тикилувчи") жумласи ҳам мавжуд эмас.

С.Иванов шундай ёзади: "Русча матнда сифат билан ифодаланган

эпитет кўп бўлган ҳолларда таржимон унга мос келувчи сўзларни ўзбек тилидаги сифатлардан эмас ва ҳатто тўғридан тўғри унинг ўрнини босувчилардан ҳам эмас, балки ўзбек тили грамматикасининг бошқа манба ва воситаларидан, масалан, феъл кесимлардан излаши зарур (ўзбек тилида феъл шакллари тизими ҳаддан ташқари бой)". (Таржима бизники - А.К.) С.Иванов бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтиради:

**Невинной деве непонятен
Язык мучительных страстей...
Зачем же холодной красотой
Ты сердце слабое тревожишь?**

**У азобли эҳтирос тили
Бейб қизга асти маълуммас...
Совуқ кўркинг билан сен нечун
У бир ожиз дилни қийнайсан?**

Бу ўринда "невинной", "мучительных", "хладной", "слабое" эпитетлари аслиятга жуда муносиб тарзда ўгирилган.

Тадқиқотчи тасвирловчи (а) ва ҳаракат (б) эпитетларини таржимада етказиб бериш йўллари таклиф этади:

**а)
Есть надпись: едкими годами Ёзувлар
бор, кечиб кўп йиллар**

**Ещё не сгладилась она... Ҳали ўчиб
кетмаган улар...**

**Кўриниб турганидек, таржимада
эпитет соддалаштирилган, силликланиб
равонлаштирилган дейишимиз мумкин.**

**Как милы темные красы Қандай
хушдир билгувчиларга**

**Ночей роскошного Востока! Шарқ
кечасин қора чиройи!**

б)

**Он по гарему во тьме ночной Кечалари
барг ҳам мизгиру,**

**Неслышными шагами бродит: У
ухламас. Оҳиста босиб,**

**Ступая тихо по коврам, Ҳар эшикка
бир қулоқ солиб**

К послушным крадется дверям, Харам ичра танҳо изғир у:

От ложа к ложу переходит; Ким дам олар, ким тушда инграр,

В заботе вечной, ханских жён Ким оҳ тортар,- ҳаммасин тинглар.

Роскошный наблюдает сон, Уйдан уйга билдирмай кўчиб

Почной подслушивает лепет; Кенг ташлайди у маккор домни...

Дыханье, вздох, малейший трепет,

Все жадно примечает он.

Ужель в гарем его измена Наҳот, харам ичра хиёнат,

Стезей преступною вошла, Наҳот, елга учиб диёнат,

И дочь неволи, нег и плена Асира қиз жиноят қилмиш,

Гяуру сердце отдала? Кофирга дил иноят қилмиш?

С.Иванов таржимон томонидан кўчма маънодаги бошқа сўзлар ҳам синчковлик билан қайта тикланганлигини таъкидлаб ўтади:

Его ревнивый взор и слух

Хасадли кўз, динг қулоғи бор

За всеми следует всечасно.

У хийлакор, у лаганбардор,

Хар бир ишдан воқиф, - хабардор.

Недвижим и дохнуть не смея,

Ботинолмай дам олгани ҳам

У двери знака ждет евнух...

Остонада, хоннинг йўлида

Имо кутиб турардир оға,

Ибо тутиб турадир оға.

Что делать ей в пустыне мира?

Не бор энди унга дунёда?

Демак, аслият оҳангини таржимада қандай яратиш лозим? Барча ритмик фигуралар, паузалар, товуш оқимлари айнан муаллифникидек бўлиши керакми?

Албатта, йўқ, чунки ҳар бир тилнинг ўзига хос лексик ҳамда ритмик тузилиши мавжуд. Таржимада оҳанг хусусиятини қайта яратиш лозим, лекин интонация ҳис-туйғу маъносини

ифодалаш сифатида сақланиб қолиши зарур.

Баъзи таржимонлар ҳеч бир асоссиз асарни оҳангдан маҳрум этиб, бу билан унинг жўшқинлиги ҳам йўқотилади деб ҳисоблаб аслият ритмик кўринишини таржимада айнан қайта яратиш зарур деган фикрни маъқуллайдилар. Чунки оҳанг шеъриятнинг (нафақат шеъриятнинг) ҳаёти, нафаси, фикрнинг интонацион моҳиятидир. Бошқалар бу фикрни инкор этадиларки, улар ҳам тўлиқ асосларсиз таржимада кўп ҳолларда ритмик хусусиятларни аслиятга ўхшаш тарзда беришнинг имкони йўқ деб ҳисоблашади. Чунки аслият ва таржима тилининг табиати ҳар хил. Бу ерда алмаштириш гоёси таклиф этилади, таржимада ритмни сақлаш энг муҳим масала сифатида қаралади. Бундай ёндашув бир мунча реалдир. Ритмни таржимада бериш мумкин, агар таржимон нафақат шаклнинг айнан таржимасини, балки оҳангнинг асосий хусусиятини чиқариб бера олса.

Юқориди айтиб ўтилганидек, айнан ўхшаш ритмни, жозибадор оҳангни таржимада қайта яратиш учун Усмон Носир аслиятнинг айрим мисраларини бир неча мисраларга бўлади.

А.С.Пушкин:

Они поют. Но где Зарема,

Звезда любви, краса гарема?

Увы, печальна и бледна,

Похвал не слушает она;

Как пальма, смятая грозю,

Поникла юной головою;

Ни что не мило ей:

Зарему разгубил Гирей.

Усмон Носир:

Улар куйлар. Аммо қани у,

Муҳаббатнинг юлдузи қани,

Харам кўрки - қундузи қани,

Қайда қолди Зарема бону?

Хайҳот, дили қайғуга тўлмиш,

Мақтовларга солмайди қулоқ,

**Кўзларида ёш булоқ-булоқ,
Яшин урган хурмодек қадди
Букилмишдир, йўқ энди ҳадди.
Ҳеч на унга ёқмасдан қолди,
Чунки, Гарой боқмасдан қолди.**

Ҳамид Фулом:

**Улар куйлар. Аммо Зарема қани?
Қани ишқ юлдузи, ҳарам гулшани?
Эвоҳ, қайгулидир, сўлгандир бу чоқ
Мақтовларга ортиқ сололмас қулоқ.
Яшин урган хурмо каби букилган,
Гўзалнинг ёш боши бутқул эгилган.
Унга ҳеч бир нарса ёқмасдан қолди
Заремага Гарой боқмасдан қолди.**

Мазкур манзарада Усмон Носир таржимасидаги ажойиб хотима ("чунки Гарой боқмасдан қолди") ҳамда эпитетлар билан бойитилган мисралар ўқувчи диққатини жалб қилади. Бу парча устида ишлаш жараёнида Усмон Носир бир қарорга кела олмагач, унга 4 та ортиқча мисра қўшади. Лекин китобхон учун улар ортиқча бўлиб туюлмади. Қолаверса, бу мисралар фақат ташқи томондангина сезиларли. Мазмунан эса бу 12 мисра аслиятнинг саккиз мисрасига айнан ўхшаш. Чунки ритм нафақат математик, балки ҳис-туйғуни ҳам аниқлашчи нозик тушунчадир.

Мисраларнинг товуш-оҳанглари уйғунлигида шеърнинг сири ҳамда сеҳри яширин. Усмон Носир томонидан амалга оширилган таржимадан келтирилган парчада аслият оҳанги сақланиб қолган. Ҳамид Фуломда эса

"ҳарам сукутига кириб сафога, сени гулдай севса ўша бахтиёр" каби мисралар эпитетларга бой. Усмон Носир таржимасида "ҳайҳот" сўзининг такрорланиб келиши ҳис-туйғу ҳамда таъсирчанликни кучайтиради.

**Ҳайҳот, унинг гул ранги сўлмиш,
Ҳайҳот, дили қайғуга тўлмиш ...**

Бу мисраларнинг нафақат қофияси, балки оҳанги ҳам таржимада моҳирона қайта яратилган. "Муҳаббатнинг юлдузи қани, ҳарам кўрки - қундузи қани?" каби мисралар гўёки қофия ("юлдузи" - "қундузи") ни тўлдириш учун жаранглагандек, аммо улар "қундузи" сўзининг тўғридан тўғри маъносига мос келадиган сўзнинг ўзи аслиятда йўқ бўлишига қарамадан образни шоирона тасвирлаш учун ишлатилган. Усмон Носир ўзбек китобхонига Зарема образини аслиятдаги каби эмоционал таъсирчанликда етказиш мақсадида қуйидаги мисраларни қўшади:

... Кўзларида ёш булоқ-булоқ ...

Асарнинг мазмуни, унинг ғоявий моҳияти ҳақида фикр юритганимизда биз мазмун шакл билан чамбарчас боғланганлигини ҳам назарда тутамиз.

Буюк рус шоири А.С.Пушкиннинг "Боқчасарой фонтани" романтик поэмасининг Усмон Носир томонидан амалга оширилган таржимаси бу - талантли ўзбек шоирининг улкан ижодий салоҳиятидан дарак берувчи олий санъат ҳодисасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Сочинения Александра Пушкина. Собр.соч.: в 9ти томах. Том 6. - М., 1981. (Belinsky V.G. Works of Alexander Pushkin. Collected works: in 9 volumes. Volume 6. - M., 1981.)
2. Иванов С.Н. О переводе произведений Пушкина на узбекский язык./ Советская тюркология. Баку., 1973.№3., с.11. (Ivanov S.N. About the translation of Pushkin's works into the Uzbek language. / Soviet Turkic studies. Baku., 1973.№3., p.11.)
3. Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. - Л.: Наука, 1978 (Zhirmunsky V.M. Byron and Pushkin. - L.: Science, 1978)
4. Пушкин А.С. Полное собрание сочинений. - М.: Изд-во "Правда", 1954. том 3, с. 198. (Pushkin A.S. Full composition of writings. - M.: "Pravda" Publishing House, 1954. volume 3, p. 198.)

5. Пушкин А.С. Танланган асарлар. 1 том. - Т.: Ўздавнашр, 1949, 287 б.
(Pushkin A.S. Selected Works. 1 tom - T: Resolved, 1949, p.287.)
6. Ф.Саломов. Таржима назарияси асослари. - Тошкент, "Ўқитувчи", 1983.
(G.Salomov. Fundamentals of Translation Theory. - Tashkent, "Teacher", 1983.)
7. М.Н.Холбеков. Жаҳон таржимачилиги анъаналари. - Тошкент, Наврӯз нашриёти, 2016.
(M.N. Kholbekov. Traditions of World translation. - Tashkent, Navruz publishing house, 2016.)
8. Шарипов Ж.Ш. Русчадан ўзбекчага шеърий таржиманинг баъзи масалалари. - Тошкент: "Фан", 1959.
(Sharipov J.Sh. Some issues of poetry translations from Russian to Uzbek. - Tashkent: Fan, 1959.)
9. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1977, 228-бет.
(Topical issues of literary translation. Tashkent, "Fan" publishing house of UzSSR, 1977, p. 228.)
10. Гафуров И. Путь Большого Востока к Большому Западу. // Исповедь 30 лет. Ташкент. 1987.
(Gafurov I. The way from the Great East to the Great West. // Confession 30 years. Tashkent. 1987.)
11. Умарбекова З. Лермонтов и узбекская поэзия. Ташкент. 1974. С.127.
(Umarbekova Z. Lermontov and Uzbek poetry. Tashkent. 1974. P.127.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ТИЛ, УСЛУБ ВА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

Мухлиса Сабирова

"Дунё бўйлаб" телеканали муҳаррири
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297>

For citation: M. Sabirova. Language, Method and Skill of Journalist in the Sports Journalism. International Journal of Word Art. 2018, vol. 3, issue 3, pp. 121-124.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-3-14>

Келиб тушган сана 10 август, 2018
Эълон қилинган сана 20 сентябрь, 2018

АННОТАЦИЯ

Мақолада спорт журналистикасининг тадрижий ривожланиши, илк спорт босма нашрлари, шунингдек спорт журналистларининг фаолиятида адабий тил меъёрларига қай даражада риоя этилаётганлиги, услуб ва журналист маҳорати ҳақида ёритилган. Шарҳловчилар ёки спорт мавзусида ёзидиган журналистлар адабий тил меъёрларига амал қиладиларми? Бугунги спорт журналистикаси тили қай даражада? Умуман спорт журналистикаси тилининг меъёри бузилмаяптими? Саволларнинг бундай қўйилиши бежиз эмас албатта, чунки бугунги кунда мамлакатда спортнинг ривожланишига катта эътибор қаратилаётган бир шароитда унинг ифодасига жиддий эътибор бериш бу соҳада ишлайдиган журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо афсуски, спорт мавзусида ёзилаётган мақолалар, эфирга тайёрланаётган кўрсатув, лавҳа ёки эшиттиришларда билиб-билмай, бот-бот хатога йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламыз.

Таянч сўзлар: спорт, ахборот, нашр, адабий тил, шарҳловчи, дикция.

ЯЗЫК, МЕТОД И МАСТЕРСТВО ЖУРНАЛИСТА В СПОРТИВНОЙ
ЖУРНАЛИСТИКЕ

Мухлиса Сабирова

Редактор телеканала "Дунё бўйлаб"

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о развитии спортивной журналистики, первых спортивных печатных изданиях, а также об уровне соблюдения норм литературного языка в деятельности спортивных журналистов, методе и мастерстве журналиста. Соблюдают ли нормы литературного языка комментаторы или журналисты, пишущие на спортивную тему? На каком уровне находится язык современной спортивной журналистики? Не нарушается ли норма языка спортивной журналистики, в целом? Конечно, не зря задаются такие вопросы. Потому, что на сегодняшний день, когда обращается большое внимание на развитие спорта в стране, обращение серьезного внимания на его выражение возлагает большую ответственность на журналистов, работающих в

№3 (2018)

этой сфере. Но, увы, в статьях на спортивную тему, готовящихся для эфира передачах, сюжетах или эфирах мы часто оказываемся свидетелями допускаемых ошибок.

Ключевые слова: спорт, информация, издание, литературный язык, комментатор, дикция.

LANGUAGE, METHOD AND SKILL OF JOURNALIST IN THE SPORTS JOURNALISM

Mukhlisa Sabirova

"Дунё буйлаб" TV channel Editor

ANNOTATION

The article covers such issues as the development of the sports journalism, first sports printed matters, and also the level of following the literary language standards in the activity of sports journalists, method and skills of a journalist. Do the commentators or journalists writing on sports topics follow the standards of literary language? On what level the language of nowadays sports journalism is? Isn't the standard of sports journalism language broken, in general? Of course, such questions are asked to some purpose. Because to-day, when great attention is paid to the development of sports in the country, paying of great attention to its presentation imposes heavy responsibility upon the journalists working in this field. But, alas, we often witness mistakes made in the articles on sports topic, in broadcasts or stories prepared for transmission.

Key words: sports, information, printed matter, literary language, commentator, diction.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Бугунги кунда спорт мамлакатимиз таълим тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантириш эса бош мақсадимиздир.

Спорт журналистикаси бу - журналистиканинг шундай бир соҳасики, худди у спортнинг воқеалиklarини жамлаш, умумлаштириш, энг муҳими ўзига хос жиҳатини сақлаган ҳолда узатишдан иборатдир. Спорт оммавий ахборот воситаларининг қайси тури, тармоғида кўпроқ берилиши, спорт билан боғлиқ ахборотларни таҳлил қилган ҳолда қайси ОАВ тури етакчилик қилади? Унинг салбий ва ижобий томонларини ўрганиш орқали аудиторияни қандай тарбиялайди? Ушбу саволларга жавоб

топишдан олдин, спорт журналистикасининг асосий хусусиятини ажрати олиш жуда муҳим. Тадқиқотчи П.Воронковнинг фикрича, спорт газеталари бугун ва айни дамда муаммолар ҳақида ёзмайди, у инсондаги нохуш кайфиятни йўқотишга ёрдам беради ва фақатгина спорт журналистикаси дунёда тинчлик ўрната олишга қодир саналади.

Ўз навбатида соҳанинг ривожланиши баробарида, уни ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Агар мустақилликка қадар спортга ихтисослашган биттагина "Ўзбекистон физкультурачиси" газетаси фаолият олиб борган бўлса, мустақилликдан кейин бир қатор спортга ихтисослашган, шунингдек, спорт турларига ихтисослашган нашрлар пайдо бўлди.

XX асрнинг 30-йиллар бошида, аниқроғи, 1932 йил июнида "Физкультурник Востока" ("Шарқ физкультурачиси") номи билан Тошкентда ilk спорт нашри дунё юзини кўради. Ҳозирда "Спорт" газетаси номи билан нашр этилаётган бу газета 1934-1939, 1953-1991 йилларда

"Ўзбекистон физкультурачиси", "Физкультурник Ўзбекистана" номлари билан чоп этилган. 1991 йил 3 январдан бошлаб "Спорт" газетаси номи билан нашр этилмоқда. Бугунги кунда газетанинг асосий вазифаси - Ўзбекистон ва жаҳондаги спорт воқеалари, мусобақалар, жисмоний маданият, соғлом турмуш тарзи ва олимпиада ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборат. 1993 йилдан ушбу газетанинг иловаси - "Ўзбекистон футболлари" газетаси ҳам чиқарилади. "Спорт" газетасининг вилоятларда ҳам ўз мухбирлари фаолият юритади.

Нафақат босма нашрларда, балки телевидение, радио, интернет тармоғида спорт йўналишидаги эшиттиришлар, кўрсатувлар, спорт сайтлари ташкил этилди. Табиийки, спорт журналистикасининг ривожланиши бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, спорт соҳасини ёритишда пайдо бўлган янги тенденцияларни тадқиқ этиш, спортга ихтисослашган ОАВ ҳамда ОАВда ёритиладиган спорт мавзуларини қиссий таҳлил қилиш лозимлигини тақозо этади.

Спорт журналистларининг фаолиятида адабий тил меъёрларига риоя этиш ҳозирги спорт журналистикасининг долзарб масаларидан бири бўлган. Шарҳловчилар ёки спорт мавзусида ёзадиган журналистлар адабий тил меъёрларига амал қиладиларми? Бу саволга умумий "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериб бўлмайди. Чунки спорт мавзусини турли хил оммавий ахборот воситаларида ёритадиган журналистларнинг ифода усуллари ҳам турлича. Ва бу табиий. Масалан, бошқа ОАВга нисбатан матбуотдаги спорт мавзусини ёритишда журналистлар адабий тил меъёрларига амал қилишга уринадилар. Гарчанд улар кўпроқ расмий тилда берилди, дейилса ҳам, ҳар ҳолда журналистлар ёки таҳририятлар масъулиятни ҳис этадилар.

Тошкент шаҳрида фаолият олиб борадиган ОАВ ва журналистлар нисбатан қизиқарли ва сифатли журналистик материаллар тайёрлашга ҳаракат қилинса, вилоятларда адабий тил меъёрларини қўллашда гоҳида спорт жаргонлари ёки маҳаллий лаҳжаларни қўллаш ҳолатлари кузатилади. Бунинг учун бўлғуси журналистлар махсус фанлар бўйича, айниқса диққия ва овоз тембрлари билан ишлашни ўргатувчи фанларга ҳам ўрин ажратилиши мақсадга мувофиқ.

"Журналистиканинг қайси тури, шакли бўлмасин, унинг техник имкониятлари нечоғли ўзига хос бўлмасин, журналистнинг бирламчи воситаси, қуроли - тил, сўз, матн! Журналист гапирадими, кўрсатадими, ёзадими - ҳар қандай ҳолатда ҳам у ёзади. Журналистика - ёзиш санъати, ёзиш истеъдоди, ёзиш маҳорати орқали намоён бўладиган ўзига хос касбдир!".[1] Нотиқлик санъати, сўз айтиш малакаси ва "сўз сандиқчаси" бой бўлмаса пала-партишликлар юзага келади.

Бугунги спорт журналистикаси тили қай даражада? Умуман спорт журналистикаси тилининг меъёри бузилмаяптими? Саволларнинг бундай қўйилиши бежиз эмас албатта, чунки бугунги кунда мамлакатда спортнинг ривожланишига катта эътибор қаратилаётган бир шароитда унинг ифодасига жиддий эътибор бериш бу соҳада ишлайдиган журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо афсуски, спорт мавзусида ёзилаётган мақолалар, эфирга тайёрланаётган кўрсатув, лавҳа ёки эшиттиришларда билиб-билмай, бот-бот хатога йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламиз.

2004 йилда "Маърифат" газетасининг "Меҳмонхона" рукни остида Ахбор Имомхўжаев билан қилинган суҳбатда

у киши ҳам бу ҳақда куюниб бир мисолни келтиришди. Телевизорда спорт хабарини бераётган бир журналист сузиш мусобақаси ҳақида сўзлаётган чоғда русчаси "плавание на спине" бўлган жумлани "орқачалаб сузиш" дея айтганини (аслида "чалқанчасига сузиш" тарзида айтилиши керак) афсус билан таъкидлаганди. "Футбол экспресс" газетаси ижодкорлари яқин-яқин йилларгача -ни ва -нинг келиши қўшимчалари фарқиға деярли бормасди. Ҳозир анча камайиб қолган (деярли учрамаяпти, деса ҳам бўлади).

Қолаверса, инсон шахси тилга олинганда унга нисбатан -та қўшимчасини қўллаш ҳам тўғри эмас. Бу ҳолат нафақат ТВ-радио, балки матбуот журналистлари ижод маҳсулларида ҳам кўп учрайди. Яъни "иккита (аслида икки нафар дейилиши керак) футболчи майдонни тарк этди", "иккита (аслида икки жамоа мураббийи иштирокида тарзида қўлланиши лозим) мураббий иштирокида матбуот анжумани ўтказилди", деган ноқис жумлаларни кўп эшитамиз.

Мамлакатда спорт ривожланиб боргани сари, уни ёритадиган ОАВ ҳам спортдан ортда қолмаслиги керак. Жоиз бўлса, спорт журналистлари ўша спортчиларни руҳлантириши, керак бўлса, эргаштира олиши керак. Бунинг учун спортни яхши тушунадиган, уни таҳлил қила оладиган журналистлар зарур. Бунинг учун ихтисослашиш, замонавий янгиликлардан хабардор бўлиш маъқул.

Спорт мавзусини ёритишда журналистга қизиқишдан ташқари,

биринчи навбатда чуқур билим, тинимсиз ўрганиш ва изланиш талаб этади.

Таъкидлаш жоизки "Спорт" каналида фаолият олиб борадиган журналист спорт турига ихтисослашгани яхши самара бермоқда. Журналистлар ва шарҳловчиларга спорт турлари бўлиб берилган. Бу эса журналистларга жиддий масъулият юклайди. Дарҳақиқат, футбол шарҳловчиси сифатида фаолият олиб боровчи журналист фақат матчни шарҳлаш билан бирга мураббийлик, ҳакамлик, инспекторлик, футболчилик ва унинг атрофидаги янгиликлардан хабари бўлиши керак. Фақатгина шунда унинг шарҳлари жонли ва талаб даражасида бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки, соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида деярли ҳар куни оммавий ахборот воситаларида хабар ва репортажларни, шарҳларни ўқиймиз, эшитамиз.

Шубҳасиз, бу эзгу ишлар замирида амалга ошираётган, мухлисларга ўз вақтида маълумотларни етказиб бераётган спорт журналистларининг заҳматли меҳнати ётади. Ҳозирги кунда юртимизда спорт журналистикаси ривожланаётганини эътироф этиш лозим. Аммо бу ҳали мутахассислар ишидан тўла қониқиш ҳосил бўляпти, дегани эмас. Биргина мисол: баъзан телевидение ёки радио орқали эфирга узатилаётган футбол шарҳларида гализ жумлалар, ноўрин ишлатилган сўзларга дуч келамиз. Шарҳловчи нутқининг равон эмаслиги, тез фикрлаш малакасининг йўқлиги шундай ҳолларга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДЖТУ. - Б.92.

Х.Дустмуҳаммад, Гуманитарное право и профессиональная этика в международной журналистике. Учебное пособие. Т.: УзГУМЯ. Т.92.

(Kh.Dustmukhammad, Humanitarian Law and Professional Ethics in International Journalism. Teaching aid. Т.: UzSWLU. P.92.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

АДАБИЁТЛАР ҲАМКОРЛИГИ - ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ГАРОВИДИР

Шахло Облоқулова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти

Шу йилнинг 7-8 август кунлари Тошкент шаҳрида "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишиб, улар шоир хотирасини ёд этдилар.

Ушбу конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати раиси Н.Т.Йўлдошев ўқиб эшиттирди. Ялпи мажлисда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Дендев Бадарч, ЎзФА президенти Беҳзод Йўлдошев, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улугбек Есдавлат, Алишер Навоий номидаги ТДУТА университети ректори Шуҳрат Сирожиiddинов табрик сўзи айтдилар.

Куннинг иккинчи ярмида "Ўзбек мумтоз адабиётини хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш масалалари" шўъбаси (Модераторлар: Шуҳрат Ризаев - Ўзбекистон, Карл Райхл - Германия); "Ўзбек замонавий адабиётини хорижда ўрганиш ва тарғиб этиш муаммолари" (Модераторлар: Муҳаммад Али - Ўзбекистон, Фатма Ачик - Туркия); "Ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва таржималарни тарғиб қилиш масалалари" (Модераторлар: Аҳмаджон Мелибоев - Ўзбекистон, Абдуллажон Аҳмадалиев - Қирғизистон); "Бадий таржима соҳаси мутахассислари тайёрлашдаги халқаро илғор тажрибалар" (Модераторлар: Муҳаммаджон Холбеков - Ўзбекистон, Инг Ёнг О. - Жанубий Корея); "Халқаро адабий алоқаларни кучайтиришга доир долзарб масалалар" (Модератор: Минҳожиддин Мирзо) мавзусидаги бешта шўъбада 62 та маъруза тингланди. Маъруза қилганлар орасида Карл Райхл (Германия), Хендрик Боёшотен (Нидерландия), Вели Саваш Йелок (Туркия), Хисао Коматсу (Япония), Сергей Гетман (Латвия), Элен Мела (Франция), Александр Ливергант (Россия), Инг Ёнг О. (Жанубий Корея), Шаҳид Таслем (Ҳиндистон), Муҳаммадзода Сидиг (Эрон), Кристофер Форт (АҚШ), Раиммаммет Куренов (Туркманистон), Артине Мартиросян (Арманистон), Абдуллоҳ Рўйин (Афғонистон) каби ўттиздан ортиқ хорижлик олимлар, ёзувчилар, шоир ва таржимонлар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу конференция сўнггида ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни хорижда ўрганиш, таржима ва тарғиб қилишнинг келгуси режалари ишлаб чиқилди, ўзаро келишувлар имзоланди.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

1. Фанижон Хошимов МАНБА ТИЛНИНГ БЕЛГИ ОМИЛИ ВА СИНХРОН ТАРЖИМАДА КОМПРЕССИЯ МУАММОСИ.....	4
2. Мафтуна Фаниева АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ФИКР - МУЛОҲАЗАЛАРИ ХУСУСИДА.....	11

Адабиётшунослик

3. Лиходзиевский А. С. САТИРА НАЗАРИЯСИНИНГ БАЪЗИ МУНОЗАРАЛИ МАСАЛАЛАРИ.....	16
4. Тарана Гашимова БАХТИЁР ВАҲОБЗОДА АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ МАВЗУ ВА ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ.....	22
5. Рахиммамед Куренов ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВА УНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҚЎЛЁЗМАСИ (Девон шеърий тўпламининг ижодий таҳлили асосида).....	30
6. Ҳафиза Асланова XV АСР ШЕЪРИЯТИДА МАВЛОНО ГАДОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ.....	45
7. Дилфуза Тоирова ФРАНЦИЯДА ТАРИХИЙ РОМАН ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	54
8. Машхура Хасанова ГАДОИЙ ҚАСИДАСИ ВА УНИНГ МАМДУҲИ ТЎҒРИСИДА.....	64
9. Умида Элова ВОЛТ УИТМЕН ШЕЪРИЯТИ.....	69

Таржимашунослик

10. Дилдора Хошимова "БОБУРНОМА" МАТНИДА САЖЪ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ТИКЛАШ МАСАЛАСИ.....	82
11. Гулсанам Рахимова ГЕКТОР МАЛОНИНГ "САЁҚ ТРУППА" ҚИССАСИ ТАРЖИМАСИДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИНИНГ ИФОДАСИ.....	91
12. Парда Курбонов "ШИЛЬЙОН ТУТҚУНИ" ДОСТОНИ ТАРЖИМАСИДА ФОЖИАВИЙ РУҲНИНГ БЕРИЛИШИ.....	100
13. Аваз Кенжаев А.С.ПУШКИН "БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ" ПОЭМАСИ ЎЗБЕК ТИЛИДА (АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ).....	107

Журналистика

14. Мухлиса Сабирова СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ТИЛ, УСЛУБ ВА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ.....	121
Илмий ҳаёт 15. Шаҳло Облоқуллова АДАБИЁТЛАР ҲАМКОРЛИГИ - ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ГАРОВИДИР.....	125

СОДЕРЖАНИЕ

Языкознание

1. Ганижан Хошимов
ЗНАКОВЫЙ ФАКТОР ЯЗЫКА ИСТОЧНИКА И ПРОБЛЕМА КОМПРЕССИИ В
СИНХРОННОМ ПЕРЕВОДЕ.....4
2. Мафтуна Ганиева
ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБДУРАУФА ФИТРАТА.....11

Литературоведение

3. Лиходзиевский А. С.
НЕКОТОРЫЕ СПОРНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ САТИРЫ.....16
4. Тарана Гашимова
ХАРАКТЕРНЫЕ ЧЕРТЫ НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ
БАХТИЯРА ВАХАБЗАДЕ: ТЕМАТИЧЕСКИЕ И ИДЕЙНЫЕ ПАРАЛЛЕЛИ В
СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ.....22
5. Рахиммамед Куренов
ЗАХИРЕДДИН МУХАММЕТ БАБУР И ЕГО НОВАЯ РУКОПИСЬ
(на основе творческого анализа сборника стихов Диван).....30
6. Хафиза Асланова
РОЛЬ ТВОРЧЕСТВА МАВЛОНО ГАДАИ В ПОЭЗИИ XV ВЕКА.....45
7. Дилфуза Тоирова
ФОРМИРОВАНИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО РОМАНА КАК ЖАНРА ВО ФРАНЦИИ.....54
8. Машхура Хасанова
КАСИДЫ ГАДОИ И О ЕГО "МАМДУХИ".....64
9. Умида Элова
ПОЭЗИЯ УОЛТА УИТМАНА.....69

Переводоведение

10. Дильдора Хошимова
РИФМОВАННАЯ ПРОЗА В ТЕКСТЕ "БАБУРНАМЕ" И ЕГО ПРОБЛЕМЫ
ВОССТАНОВЛЕНИЯ В ПЕРЕВОДЕ.....82
11. Гулсанам Рахимова
ОТРАЖЕНИЕ ДЕТСКОЙ И ПОДРОСТКОВОЙ ПСИХОЛОГИИ В ПЕРЕВОДЕ
ПОВЕСТИ ГЕКТОРА МАЛО "БЕЗ СЕМЬИ".....91
12. Парда Курбонов
ВОССОЗДАНИЕ ТРАГИЧЕСКОГО КОЛЛИЗИЯ НЕСЧАСТЬЯ И НЕВОЛЕ В
ПЕРЕВОДЕ ПОЭМЫ "ШИЛЬОНСКИЙ УЗНИК".....100
13. Аваз Кенжасв
ПОЭМА А.С. ПУШКИНА "БАХЧИСАРАЙСКИЙ ФОНТАН" НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ
(СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОРИГИНАЛА И ПЕРЕВОДА).....107

Журналистика

14. Мухлиса Сабирова
ЯЗЫК, МЕТОД И МАСТЕРСТВО ЖУРНАЛИСТА В СПОРТИВНОЙ
ЖУРНАЛИСТИКЕ.....121

Научная жизнь

15. Шахло Облокулова
СОТРУДНИЧЕСТВО ЛИТЕРАТУР-ЗАЛОГ ДРУЖБЫ НАРОДОВ.....125

CONTENTS

Linguistics

1. Ganijan Hoshimov
SIGN FACTOR OF THE SOURCE LANGUAGE AND PROBLEM OF COMPRESSION
IN SIMULTANEOUS TRANSLATION.....4
2. Maftuna Ganieva
ABDURAUUF FITRAT'S THOUGHTS ON LINGUISTICS.....11

Literary criticism

3. Lixodzievsky A. S.
SOME CONTROVERSIAL ISSUES OF THE THEORY OF SATIRE.....16
4. Tarana Goshimova
THE CHARACTERISTIC FEATURES OF NATIONAL IDENTITY IN THE BAKHTIYAR
VAKHABZADE'S WORKS: THEMATIC AND IDEOLOGICAL PARALLELS IN MODERN
UZBEK POETRY.....22
5. Rahimammad Kurenov
ZAHYREDDIN MUHAMMET BABYR'S NEWLY FOUND MANUSCRIPT
(based on the creative analysis of the collection of verses Divan).....30
6. Hafiza Aslanova
THE ROLE OF MAVLONO GADOIY IN THE POETRY OF XV CENTURY.....45
7. Dilfuza Toirova
THE FORMATION OF THE HISTORICAL NOVEL AS A GENRE IN FRANCE.....54
8. Mashkhura Khasanova
GADOI'S QASIDA AND ITS DEVOTION.....64
9. Umida Elova
WALT WHITMAN'S POETRY.....69

Translation Studies

10. Dildora Khoshimova
SAJ' AND ITS TRANSLATING ISSUES IN "BABURNAME".....82
11. Gulsanam Rakhimova
THE TRANSMISSION OF CHILDREN'S AND TEENAGER'S PSYCHOLOGY INTO THE
TRANSLATION OF THE NOVEL "WITHOUT FAMILY" OF HECTOR MALOT.....91
12. Parida Kurbonov
DESCRIPTION OF A TRAGIC CONFLICT IN THE TRANSLATION OF THE POEM
"THE PRISONER OF CHILLON".....100
13. Avaz Kenjaev
THE POEM OF A.S. PUSHKIN "FOUNTAIN OF BAKHCHISARAY" IN UZBEK
LANGUAGE (COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ORIGINAL AND
TRANSLATION).....107

Journalism

14. Mukhlisa Sabirova
LANGUAGE, METHOD AND SKILL OF JOURNALIST IN THE SPORTS
JOURNALISM.....121

Scientific Life

15. Shahlo Oblokulova
COOPERATION IN LITERATURE IS THE WARRANTY TO THE FRIENDSHIP OF
NATIONS.....125

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

№3 (2018)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан
23.02.2018 йилда, № 1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.

Зарегистрировано свидетельством № 1175 от 23.02.2018г.
Агентством печати и информации Республики Узбекистан.

The journal was registered by the certificate № 1175 from 23.02.2018.
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

№3 (2018)